O'ZBEKISTON

*Ватан ҳимояси — иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

**2009** йил, **29** май, жума № **22** (2305). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **29** мая, **2009** год, № **22** (2305). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

**E-mail: vatan@rol.uz**

В розницу – цена договорная

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗДА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН СЕРЖАНТЛАРИМИЗ ШАХСИЙ ТАРКИБНИНГ ЮКСАК ЖАНГОВАР ВА СИЁСИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲАРБИЙ ҚИСМ ВА БЎЛИНМАЛАРДА СОҒЛОМ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МУҲИТНИ, ҲАРБИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМНИ САҚЛАШНИНГ ЧИНДАН ҲАМ МУҲИМ ОМИЛИГА, МУХТАСАР АЙТГАНДА, АРМИЯМИЗНИНГ АСОСИЙ ЎЗАГИГА АЙЛАНДИ, ДЕСАК, АЙНИ ҲАҚИҚАТНИ АЙТГАН БЎЛАМИЗ.

**Ислом КАРИМОВ**

## «ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ, ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ ВА ЧОРАЛАРИ» ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли конференция қатнашчилари!

Азиз меҳмонлар!

Сизларни Ўзбекистон пойтахти – Тошкент шаҳрида, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чораларига бағишланган конференцияда иштирок этаётганингиз билан чин дилдан қутлайман.

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиёти сўнгги ўн йиллар давомида ривожланиш жараёнидаги энг қалтис даврни бошидан кечирмоқда. Жаҳон илк бор деярли барча мамлакатларга таъсир кўрсатган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга дуч келди.

2008 йилнинг ноябрида Вашингтонда ва 2009 йилнинг апрелида Лондонда дунёнинг етакчи 20 давлати иштирокида бўлиб ўтган саммитлар молиявий-иқтисодий инқирознинг глобал кўламини тасдиқлаш билан бирга, ундан чиқиш учун дунёнинг барча давлатлари биргаликда изланиши ва уларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш зарурлигини кўрсатди.

Ушбу жараён давомида кўплаб мамлакатларда нафақат жорий иқтисодий сиёсат, балки умуман ислоҳ қилиш ва иқтисодиётни бошқаришнинг стратегияси, концепцияси ва тамойиллари қайта кўриб чиқилмоқда.

Шуни тан олишимиз керакки, илгари амал қилган ҳамда муқаррар ҳақиқат деб ҳисобланган кўплаб тамойиллар бугун танқидий таҳлил қилинмоқда, янгича ёндашув, янгича ечимлар изланмоқда.

Ана шу изланишлар асосида конференция иштирокчилари эътиборига Ўзбекистон шароитида ишлаб чиқилган ва ўзини оқлаган тараққиёт модели ҳавола этилмоқда. Бу модель аввало, мамлакатда янги, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосий тамойилларини қамраб олади. Бу тамойилларнинг моҳияти иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, давлат зиммасига бош ислоҳотчи вазифаси юклатилиши, қонун устуворлигига эришиш, кучли ижтимоий сиёсат юритилиши, ислоҳотларнинг босқичма-босқич ва изчил амалга оширилишини таъминлашдан иборатдир.

**(Давоми 2-бетда).**

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАДРИДДАГИ МУЗОКАРАЛАРИ

**Мадрид. 27 май. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).**

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 май куни расмий ташриф билан Бразилия Федератив Республикасига жўнаб кетди. Давлатимиз раҳбари Бразилияга бораётиб, Испания Қироллиги пойтахти Мадрид шаҳрига тўхтаб ўтди.**

Бу ерда мамлакатимиз раҳбари Испания Қироли Хуан Карлос билан учрашди. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларга оид масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистонда Испания билан ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор билан қаралади. 2006 йилда Испания Қироллиги билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид ҳукумат қарори, 2009 йилнинг февраль ойида ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури қабул қилинган.

Айни пайтда Испанияда ҳам Ўзбекистон билан муносабатлар юксак қадрланади. Президент Ислом Каримовнинг 2003 йил январь ойида Испанияга давлат ташрифи асносида Мадриднинг ўша пайтдаги мэри Хосе Мария Алварес дел Манзано мамлакатимиз раҳбарига ушбу қадим шаҳарнинг рамзий «Олтин калити»ни тақдим этган эди. Бу Мадрид Тошкент учун ҳамиша очиқлигининг ёрқин белгисидир.

Ўзбекистон ва Испания тарихан бир-бирига яқин давлатлардир. Олти аср муқаддам Амир Темур саройида Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо меҳмон бўлган. Соҳибқирон Муҳаммад ал-Қозийни ўзининг Испания Қироллигидаги элчиси этиб тайинлаган. Бу мамлакатларимиз халқлари ўртасида ўша даврлардаёқ маданий, маърифий, сиёсий ва иқтисодий алоқалар яхши йўлга қўйилганидан далолатдир.

Испания – иқтисодий жиҳатдан ривожланган, халқаро сиёсат майдонида юксак нуфузга эга мамлакат. Ўзбекистон ушбу давлат орқали бутун Европа Иттифоқи билан ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор. Ўз навбатида, Испания Марказий Осиёнинг етакчи давлати бўлган Ўзбекистон билан муносабатларни изчил ривожлантириш тарафдори. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган, парламентлар ва омбудсманлар ўртасидаги алоқалар тобора фаоллашмоқда.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Испания ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилади. Мамлакатимизда «Texkominvest» (савдо), «Maxam Central Asia» (кимё саноати), «Balkan Eksport Import Asia» (қурилиш материаллари ишлаб чиқариш), «Maxam Uzbekistan» (кимё саноати) каби қатор Ўзбекистон–Испания қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

**(Давоми 2-бетда).**



Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

*Юртимиз асраймиз мардона, ҳушёр!*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИНИНГ ХАБАРИ

2009 йил 25 майдан 26 майга ўтар кечаси 2-3 нафар қуролланган босқинчидан иборат гуруҳ Андижон вилояти Хонобод шаҳрига кираверишда жойлашган милиция блок-постига портловчи мосламалардан фойдаланган ҳолда ҳужум қилган.

Отишма пайтида бир нафар милиция ходими ва босқинчилардан бири яраланган.

Босқинчилар берилган зарба натижасида тун қоронғусида яширинишга улгурган.

26 май куни соат 13.45–14.00 да Андижон шаҳрининг Фитрат кўчасида номаълум киши ўзини-ўзи портлатиб юборган ва бунинг оқибатида бир нафар милиция ходими ҳалок бўлган, бир неча фуқаро жароҳатланган.

Дастлабки маълумотларга кўра, босқинчилар гуруҳи Андижон вилояти ҳудудига қўшни Қирғизистондан кириб келган.

Айни пайтда Андижонда мамлакатимизнинг барча ҳарбийлашган тузилмалари вакилларидан иборат тезкор штаб ташкил этилган ва иш олиб бормоқда. Тезкор-қидирув ишлари ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.




4 В ШКОЛАХ ПОДГОТОВКИ СЕРЖАНТОВ — НА НОВЫЙ УРОВЕНЬ



5 ТАЪЛИМ — ПАРВОЗГА ШАЙЛАНГАН ЛОЧИНЛАР



8 ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — В ВОЕННЫХ СЕМЬЯХ – НОВОСЕЛЬЕ!



24 МАДАНИЯТ — ХАЙР МАКТАБ, САЛОМ УЛКАН ОРЗУЛАР!

# АКТУАЛЬНО

В помощь руководителям групп общественно-политической подготовки

# ПАМЯТЬ – ЭТО ВЕРНОСТЬ ОТЕЧЕСТВУ, ЭТО ОПЫТ, ТРАДИЦИИ

Совсем недавно, 9 мая, на площади Памяти Президент страны, беседуя с журналистами, сказал, что мы всегда будем помнить о тех, кто пожертвовал собой во имя свободы нашего народа. **«Вспоминая имена участников Второй мировой войны и почитая их память, преклоняем голову перед их немеркнущей славой».** И там же подчеркнул: **«Чтить память ушедших, проявлять внимание и заботу о людях преклонного возраста является священным долгом».**

И это естественно. Потому что память – это не просто одна из черт нашей духовности, это – наша преданность своим истокам, историческим корням и своему народу. Память – это сопереживание и бесстрашие, это почитание и сострадание. А сострадание – это отвага души. И значит, память – это верность своему Отечеству, своей родной земле. Память – это опыт предшествующих поколений, это традиции и огромный, ни с чем не сравнимый стимул к их приумножению.

Память человеческая вообще явление уникальное. Если в ней порыться, можно проследить всю историю народов нашего края от древнейших времен и до наших дней.

Вглядываясь в прошлое, в различные исторические эпохи, нельзя не заметить, что во все времена в этнический ковер узбеков, естественно, вплетались многочисленные культурные нити их ближайших соседей, а также уйгур и корейцев, армян и цыган, евреев и крымских татар, русских и украинцев. Эти и другие этнические группы и составили единую многонациональную семью народов Узбекистана, которые сегодня благодаря мудрой и дальновидной политике Президента Ислама Каримова могут свободно и разносторонне развиваться, активно участвовать в политической, экономической, социальной и культурной жизни общества. Во всей структуре государственного и общественного строительства, наверное, сегодня не найдется такой нации или народности, которая не была бы представлена в той или иной государственной или общественной структуре. В преддверии начинающейся предвыборной кампании в Олий Мажлис и местные органы власти, этот исторический факт нашей национальной политики, ее глубокий и реальный демократизм, гуманизм всей нашей общественно-политической жизни нелишне подчеркнуть и отметить как важнейшее завоевание независимости, воплощение целей и задач всех предшествующих поколений.

Говоря о предшествующих поколениях, а каждое из них внесло свою лепту в процесс исторических преобразований, хочу напомнить нашим военнослужащим, особенно молодым, слова Президента страны: **«Мы не должны забывать о том, потомками каких великих личностей являемся. Необходимо глубоко изучать историю нашего народа, гордиться отвагой и мужеством своих предков».**

Но наша гордость должна воплощаться не в прекраснодушной фразе, а в практических действиях, в поведении, в решении стоящих перед нами задач, на основе опыта и традиции наших предков.

Их наследие огромно. Каждый год мы открываем в истории страны все новые и новые страницы, новые факты и обогащаемся новым пониманием нашей действительности. Из всех известных нам традиций на первое место по своей значимости и общественно-политическому звучанию, думаю, надо поставить **преданность Родине и родной земле.** Она всегда во все времена выступала внутренним императивом, той мобилизующей силой, которая звала на подвиг во имя Родины. Именно такую святую любовь к Родине и родной земле завещал нам великий Сахибкиран Амир Темур. Он редко говорил о Родине, но всеми своими делами постоянно укреплял ее могущество, оберегал родную землю от внешних врагов и постоянно совершенствовал, укреплял свое государство для блага людей.

«Я освобождал угнетенного из рук гонителя», – говорил он. – «С добрыми, к какой бы национальности они ни принадлежали, я обходился с добротой, но злые и изменники изгонялись из моего государства».

Из государства, которое он создал на этой благодатной земле, освобожденной от иноземных захватчиков. На земле, которая была дорога ему и которую он свято берег и поклонялся ей. А Родина – это и есть священное место поклонения. Именно оно всегда влекло великого Сахибкирана. Где бы он ни находился, в каком бы дальнем походе ни был, он постоянно думал о родной земле, о Самарканде и всегда возвращался туда, влекомый высоким чувством Родины.

**«Чувство Родины, переходящее к нам как священное наследие от наших великих предков, – говорил глава нашего государства, – пусть превратится в настоящую веру, истинную святыню для наших детей, сегодняшнего и грядущего поколений».**

Важнейшая боевая традиция верность Родине и родной земле, завещанная нам великими предками и закрепленная в горниле Второй мировой войны, в годы независимости получила свое дальнейшее развитие **как любовь к независимой Родине** и нашей щедрой и благодатной земле. Она же явилась основой новой боевой традиции, рожденной независимостью, – **верность своему народу и Президенту.** Народ и Президент – это две самые высшие социальные, политические и духовно-нравственные категории и две высшие в стране добродетели: великий народ и выдающийся государственный и политический деятель. За доказательством далеко ходить не надо. Сегодня в нашей стране процветают города и села, осуществляется огромная созидательная работа: возводятся величественные здания, неповторимые сооружения, учреждения здравоохранения и образования, мосты и дороги, мощнейшие предприятия на основе новейших технологий. **Все это результаты труда народа. И все это – воплощение творческой мысли нашего руководителя.** Более того, сегодня, в труднейшее для планеты время разрастания финансово-экономического кризиса, **идеи, установки, выводы главы нашего лидера изучает, без преувеличения, вся мировая общественность, весь просвещенный мир.** Великое счастье служить такой Родине и быть верным ее народу и Президенту.

Наши великие предки Джалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Захереддин Бабур, герои Второй мировой войны и наши современники, отдавшие свои жизни за свободу и независимость своей Родины, завещали нам **глубоко осознавать и свято блюсти высокое и благородное чувство долга, верности делу, которому ты служишь.** Сегодня эти высокие морально-боевые и психологические качества нам жизненно необходимы. Они должны быть присущи не только военному, но и гражданскому человеку. Они – составная часть нашей гражданственности и нашего патриотизма, нашей верности и любви к независимой Родине.

Сегодня верность долгу приобрела новые черты, более широкое содержание и трансформировалась в такие традиции, как **верность Военной присяге и воинскому долгу; верность Боевому Знамени части; верность дружбе и войсковому товариществу.** А верность делу, которому ты служишь, трансформировалась в три важнейших традиции – в постоянное совершенствование своих профессиональных знаний воинского мастерства и боевой выучки; в высокую дисциплинированность и в постоянную борьбу за высокую боевую готовность. Эти основополагающие боевые традиции должны стать важнейшим внутренним императивом, движущей силой постоянного самосовершенствования и профессионального роста каждого военнослужащего.

На площади Памяти глава государства



сказал, что **для каждого человека является долгом вспоминать наших соотечественников, погибших во имя свободной и независимой жизни, чистого неба.** Он обратил внимание на такие цифры. До войны в Узбекистане проживало 6,5 млн. человек. Из них около 1,5 миллиона участвовали в войне. Если учесть, что половину населения составляли дети, женщины, пожилые люди, то получается, что 70–80 процентов наших соотечественников, способных нести военную службу, принимали участие в этой беспощадной войне. Эту истину никто и никогда не должен забывать.

Помним ли мы об этом? Да, помним. Память о подвигах наших прадедов, дедов и отцов – наше бесценное боевое, духовно-нравственное оружие. Для командиров всех уровней, заместителей по воспитательной работе, для всех офицеров и сержантов воспитание на героических традициях должно быть предметом особой заботы, приоритетным направлением. К сожалению, кое-кто об этом забывает. Нет, это не упрек им, а, скорее, напоминание. И цифры, приведенные главой государства, сыграют в этой работе особую роль. К тому же для действенной воспитательной работы на боевых традициях собственно требуется немногое: понимание задач воспитания, осознание исторического момента в жизни нашего государства, умение пробудить интерес к истории, традициям, к героическому прошлому народа. И обратиться к памяти. А память, как уже было сказано, часть духовной культуры. Память – это традиции. А значит, память – фактор оборонный, военно-патриотический.

Сегодня мы не должны, не имеем права упустить ни малейшей возможности в патриотическом, духовно-нравственном и военно-патриотическом воспитании на живом примере наших фронтовиков, на их памяти. Потому что в подвигах наших прадедов, дедов и отцов, прошедших горнило войны, заложен огромный нравственный потенциал. Любая победа – предмет общенациональной гордости, а победа над фашизмом – в особенности. Это – наша Победа. Не будем забывать, что 68 узбекистанцев за подвиги в боях получили высшую степень отличия – звание Героя, сотни тысяч награждены орденами и медалями, а медалью за Победу награждены все 1,5 миллиона наших соотечественников и, наверное, столько же за героический труд в годы войны.

Их подвиги, их самоотверженный воинский труд воплотились в традиции мужества и отваги, небывалой стойкости, незнания страха в борьбе с коварным и жестоким врагом, верности воинскому долгу, преданности родной земле и родной Отчизне. Эти традиции, память о героическом прошлом должны жить, взывать к подвигу, учить молодое поколение, особенно военную молодежь, уму-разуму, как побеждать современного коварного врага, побуждать к верному служению своей независимой Родине.

За годы военной реформы мы добились многого. Наша армия и в целом все Вооруженные Силы превратились в хорошо отлаженный военный организм, в надежный фундамент нашей безопасности. В лице всех наших офицеров, сержантов и солдат мы видим сегодня подлинных профессионалов, высоко интеллектуальных личностей, надежных защитников Родины, беспредельно преданных Родине, народу и Президенту. Но было бы неправильно думать, что молодой парень, едва надев военную форму, автоматически превращается в умелого защитника Родины. Нет, его надо обучать, формировать, пестовать, как говорят в народе, воспитывать. Да и все мы, от солдата до генерала, умудренные знаниями и опытом, тоже не должны останавливаться в росте своего профессионального мастерства, боевой выучки и компетентности и, конечно, в воспитании. Потому как старая истина гласит: остановился – отстал.

Если мы хотим, чтобы наша любимая армия всегда была мобильной, высокобоеспособной, способной дать достойный отпор любому агрессору, а каждого военнослужащего видеть обладателем высоких морально-боевых и психологических качеств, беспредельно преданным Родине, народу и Президенту, то все мы должны постоянно идти вперед в своем боевом совершенствовании. Ориентиры на этом пути надежные – Обращение Президента страны, Верховного Главнокомандующего и требования Министра обороны.

История давно подтвердила, что сила солдата, его моральный дух, его воля к надежной защите Отечества зиждутся на единстве с народом, на традициях народа, на гордости за свой народ и за свою страну. Все это у военнослужащего Вооруженных Сил Республики Узбекистан есть. Его воинский труд как никогда высоко ценится в нашей стране. Он пользуется глубоким уважением и любовью народа. На деле окруженные отеческой заботой государства и общества наши офицеры, сержанты и солдаты достойно выполняют свой почетный, благородный и ответственный долг по защите независимой Родины, уверенно идущей к своему 18-летию.

**Анфим ХЛЫЗОВ.**

# МАСТЕРСТВО

В Академии Вооруженных Сил

## ПЕРВОКУРСНИКИ ЗАКРЕПИЛИ НАВЫКИ

**На минувшей неделе слушатели первого курса Академии Вооруженных Сил приняли участие в недельном полевом выходе с целью закрепления на практике навыков организации боя.**



На первом этапе полевого выхода со слушателями было проведено учение, тема которого учитывала изменения тактики и средств ведения вооруженной борьбы за последние годы. Оценивалось умение работать с картой, довести обстановку по макету местности, оформлять графические документы. В ходе учения с наилучшей стороны проявили себя такие слушатели, как майоры Б. Ахмаджанов, Х. Батыров, Л. Усманов и М. Нажмиддинов, получив высокие отзывы.

— В ходе учения слушателям приходилось порой недосыпать, в сжатые сроки принимать и обосновывать решения, — говорит начальник одной из кафедр Академии Вооруженных Сил подполковник Алишер Алимов. — То есть обстановка предельно была приближена к реальной, боевой, был обозначен условный противник, огневые посредники. В общем, все было, как в реальном бою. И наши слушатели показали умение оперативно принимать решения в быстро меняющейся ситуации.

В ходе полевого выхода были также организованы контрольные занятия по огневой подготовке, вождению боевых машин. Здесь преследовались две основные цели. Во-первых, слушатели совершенствовали свои навыки действий при вооружении боевой техники, ведения огня из стрелкового оружия и управления боевыми машинами. То есть офицер за период своего пребывания в учебных классах не должен терять формы, оставаться в тонусе. А во-вторых, представителями войсковой части была показана современная методика проведения занятия по этим видам боевой подготовки.

Проверенный временем командирский принцип «делай, как я», нашел свое подтверждение и в ходе выполнения слушателями контрольных упражнений. Они и стреляли из танка, вооружения боевых машин, стрелкового оружия и водили эту грозную технику образцово. Отличились в этих компонентах боевой учебы майоры М. Бабаджанов, Б. Ахмаджанов, Д. Толипов, Ш. Назаров и Н. Авезов, создав победный задел для сослуживцев. Особо следует отметить труд преподавателей Академии Вооруженных Сил, вложивших частицу своей души в это важное мероприятие.

На завершающем этапе полевого выхода для слушателей на базе одной из частей ТВО были проведены показательные занятия по организации и проведению паркового дня, где на учебных местах была отработана передовая методика. Доведены требования Министра обороны, начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил по работе в парке, направленные на поддержание высокой боевой готовности техники и вооружения.

Кстати, не забывали слушатели и о физической подготовке: за время полевого выхода они дважды совершили марш-бросок на дистанцию пять километров. Укрепившись духом и телом, прочно закрепив на практике полученные за год учебы знания, они смогли уверенно покорить еще одну вершину профессионального роста.

**Майор Аблай КАМАЛОВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**
**Фото майора Икболжона ИЛХОМОВА и Бахрома АБДУРАХИМОВА.**

В школах подготовки сержантов

## НА НОВЫЙ УРОВЕНЬ

Добрые напутствия, крепкие рукопожатия, цветы, улыбки и даже слезы — все это неизменно сопутствует традиционной церемонии очередного выпуска в Школе подготовки сержантов. Событие торжественное и волнующее, венец напряженной боевой учебы и нелегкого труда военнослужащих, избравших своей профессией дело защиты независимости родного Узбекистана. Выпускники Школы подготовки сержантов Лазиз Орипов, Бахшулло Саидов, Жамшид Сафаров и их боевые товарищи навсегда запомнят этот день.

На плацу в парадном строю выстроились виновники торжества: младшие командиры, три месяца назад прибывшие сюда из самых разных гарнизонов. Они, как и почти две трети сержантов нашей национальной армии, уже один раз прошли обучение в оснащенных современной учебной базой и школах подготовки сержантов. Отбор на право повысить уровень профессионального мастерства во второй раз был строгий — на одно место претендовало не менее девяти человек. Все это говорит как о росте престижа школ подготовки сержантов, так и об огромном желании младших командиров постоянно совершенствовать свои профессиональные знания и навыки.

Как подчеркнул в своем Обращении, посвященном 17-летию образования Вооруженных Сил Узбекистана Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов: «Сержантский состав Вооруженных Сил становится по-настоящему важнейшим фактором обеспечения высокого уровня боевой и политической подготовки личного состава, поддержания здоровой морально-нравственной обстановки и воинской дисциплины в подразделениях, говоря коротко, главным стержнем нашей армии».

При столь высокой оценке роли младших командиров и неизменной заботе руководства Узбекистана о повышении престижа профессии сержантов-профессионалов и уровня их материального обеспечения обучение в школе подготовки сержантов стало сегодня для нового поколения младших командиров делом чести. Родители и родственники, жены и дети виновников торжества гордятся своими сыновьями, мужьями и отцами, и от души поздравляют их с успешным завершением учебы.

А сами выпускники, несмотря на понятное волнение, держатся на торжестве уверенно и с достоинством. Все они не первый год служат в Вооруженных Силах. У каждого за плечами срочная военная служба, учеба в школах подготовки сержантов и несколько лет примерной службы по контракту. Наблюдая за тем, как идеально держат они равнение в строю, четко и уверенно представляются старшим начальникам, строго соблюдают ритуал торжественного выпуска, начинаешь от души радоваться за личный состав, у которого будут такие умелые командиры и наставники.

В ходе выпускных экзаменов большинство из курсантов этого набора получали только отличные оценки. Во многом их успешной учебе способствовала высокая квалификация преподавателей-офицеров и инструкторов-сержантов, добротная учебно-материальная база, позволяющая вырабатывать и совершенствовать высокие практические навыки обучаемых по всем предметам обучения.

В процессе поэтапного реформирования Вооруженных Сил в деле подготовки младших командиров-профессионалов правительством страны и Министерством обороны проделана большая работа. Прибывшие на торжество гости могли сами в этом убедиться: в Школе подготовки сержантов имеются прекрасно обустроенные в бытовом отношении общежития, оборудованные по последнему слову техники аудитории, современные компьютерные и тренажерные классы, мини-полигоны и пограничный городок.

Завершилась торжественная церемония вручения знаков, представители командования Вооруженных Сил, местных органов власти, государственных и общественных организаций, ветераны Вооруженных Сил поздравили выпускников, призванных стать главными наставниками солдат и первыми помощниками офицеров с успешным завершением учебы.

А затем выпускники охотно ответили на вопросы родственников и представителей средств массовой информации. Младший сержант Ойбек Ризаев, заместитель командира группы, с отличным настроением возвращается к прежнему месту службы. Поздравить с этим знаменательным событием приехали супруга Дилрабо с детьми: пятилетним Ортикбоем и трехлетними близнецами Фатимой и Хусаном.

— Я очень счастлив их вниманием, — говорит Ойбек. - Как и доволен пройденным курсом обучения. Благодаря полученным знаниям, умениям и навыкам, я и мои товарищи готовы к выполнению новой задачи, поставленной Президентом: при необходимости успешно командовать боевой группой и ей равными подразделениями.

Завершился праздник, а у очередных выпускников Школы подготовки сержантов начался новый этап их служебной биографии, означающий более высокий уровень профессионального мастерства. С новыми знаниями возвращаются они в свои воинские части, чтобы и дальше вносить весомый вклад в укрепление обороноспособности нашей Родины.

**Капитан Хасан МИРЗАЕВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**
**Фото Бахрома АБДУРАХИМОВА.**







# ТАЪЛИМ

## ПАРВОЗГА ШАЙЛАНГАН ЛОЧИНЛАР

**Олий ҳарбий билим юртларида таҳсил олаётган курсантларни – эртанги офицерлар, профессионал асосга ўтаётган миллий армиямизнинг таянч устунлари, Қуролли Кучларимиз келажаги деб биламиз. Уларнинг ҳар томонлама етук, билимли ва маҳоратли, бир сўз билан айтганда, юксак салоҳиятли командир бўлиб шаклланишлари учун бугун барча шарт-шароит ва имкониятлар муҳайё қилинган.**

Бу борада олий ҳарбий таълим муассасалари ва сержантлар тайёрлаш мактабларида таълим дастурларининг такомиллаштирилгани муҳим ўрин тутмоқда. Ҳа, ислоҳотлар самараси ўлароқ бир қатор фанлар янгилик сифатида киритилди. Машғулотлар зарур кўргазмали воситалар, компьютерлар ҳамда замонавий техникалардан фойдаланилган ҳолда малакали устоз-мураббийлар томонидан олиб борилмоқда. Шунингдек, курсант бўлишга талабгор ёшларнинг ҳар томонлама баркамоллиги, турли синовлардан муваффақиятли ўтган шижоатли ўғлонларгина сафларга қўшилаётгани профессионал асосга ўтаётган миллий армиямизни етук, малакали мутахассислар билан бутлашда муҳим омил бўлмоқда.

Айни кунларда юртимизда фаолият кўрсатаётган олий ҳарбий таълим муассасалари битирувчи курсантлари давлат имтиҳонлари топширишаяпти. Халқона ибора билан айтганда, айни ғалвир сувдан кўтариладиган пайт. Таҳсил давомида эгалланган билимлар синаб кўрилмоқда. Бу борада Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ҳам жараён қизғин руҳда бошлаб юборилди.

Шу кунларда бўлажак офицерлар тарбиявий ишлар услубиёти, артиллерия, кимё ва автомобиль мутахассислиги тактик қўмондонлиги каби фанлардан давлат имтиҳонларини топширмоқдалар. Соҳанинг етук мутахассислари бўлган масъул офицерлардан иборат ҳайъат аъзолари уларнинг билимларини синовдан ўтказишмоқда. Тайёргарлик ва интилишлари мустаҳкам бўлган, ҳадемай командирлик даражасига етиш арафасида турган норларнинг шижоатлари бўлакча. Айниқса, илғорлар ичра илғор, аълочилар ичра аълочи бўлган, билим юртини олтин медаль билан битиришга даъвогарлик қилаётган ўн икки нафар курсантнинг ибратли томонларини бу борада алоҳида мақтаб ўтсак арзийди. Ҳа, уларнинг ғайратига таҳсин айтмай бўлмас. Келинг, яхшиси, бу ҳақда курсантларнинг командири офицер Мирза Отажановнинг фикрларини келтириб ўтайлик.

– Бўлажак офицерлар – Анвар Эгамназаров, Улуғбек Очилов, Яҳё Эркинов, Улуғбек Улуғхўжаев, Баҳодир Ҳусайинов, Фарҳод Тўраев, Бахтиёр Арслонов, Бекзод Рўзиев, Маъмур Жумаев, Дамир Раҳматулин, Алишер Мухторов ва Анвар Остоновлар билим юртимизнинг фахридир, – дейди офицер мамнуният билан. – Булар билим юртига қабул қилинганидан то шу кунгача барча фанлардан аъло баҳо олишиб, мусобақаларда ҳам доимо зафар қучиб келаётир. Шундан ҳам уларнинг ғайрат-шижоатлари қанчалар юксак эканини англаш мумкин. Парвозга шайланаётган бу ўн икки лочинни ҳақли равишда, профессионаллик сари интилаётган мардлар, десак хато қилмаймиз.

– Мен ҳарбий соҳани қалб амри билан шарафли бурч, орзуларим сари боришда улуғ мақсад йўли, дея танлаганман, – дейди курсант Бекзод Рўзиев. – Зеро, эр йигит учун халқ, Ватан хизматини қилишдан, унинг осойишталигини асрашдан улуғроқ нима бор. Шу соҳанинг етук мутахассиси бўлишни кўзлаганман. Мана, мақсадимга секин-аста эришиб келаяпман. Тайёргарликларим, эгаллаган билимим боис имтиҳонлар асло қийинчилик туғдираётгани йўқ.

– Билим юртидаги таҳсил давомида яшашимиз ва сифатли таълим олишимиз учун барча шароитлар етарли бўлди. Замонавий компьютерлар, бой бадиий ва илмий ҳамда электрон кутубхоналар ихтиёримизга берилди. Малакали устозлардан сабоқларни пухта ўргандик. Ахир шунча имкониятдан фойдаланмасдан бўладими. Ҳа, бугун биз ёшларнинг комил инсон бўлиб шаклланишимиз учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Биздан фақат ўқиш, изланиш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, кўзлаган мақсадларимизга эришиш ва шу орқали давлатимиз ҳамда жамиятимиз ривожи учун хизмат қилиш талаб этилади. Яъни биз шу билан кўрсатилган ғамхўрликларга жавоб қайтарамиз, – дейди курсант Фарҳод Тўраев.

Билим юртида синов ва имтиҳонларни топшириш назарий ва амалий, юксак технологиялар асосида, компьютер техникалари воситасида амалга оширилади. Бу борада информатика кафедраси компьютер синфида ўрнатилган янгича дастур қўл келиб, унда курсантларнинг компьютерда имтиҳон топширишлари йўлга қўйилганини таъкидлаш жоиз. Айни пайтда мазкур дастур батальонларга ҳам ўрнатилган бўлиб, бўлажак офицерлар мустақил тайёргарлик машғулотларида ундан бемалол фойдаланиб, билим ва маҳоратларини ошириб келишмоқда.

**Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**





## САЛОҲИЯТ, МАҲОРАТ СИНАЛАР

**Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти миллий армиямиз сафларига Ватан тақдирини ўз тақдири деб билган, мард, матонатли, билимли офицерларни тайёрлаб бераётган зиё масканларидан бири ҳисобланади.**

Айни кунларда билим юртининг битирувчи курс курсантлари устозлардан олган сабоқлари асосида давлат имтиҳонларини топширишяпти. Албатта, ҳар бир курсант бу жараённинг қанчалик масъулиятли эканлигини яхши англайди. Шу боис улар имтиҳонларга катта тайёргарлик кўришиб, синовни аъло баҳоларга топширишга интилишмоқда.

– Билим юртимизда курсантларнинг мукаммал билим олишлари учун барча шароитлар ва қулайликлар яратилган, – дейди офицер Бахтиёр Баратов. – Ўқув хоналари, амалиёт синфлари, тоғ тайёргарлиги ҳамда спорт шаҳарчаси ва тренажёр зали замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Шунингдек, илмий ва бадиий, ҳарбий соҳага оид адабиётларга бой кутубхонадан бўлғуси офицерлар унумли фойдаланишмоқда. Курсантлар иштирокида турли байрамлар, саналарга бағишлаб давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қатор маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Бу курсантларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан камол топишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Ўқув хонасига кирганимизда имтиҳон комиссияси аъзолари курсантлардан тарбиявий ишлар услубияти фани бўйича синов қабул қилишаётган экан.

– Имтиҳон жараёнида курсантларнинг олдиларига қўйган мақсадлари сари интилишларини яққол ҳис қилдим, – дейди комиссия аъзоси офицер Рустам Назаров. – Курсантлар ҳар бир саволга тўлиқ ва аниқ жавоб беришга, қанчалик билимга эга эканликларини намоён қилишга астойдил ҳаракат қилишаяпти.

Тарбиявий ишлар назариясини амалиёт билан боғлаш, қўшинлар хизматини ташкил қилишда, ички хизматни олиб боришда бу борадаги ишларнинг ўрни ва аҳамияти бўйича берилган саволларга берилган аниқ жавоблардан ҳам буни сезишингиз мумкин.

Комиссия аъзоларининг таъкидлашича, курсантларнинг аксарияти тарбиявий ишлар услубияти фани бўйича имтиҳонни аъло ва яхши баҳоларга топширишди. Бу мазкур йўналишни яхши ўзлаштиришганидандир, албатта.

Шунингдек, курсантлар нишонга отиш, жисмоний тарбия ва спорт, тактика, Умумҳарбий низомлар ҳамда техник тайёргарликлар бўйича ҳам синовлардан муваффақиятли ўтишмоқда.

– Шундай нуфузли ҳарбий билим юртининг курсанти бўлганимдан фахрланаман, – дейди Аҳрор Жаъфаров. – Жисмоний тайёргарлик ва тарбиявий ишлар услубияти фани бўйича синовларни аъло баҳога топширдим. Ўқишим давомида устозлардан соҳамга оид билимларни пухта эгаллашга ҳаракат қилдим. «Жанговар тайёргарлик аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирландим. Мақсадим давлат имтиҳонларини аъло баҳоларга топшириб, миллий армиямизга муносиб бўлиш.

Курсантлар – Жамол Мирзаев, Ёдгор Муродов, Тоҳир Муталов, Камолиддин Нажмиддинов, Муҳаммаджон Расулов, Темур Тошпўлатов, Мамад Турғунов, Шоят Тўхтабоев, Диёр Тўхтаев, Исмоил Ўринбоев, Азимжон Шайимовлар давлат имтиҳонларини аъло баҳога топширишиб, юксак салоҳият ва маҳоратга эга эканликларини намойиш этишмоқда.

Ишончимиз комилки, билим юртини намунали тугатган курсантлар Қуролли Кучларимиз сафларида аъло даражада хизмат қилишиб, юртимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз осойишталиги йўлида камарбаста бўлажаклар.

**Нозим АҲРОРОВ.**
**В. КАЛОШИН суратга олган.**




## ҲАРБИЙ ЛИЦЕЙДА ТАНТАНА

**Ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги Тошкент академик лицейида ўқув маскани ташкил топган кун муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда лицей раҳбарияти ва ўқитувчилари, тарбияланувчилар, ота-оналар ва бошқа кўплаб меҳмонлар иштирок этди.**

Маълумки, Юртбошимизнинг 2007 йил май ойидаги «Ҳарбий академик лицейлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, мазкур академик лицей бинолари қайта таъмирланиб, янгича қиёфа касб этди. Шунингдек, ўқув-моддий база такомиллаштирилди.

– Лицейимиз ташкил этилган кунни кенг нишонлаш мақсадида лицей битирувчилари билан учрашув ҳамда давра суҳбатлари, тарбияланувчилар орасида «Менинг лицейим» деб номланган расмлар ва иншолар, шеър ва ҳикоялар, деворий газеталар танловлари, спорт мусобақалари ўтказилди. Масалан, кичик сержант Ҳамза Камолов командирлигидаги гуруҳ футбол бўйича ғолибликни қўлга киритган бўлса, биринчи курс тингловчиси Достон Телманов сардорлик қилган «Адолат» жамоаси «Заковат» интеллектуал ўйинида тенгсиз эканликларини намойиш этдилар, – дейди капитан Баҳодир Ортиқов.

– Мен учун қадрдон бўлиб қолган лицейимга келганимдан жуда хурсандман, – дейди катта лейтенант Искандар Абдужалилов. – Офицер бўлишни ният қилган, олдига юксак мақсадларни қўйган йигитлар билан суҳбатлашиб, бу ерда ўқиб юрган пайтларим ёдимга тушиб кетди. Унутилмас дамларнинг қадрига етишларини, билим олишда доимо қатъийлик кўрсатишларини маслаҳат бердим, уларга.

**Катта лейтенант**
**Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.**

# АМАЛИЁТ

## МАШҒУЛОТЛАРДА ЮКСАЛАР БИЛИМ ВА МАҲОРАТ

**Шу кунларда барча қисм ва бўлинмаларда ўқув йили машғулотлари кўтаринки суръатда давом этиб, ҳарбий хизматчилар соҳалари бўйича пухта билим олишга интилишяпти. Айниқса, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитлар учун бу каби машғулотлар катта ҳаёт мактабини ўтамоқда. Малакали офицер ва сержантлардан соҳалари ва ҳарб илмининг сир-асрорини пухта ўзлаштиришга, Ватаннинг муносиб посбони бўлишга ҳаракат қилишмоқда.**





Артиллериячилар қисмида бўлганимизда ҳам назарий ва амалий машғулотларнинг юксак савияда ўтказилаётганига гувоҳ бўлдик. Батарея ва гуруҳ командирлари қўл остидаги посбонларнинг ҳар томонлама тобланиб, пухта билимга эга бўлиб, тажриба ва маҳоратлари юксалиши йўлида режадаги машғулотларни кўргазмали қуроллар ва ўқув-моддий база асосида олиб боришмоқда.

– Айни кунларда посбонларга артиллерия сабоқларини назарий ва амалий машғулотлар давомида мукаммал ўргатаяпмиз, – дейди батарея командири офицер Баҳодир Файзуллаев. – Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, етарли ўқув-моддий базага эгамиз. Шунингдек, машғулотларга тажрибали офицер ва сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиб, билим ва малакасини ошириб қайтган кичик командирларни жалб қилганмиз.

Дарҳақиқат, қисм ҳудудидаги артиллерия майдончасида сержант Беҳзод Саидумаров гуруҳ посбонларига артиллерия асбоблари ва уларнинг тузилиши, ишлаши, ундан қандай фойдаланиш ҳамда техника хавфсизлиги қоидалари бўйича машғулот олиб бормоқда. Майдончада машғулотни юксак савияда ўтказиш учун барча шароитлар яратилган бўлиб, посбонлар улардан унумли фойдаланиб, пухта билим олишга, тажрибаларини янада оширишга ҳаракат қилишяпти.

Кичик командирнинг аскарлар билан ишлашида сержантлар тайёрлаш мактабининг икки босқичида ҳам ўқиб, ҳарб илмини пухта ўзлаштирганлиги, ҳарбий педагогика ва психологияни яхши билиши асқотмоқда. Биз бунга кичик командирнинг аскарлар билан олиб бораётган машғулотлари жараёнини кузатиб, амин бўлдик. Техник тайёргарлик ва артиллерия асбобларини тушунтириш вақтида аскарларни қизиқтирган саволларга аниқ, лўнда ва тушунарли қилиб жавоб берар экан, уларнинг бу соҳадан имкон қадар кўпроқ билимга эга бўлишлари учун ҳар қандай майда деталларгача тушунтирарди. Амалий машғулот давомида эса ҳар бир аскарнинг хатти-ҳаракатини кузатиб, уларнинг ютуқ ва камчиликларини, қаерда қандай хатога йўл қўйишганини кўрсатиши, керак бўлса, бу жараённи яна қайтадан тушунтириб бериши аскар ва кичик командир ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурматга асосланган муносабатларни мустаҳкамламоқда.

– Муддатли ҳарбий хизматни артиллериячилар қисмида ўтаганман, шу ерда қалбимда ҳарбийлик касбига ҳавас уйғониб, ҳаётимни шарафли соҳа билан боғлашга қарор қилганман, – дейди кичик командир. – Мана шунга ҳам яқинда беш йил бўлади. Бу давр мобайнида соҳам бўйича тажрибали офицерлардан сабоқлар олиб, билимимни янада оширишга ҳаракат қилдим. Аскарлар билан машғулот олиб боришнинг завқи бўлакча. Уларнинг кўпроқ билимга эга бўлишлари учун бор имкониятимни ишга солишга интилаяпман.

Кичик командирнинг машғулот давомида аскарларнинг бир-бирларига сабоқ ўтишини йўлга қўйгани бизни қизиқтирди. Унинг таъкидлашича, нишонга олувчи вазифасида хизмат қилаётган аскар фақат шу йўналишда билимга эга бўлиб қолмасдан, ҳисоб рақами, ҳайдовчи, алоқачи, ўқловчи кабиларнинг вазифаларини ҳам мукаммал билмоғи лозим. Дарҳақиқат, бундайин ёндашув аскарларнинг юксак билим ва тажрибага эга бўлишларида муҳимдир. Нишонга олувчи вазифасида хизмат қилаётган сурхондарёлик оддий аскар Зокир Мўминовнинг машғулотини кузатиб, унинг алоқа воситасидан усталик билан фойдаланаётганига гувоҳ бўлдик.

Кичик командирнинг таъкидлашича, оддий аскарлар – Аъзам Сувонов, Ўткир Хуррамов, Икромжон Маннопов, Равшан Тўхтасиновлар қисқа вақт ичида бой билим ва маҳоратга эга бўлган посбонлардан ҳисобланади.

Ишончимиз комилки, тўп командири вазифасида хизмат қилаётган сержант Беҳзод Саидумаров қўл остидаги билимли, тажрибали посбонлар билан илғорлар сафидан жой олиб, жанговар шайликка муносиб ҳисса қўшишади.

**Фирдавс АҲРОР.**
**Муаллиф суратга олган.**

## ПОЛИГОН МАЛЫЙ – ЗАДАЧИ БОЛЬШИЕ

**Отработка огневых задач по стрельбе и управлению огнем артиллерии на малом артиллерийском полигоне (МАП) позволяет не только избегать больших затрат, но и доводить до автоматизма действия артиллеристов. А значит, на МАП решаются большие задачи поддержания боевой готовности на высоком уровне.**





В наш приезд занятие на МАП проводил kbxyj командир части, называя цели для поражения и подавления. А в роли стреляющего офицера действовал капитан Бахтиер Рахимов. Дело в том, что реально вести огонь из реактивных систем залпового огня по учебным целям приходится не так часто, так что такие занятия на МАП помогают поддерживать на должном уровне мастерство офицеров в выполнении необходимых расчетов.

В полумраке помещения вспыхивает яркий лучик, указывая то место на макете местности, которое подвергается обстрелу. За пять минут и двадцать секунд стреляющему офицеру требуется в режиме реального времени подавить все цели. Причем допускается не более трех-четырех поправок.

Старший лейтенант Шухрат Исаков четко работает на приборе управления огнем, а на долю самого молодого офицера в этом расчете, лейтенанта Камола Исмоилова, выпадает задача с помощью буссоли вести разведку целей. Выпускник СВВАКИУ за первый год службы вполне освоился в воинском коллективе.

– Встретили меня здесь радушно, – говорит лейтенант. – Вот и сейчас во время занятия на МАП старшие офицеры всегда готовы прийти на помощь, а эта взаимовыручка и сама доброжелательная атмосфера помогают быстрее проходить этапы офицерского становления.

Младшему сержанту Закиру Ибрагимову предстоит в реальной боевой обстановке выполнять команды в качестве командира боевой машины. Его первым помощником в этом важном деле является водитель, заряжающий, младший сержант Сафармумин Бахшиев. Из разных уголков нашей Родины собрались здесь солдаты, став дружным расчетом. Наводчик рядовой Умид Джураев и радиотелефонист рядовой Соатали Шоимов прибыли из Ташкентской области, а номер расчета рядовой Баходир Карабаев из Самаркандской области.

– Сознание того, что нам доверено управлять этой грозной огневой мощью, наполняет нас законной гордостью, – говорит рядовой Б. Карабаев. – Но вместе с тем оно придает и понимание ответственности за мирную жизнь миллионов наших сограждан.

Вот так воинский труд на малых артиллерийских полигонах помогает решать большие задачи по поддержанию на высоком уровне боевой готовности наших Вооруженных Сил.

**Майор Алишер АББАСОВ.**
**Фото автора.**

# ОГОҲЛИК

Ҳушёрлик – қуролимиз

## ПОСТДА СЕРГАК СОҚЧИЛАР

**Она Ватанни ҳимоя қилиш, халқ фаровонлигини таъминлашдек масъулиятли вазифа эр йигитга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Буни яхши англаган юрт ҳимоячилари сарҳадларимизда ҳамиша шай ва сергак туриб, бурчларини виждонан ўташмоқда.**



Сарҳадларимизни ҳимоя қилиш посбондан катта масъулият, малака ва билим ҳамда ўта сезгирликни талаб қилади. Буни қоровуллик хизмати мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

… Тун. Техника паркида ўз вазифасини ўтаётган соқчи доимгидек ҳушёр ва сергак. Кучли ёмғир ва шамолга қарамасдан соқчи сержант Толмас Жониев пост ҳудудида белгиланган йўналиш бўйича айланиб, вазифасини ҳушёрлик билан адо этмоқда. Ҳар бир товуш, шарпа соқчининг эътиборидан четда қолмаяпти. Негаки, у қандайин масъулиятли вазифани бажараётганини яхши англайди. Ғира-шира қоронғуликда йилтираган нарса соқчининг эътиборини тортди. Яқинлашиб борганида эса, бу ёмғир ва шамол таъсирида электр тармоғидаги носозликдан келиб чиққан қисқа туташув натижаси эканлигини билди. Соқчи тезда қоровул бошлиғига вазият ҳақида хабар берди. Қоровул бошлиғи офицер Ғулом Маҳкамов зудлик билан қисм навбатчисига соқчи берган ахборотни етказди ва қоровуллар билан биргаликда постга етиб келди. Тезкор ҳаракат натижасида носозлик бартараф қилинди ва келиб чиқиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисанинг олди олинди. Соқчининг сергаклиги ва аниқ ҳаракати унинг гарнизон ва қоровуллик хизматлари низомини пухта билишини, қолаверса, Ватанга, бурчига садоқатини кўрсатди. Соқчи сержант Т. Жониев қоровуллик хизматини аъло тарзда ўтаганлиги учун қисм қўмондонлиги томонидан муносиб тақдирланди.

– Соқчи низом талабларини яхши билиши, ҳар қандай ҳолатда ўзини йўқотмасдан тез ва аниқ ҳаракат қилиши керак, – дейди қоровул бошлиғи офицер Ғ. Маҳкамов. – Шуни инобатга олган ҳолда, қоровулга тушишдан олдин посбонлар билан тайёргарлик машғулотлари ўтказилади.

– Қоровулга тушишдан олдин посбонлар уч босқичли тайёргарликдан ўтишади, – дейди офицер Бахтиёр Чориев. – Биринчи босқичда уларни саралаб оламиз. Бунда посбоннинг жисмоний, руҳий ва маънавий жиҳатларига эътибор қаратамиз. Иккинчи босқичда саралаб олинганлар билан қоровулларни тайёрлаш хонасида назарий машғулот олиб борамиз. Учинчи босқичда қоровуллар шаҳарчасида жанговар қуролдан фойдаланиш, қўл жанги машқлари, ёнғин содир бўлганда ишлатиладиган асбоб ва ёнғинга қарши воситаларни ишлатиш, постда алмашиш, ҳаракат қилиш, қай ҳолатда қуролни ишлатиш ва огоҳлантириш каби машқларни амалий тарзда ўтамиз. Бу машғулотлар қоровуллар шаҳарчасида тажрибали офицерлар томонидан олиб борилади. Машқларни юксак савияда ўтказиш учун шаҳарчада низом талаблари асосида барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Ҳа, сергаклик ва ҳушёрлик аскар қуроли. Бу бежизга эмас, албатта. Туну кун постда сергак турган соқчи ўз вазифасини низом қоидалари асосида, сидқидилдан бажарса, юрт осойишта бўлади, фуқаро тинч ухлайди.

Қоровулларнинг дам олишлари, овқатланишлари учун ҳам зарур шароитлар яратилган. Дам олиш хонасида шашка, шахмат, шунингдек, газета ва журналлар тартиб билан жойлаштирилган. Қоровулхона олдида турган соқчи низом қоидаларига амал қилган ҳолда қоровул бошлиғига келаётганлар ҳақида ахборот бериб турибди. Бу посбонларнинг қоровул хизмати қоидаларини жуда яхши ва пухта ўзлаштирганликларини кўрсатади.

– Анча йиллардан буён шартнома бўйича хизмат қилиб келаяпман, – дейди қоровул бошлиғи ёрдамчиси сержант Мурод Юсупов. – Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб юрган кезларимда ҳам кўп бора қоровулга тушганман. Қоровул ва соқчининг вазифаларини яхши биламан. Шундай бўлса ҳам қоровулга тушишдан олдин низом қоидаларини ўқиб, билимимни янада бойитиб бораяпман.

Қоровул бошлиғининг «Қоровул қуроллан, постга ҳужум» деган буйруғи янгради. Қоровуллар тезкорлик ва аниқлик билан қуролларини олиб, каска ва ўқ ўтишидан сақловчи воситаларни кийиб, сафга тизилишди ва қоровул бошлиғининг кўрсатмаси асосида тегишли вазифани бажаришга киришди. Қоровулхонада дам олувчи қоровуллар билан бу каби ўқув машғулотлари кўп бора ўтказилиб турилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир қоровул ва соқчи бундай ҳолатларда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини жуда яхши билади.

Қоровул бошлиғининг таъкидлашича, сержантлар – Собир Шарипов, Рашид Давлетов, Шерзод Сарибасов, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар, оддий аскарлар – Дилшод Satторов, Маъруф Эрназаров, Фарруҳ Бердиев кабилар қоровуллик хизматини аъло тарзда ўтаётган посбонлардан ҳисобланишади.

Қоровул бошлиғининг ёрдамчиси сержант М. Юсупов навбатдаги қоровулларнинг постга бориш учун тайёргарлик кўришларини айтди. Қоровуллар ўз вазифаларини ўташга шай бўлганларида қоровул бошлиғи яна бир бор уларга соқчининг вазифаси ва мажбуриятлари ҳақида эслатиб ўтди. Шундан сўнг улар қоровул бошлиғининг назорати остида қуролларини ўқладилар. Ёрдамчи саф олдида ҳаракат қилиб, қоровулларни пост томон бошлаб кетди. Улардаги ўзларига ишонч, қатъият юртимиз тинчлиги, осойишталиги ишончли қўлларда эканлигидан далолатдир.

**Аҳрор ОЧИЛОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Муаллиф суратга олган.**

## ҚАЛБ ДАЪВАТИ ИЛА УШАЛГАН ОРЗУ

**Ҳар бир инсоннинг ўз олдига қўйган эзгу мақсадлари бўлади. Уларнинг рўёбга чиқиши эса доимо ўзимизга боғлиқ. Кимдир ниятига етишиш йўлида тинмай изланади, машаққатларни бартараф этишга ҳаракат қилади. Ва якунида ўз меҳнатининг самарасини кўришга муваффақ бўлади. Лавҳамиз қаҳрамони офицер Жасур Авазов ана шундай юксак ютуққа эришганлардан. Келинг, унинг ҳаёт фаолиятига бир назар ташлаймиз.**



Жасур Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида зиёли оилада туғилиб, вояга етди. Отаси Абдусамад ака муҳандис, онаси Мукаррама опа узоқ йиллардан бери мактабда ўқитувчилик қилади. Мана шундай инсонларнинг тўнғич фарзанди бўлган Жасурда болалигиданоқ ҳарбий соҳага меҳр бўлакча эди. Унинг бу эзгу мақсадини ота-онаси ҳам қўллаб-қувватлашарди. Тўғри, болаликдаги бундай орзу-ниятлар ҳеч бир ёшни четлаб ўтмайди. Вақт ўтиб эса болаларча орзу ўткинчи ҳавасга айланади. Бироқ, унинг истаги ўткинчи бўлмади. Аксинча, йиллар ўтган сайин болаликдаги орзу шаклланиб, қатъий мақсадга айланди. Шу боис мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ ҳарбий билим юртига кириш учун тайёргарликни бошлаб юборди. Мактабни тамомлагач, ўзи истаган билим юрти – Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ҳужжат топширди. Интилганга толе ёр, деганларидек, орзусига эришиш йўлидаги чеккан заҳматлари, астойдил қилган саъй-ҳаракатлари бесамар кетмади. Жасур билим юрти курсантига айланди.

Камолот палласига қадам қўйган бўлажак офицер учун ўқиш ва изланишлар даври бошланди. Ўқишга кргани билан ўз зиммасидаги масъулият енгиллашиб қолмаслигини, аксинча, янада ортишини таҳсилнинг дастлабки кунлариданоқ англаб етган курсант йигит энди берилаётган сабоқлар мобайнида танкчи-муҳандис учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни астойдил ўзлаштиришга киришди. Қувноқ ташвишларга тўла йиллар ортда қолаверган сари Жасур ўзи ҳавас қилган касбни мукаммал эгаллаб бораверди. Зеро, ҳарбийлик кишидан кучли билим ва малакани талаб қилади. Шу боисдан ҳам ҳарбий билим юртида таҳсил олаётган курсантлар зиммасидаги масъулият ҳисси ҳам ортиқ бўлади. Назарий билимларни мустаҳкамлаш учун ўтказиладиган амалий машғулотлар, ўз устида изланиш бўлажак офицернинг дунёқарашларини кенгайтириб, билимларини мустаҳкамлашга ёрдам берди. Ниҳоят, курсантлик йиллари ортда қолди. Ўзининг тиришқоқлиги ва билимдонлиги билан фанларни фақат аъло баҳоларга ўзлаштирган Жасур Авазов имтиёзли диплом соҳиби бўлди.

Билим юртини битирган ёш офицер илк хизмат фаолиятини ўзи учун қадрдон бўлиб қолган билим юртида бошлади. У фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ ўзининг нафақат офицер, балки билим юртида таҳсил олаётган ёш курсантларга йўлбошчи эканлигини ҳам теран англади. Шу боисдан ҳам курсантларга соҳа бўйича мукаммал билим беришга ҳаракат қила бошлади.

Ёш лейтенант Жасур Авазов билим юртида билимдон ва малакали офицер бўлиши билан бирга талабчан устоз ҳам саналади. У топширилган ҳар бир вазифани масъулият ва эътибор билан бажаришни курсантлардан талаб қилади. Ана шу талабчанлиги боис жамоада катта обрў-эътиборга эга.

– Инсон қайси соҳада фаолият кўрсатмасин, доимо устозларининг берган ўгитларига амал қилади, – дейди қаҳрамонимиз. – Чунки бу ўгитлар йўлимизни топиб кетишимиз учун хизмат қилади. Уларнинг қимматли маслаҳатлари ҳар доим ҳам силлиқ кечавермайдиган ҳаётда, мураккаб хизмат жараёнида катта аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам мен каби офицерларга ҳар доим қимматли йўл-йўриқлар бериб, маслаҳатларини аямайдиган устозларимиз – офицер Ҳ. Пратов, А. Ачилов, А. Аҳмедов ва Ч. Насриддиновлардан ҳамиша миннатдорман.

Инсон қалб амри билан қилган ишларигина юқори чўққиларни забт этиши мумкин, деган экан алломалардан бири. Бу ҳаётий ҳақиқатнинг исботини қаҳрамонимиз мисолида ҳам кўрдик. Зеро, қалб даъвати олис манзиллар, улуғ ишлар сари етаклайди, инсонга доим далда ва мадад бўлади. Тўғри, уни ҳаётга тадбиқ этиш ёки амалга ошириш биз ўйлаганчалик осон кечмаслиги мумкин. Бундай пайтларда муваффақиятга бўлган ишонч, ирода, ички куч ўзини намоён этади. Лавҳамиз қаҳрамони лейтенант Жасур Авазов ана шу ҳаётий ҳақиқатни чуқур англаб етган ҳолда, мақсадлари томон дадил қадам ташлаётган, келажаги порлоқ ўғлонлардан. Қуролли Кучларимиз сафида мана шундай фидойи йигитларнинг кўплиги эса юртимиз тинчлиги ва осойишталигимизнинг бардавомлигига кафолатдир.

**Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.**
**Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ суратга олган.**

## СЕРЖАНТЛАРГА УСТОЗ ВА ИБРАТ

**Ҳарбийлик жасорату фидойиликни, интилиш ва бедорликни талаб этадиган касб. Шу боис бу соҳада фаолият кўрсатиш осон эмас. Шундай инсонлар борки, Ватанимиз тинчлиги йўлида шараф билан хизмат қилиб, эл корига камарбаста бўлиб келмоқдалар. Офицер Нодирбек Умаров ана шундай фидойи ҳарбий хизматчилардан бири.**

Офицер. Бу сўзнинг замирида қанча орзу умидлар, меҳнату машаққатлар, ғурур-ифтихор борлигини офицерлик мақомига етишганлар билади. Лавҳамиз қаҳрамони Нодирбек Умаров болалигидан ҳарбий соҳага қизиқиб, ана шу орзусига етишиш учун астойдил ҳаракат қилди. Мактабни битириб, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кирди. Бу ерда у ҳарбий билим ва кўникмаларга эга бўлди. Малакали устозлар кўмагида маҳорати ошди, шаклланди.

Билим юртини тамомлаган Нодирбек илк хизмат фаолиятини МХХ Чегара қўшинларида бошлади. Энди у олган билимларини аста-секин хизмат фаолиятида қўллай бошлади.Шахсий таркиб билан ишлашда устозларининг ўгитларига амал қилди. Бугун уни қисмда интилувчан, билимдон ва ташаббускор офицер сифатида ҳурмат қилишади. Ўтган йиллар уни фақат омаду қувонч билан сийламагани аниқ. Чунки интилишсиз, қатъий ҳаракат ва машаққатсиз мақсадга етишнинг ўзи бўлмайди. Эзгу мақсад йўлида қилинган саъй-ҳаракат эса куни келиб орзунинг рўёбига етказиши тайин. Ҳозирги кунда офицер Нодир Умаров бўлинма командири. У етакчилик қилаётган жамоа давлат чегараларини қўриқлашдек масъулиятли вазифани ҳар доим ҳушёрлик билан адо этишади. Шу боисдан ҳам бўлинманинг жанговар хизмат фаолиятидаги натижалари юқори даражада. Офицер Умаров ҳарбий жамоада нафақат бошлиқ, балки олижаноб инсон сифатида ҳам ҳурмат қозонган. У сержантларга ҳамиша ибрат бўлиб келмоқда.

**Кичик сержант М. ТЕШАБОЕВ.**

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

## ЭРТАНГИ КУН ИШОНЧИ

Бугун жаҳонни қийнаётган асосий муаммолардан бири молиявий инқироз, унинг таъсири, салбий оқибатлари ва юзага келадиган вазиятдан чиқиш йўлларини излаш эканлиги кўпчилигимизга маълум. Интернетга кўз югуртириб, банкларнинг тўлов қобилияти сусайиб бораётгани ёки қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги йўқотишларни, ишлаб чиқариш суръати пасаяётгани, кўчмас мулк нархи тушаётгани, ишсизлик тобора ортиб бораётгани, хуллас шу каби хабарларни ўқийсиз. Табиийки, ахборот оқими сизни бефарқ қолдирмайди. Бугунингиз, эртангиз ҳақида ўйлай бошлайсиз.

Тўғри, ҳеч бир мамлакатни бу глобал муаммо четлаб ўтмайди. Гап бунда эмас. Муҳими, давлатнинг банк-молия тизими, иқтисодиёти, уларни ҳимоялаш тизими қанчалар кучли, барқарорлигида. Шу маънода олиб қараганда, мамлакатимизда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратилганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Шу ўринда танлаган истиқбол ва тараққиёт йўлимизга назар ташлагинг келади. Яхши биламиз, аввалбошданоқ жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат туйғусини, энг катта бойлигимиз бўлмиш тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга эътибор қаратдик. Танлаган йўлимиз мазмуни, моҳияти ҳам аслида ана шунда. Инқирозга қарши кураш асосини ҳам бежиз ижтимоий тамойилга – инқироз шароитида аҳолининг турмуш даражасини ошириб боришга қаратмадик.

Яқинда Тошкент ҳарбий округида ҳарбий хизматчиларга янги тураржой биноси топширилиш тантанасига гувоҳ бўлиб, кўнгилдан шундай фикрлар кечди: инқироз шароитида нафақат уни бартараф этиш, балки тараққиётнинг янги-янги марраларини эгаллаш, ободлик, фаровонлик сари интиляпмиз. Ижтимоий ҳимояга эътибор қаратяпмиз. Ҳатто инқироздан кейинги давр хусусида бош қотиряпмиз.

Янги хонадон калитларини қабул қилиб олаётган, шарт-шароитлардан кўзлари қувнаётган ҳарбийларнинг, хонадон бекаларининг ҳаяжонини тушунса бўлади. Давлатимиз, халқимизнинг бундайин юксак эътиборига миннатдорлик туйғулари ила боқаётганлар нигоҳидан англайсиз – ислоҳотлар, янгиланишлар Қуролли Кучларимиз сафларидаги инсонларнинг манфаатига қай даражада қаратилганини.

Ҳа, айнан шунинг учун ҳам сўнгги йилларда замон талабларига жавоб берувчи кийим-кечаклар, озиқ-овқатлар, қурол-аслаҳа, техникалар, ҳарбий шаҳарчалар инфратузилмалари учун муайян бюджет маблағлари сарфланяпти. Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший аҳволини, яшаш шароитларини янада яхшилаш билан боғлиқ масалага миллий армиямиз мудофаа қудратини оширишдаги муҳим омил сифатида қаралмоқда. Буни ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзолари эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмаларни яратиш, уларни уй-жой билан таъминлаш бўйича тасдиқланган давлат дастури, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори, Мудофаа вазирининг бу борадаги буйруғи ва бошқа бир қатор муҳим ҳужжатлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Кичик сержант Ботир Каримов уч хонали квартира соҳибига айланди. Ўз ҳаётини Ватанни ҳимоя қилишдек буюк ишга бағишлаган ҳарбий давлатининг, жамиятининг эътиборини янада теран ҳис қилди.

Бир танишим янги уй топширилишига бағишланган телелавҳани мириқиб томоша қилганини сўзлади: «Хонадонлардаги қулайликлар кўзимни қувнатди. Осойишталигимиз посбонларига бундайин шароитлар яратилаётгани бизни-да қувонтирди. Бу эртанги кунимизга бўлган умид, ишончни янада мустаҳкамлайди».

– Қаранг, янги уй қанчалар шодлигу қувончга, файзга тўлди, – деди ҳамкасбим, тантанадан қайтаётиб.

Шунга ҳамоҳанг Ўзбекистон номли умумий уйимиз янада обод, фаровон бўлмоқда, дегим келди.

**Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.**

# В ВОЕННЫХ СЕМЬЯХ – НОВОСЕЛЬЕ!

**Ярким свидетельством заботы государства о защитниках Родины стало торжественное вручение военнослужащим Джизакского гарнизона и членам их семей ключей от новых квартир в современном, оснащенном всеми бытовыми удобствами доме.**

В Обращении Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова, посвященном 17-летию образования Вооруженных Сил Узбекистана, подчеркивается: **«В предстоящий период нам необходимо построить и реконструировать десятки современных военных городков, создав в них максимум социально-бытовых удобств, инфраструктуру, отвечающую самым высоким требованиям, потребностям военнослужащих и их семей. Необходимо добиться безусловного выполнения утвержденной государственной программы обеспечения жильем военнослужащих, рассчитанной на период до 2015 года, реализовать меры по улучшению их медицинского, курортно-санаторного обслуживания».**

В соответствии с этими задачами поэтапно и динамично выполняются мероприятия по созданию современной инфраструктуры военных и жилых городков. Предпринимаются меры по улучшению условий проживания и прохождения службы военнослужащими, полной реализации намеченных масштабных мер по повышению эффективности социальной защиты военнослужащих и их семей.

Представители командования Вооруженных Сил, местных органов власти, государственных и общественных организаций горячо поздравили виновников торжества с новосельем, пожелали им дальнейших успехов в службе, а хранительницам домашнего очага быть надежным семейным тылом.

– Признаться, очень тронут заботой государства о благополучии военнослужащих и членов их семей, – говорит в беседе майор Сирожиддин Тураев. – У меня с супругой Дильфузой трое детей. Сеторе – 9 лет, Сардору –7, а самому младшему Сухробу – 3 года. Получили сегодня ключи от 3-комнатной квартиры. Она отлично отделана самыми современными материалами.

– Квартира очень просторная, – дополняет мужа Дильфуза, – как хозяйка обратила внимание и на то, что все здесь оборудовано современными приборами учета расхода холодной и горячей воды, газа, электроэнергии, а это позволяет оплачивать коммунальные услуги по факту. Это очень удобно и практично для планирования семейного бюджета.

В этот день, каждой семье новоселов, следуя народной традиции, были подарены ковры, другие атрибуты семейного благополучия. С новосельем!

**Капитан Мирза ХАСАНОВ.**
Фото **автора.**







# BOLAJON

## KICHKINTOYLAR SHOD-MAMNUN

Mudofaa vazirligiga qarashli «Nihol» bolalar bog'chasi darvozasidan ichkariga kirar ekanmiz, o'zimizni xuddi ertaklar shahriga kelib qolgandek his qildik. Rang-barang gullar, daraxtlar, yovvoyi hayvonlarning haykalchalari, yam-yashil maysazor, hovuzcha va bolalar maydonchasini ko'rib ko'zingiz quvnaydi. Hovlidan bino ichkarisiga kirarkanman, qulog'imga musiqa ohanglari eshitildi. Qiziqish bilan musiqa xonasiga mo'raladim.

— Qo'llaringizni qushchalar qanot qoqqandek harakatlantiring. Biri-biridan shirin kichkintoylar bog'cha opaning harakatlarini takrorlagan holda xuddi qushlardek «parvoz»ga shaylanishdi. Mashg'ulotga xalaqit bergim kelmadi. Bog'cha mudirasi Muqaddas Ahmedovani suhbatga tortdim.

— Bog'chamizda 11 ta guruh bor. Bolalar bilan yoshiga qarab jismoniy tarbiya, milliy o'yinlar, rasm, ingliz tili, matematika, musiqa va raqs bo'yicha mashg'ulot olib boriladi. Ayniqsa, 5-6 yoshdagi tarbiyalanuvchilarimiz «Andijon polkasi», «Lazgi» kabi musiqalarga mahorat bilan raqsga tushishadi. Bog'chamizdagi bayram tadbirlarida barchaning olqishlariga sazovor bo'lishadi. Bundan tashqari shahar, respublika miqyosidagi tadbirlarda ham faol qatnashib kelayapmiz. Misol uchun yaqinda «Navro'zi olam» an'anaviy bolalar musiqiy festivalida 3- o'rinni oldik, — deya mamnuniyat bilan so'zini davom ettirdi suhbatdoshim. — Raqs murabbiysi Gulsara Muhammedova eng fidoyi tarbiyachilarimizdan. Mana, ish uslubini o'zingiz ko'rdingiz, o'rgatgan raqslari bola xotirasida muhrlanib qoladi. Turli festivallarda qatnashish ham ularning san'atga mehri oshishiga yordam beryapti. Shu bilan birgalikda jismoniy tarbiya mashg'ulotlariga ham e'tibor katta. Bog'chamizda o'tkaziladigan qiziqarli sport musoboqalarida Mirziyod Sangilov, Asal Shahobiddinova, Kamila Rasulmuhammedova kabi ko'plab tarbiyalanuvchilar faol ishtirok etib kelishmoqda.

Maktabgacha tayyorgarlik mashg'ulotlarini ham belgilangan dastur asosida qiziqarli tarzda olib borishga harakat qilamiz. Bu borada esa pedagog Zarina Jahongirovaning tajribasi, bolaning tilini, dilini tushunib dars o'tishi muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Maqtanish emas-ku, har doim bolalarni maktabga jo'natganimizdan keyin, maktab rahbariyati tomonidan minnatdorchilik xatlari keladi.

Beg'ubor qalbli bolalarni jo'shqin hayotga tayorlash, ularni yurtga munosib insonlar qilib tarbiyalash biz kattalarning muqaddas vazifamiz, burchimiz hisoblanadi.

Suhbatdan so'ng bog'chadagi boshqa guruhlarning mashg'ulot jarayonlarini kuzatdik. Guruhlardan biridagi qizchalar qo'lidagi qo'g'irchoqlar, ya'ni — «Zumrad va Qimmat» ertagining qahramonlari diqqatimizni tortdi.

— Men qo'g'irchog'im Zumradni juda yaxshi ko'raman, chunki u aqlli, mehribon qiz, menga uning uzun sochlari, do'ppisi yoqadi. Men ham do'ppi kiyaman, — deydi jajji Anoraxon.

Bizni kuzatib turgan tarbiyachi Muhabbat Vosiqova:

— Ha, bolalarimiz milliy o'yinchoqlarimizni qiziqib o'ynashadi. O'zbek ertaklarini sahnalashtirganimizda o'z rollarini berilib ijro etishadi, — deya izoh beradi.

Xulosa qilib aytganda, kichkintoylarga yaratilgan shart-sharoitlar, tarbiyachilarning jonkuyarligiga, bolalardagi intiluvchanlik, qiziquvchanlikka havasimiz keldi, ko'nglimiz shod bo'ldi. Bu dargohda voyaga yetayotgan kichkintoylar ertaga go'zal O'zbekistonimizning yanada gullab yashnashi yo'lida halol xizmat qiladigan, barkamol insonlar bo'lishiga ishonamiz.

**Dilfuza RO'ZIYEVA.**






## AZIZ VATAN

Aziz Vatan o'zing ko'z nurim,
Iftixorim, faxrim, g'ururim.
Quchog'ingda ulg'aydim yayrab,
Bulbul yanglig' she'r o'qib, sayrab.

Gul quchog'ing jannatga qiyos,
Zar tuprog'ing kim qilmas havas.
Otash bag'ring dunyoda tanho,
Bir ko'rganlar bo'ladi shaydo.

Senga sodiq har o'g'il-qizing –
Kelajaging, so'nmas yulduzing.
Avaylashar seni jon-dildan,
Yagonasan biz uchun Vatan.

**Nazokat QO'CHQOROVA,**
**5-sinf o'quvchisi.**

## MAKTABIM

Maktabim jon maktabim,
Quchog'ingni sevmas kim.
Bag'ringda bilim oldim,
Dilimga orzu soldim.

Bo'lmoqchiman ofitser,
Dadam kabi mardu sher.
Orzumga yetgum albat.
Hali kichikman faqat.

Endi o'n birga to'ldim,
O'qib a'lochi bo'ldim.
Sevaman seni chindan,
Maktabim – aziz go'sham.

**Bekzod QOSIMOV.**
**4-sinf o'quvchisi.**

## BOLANING TILI SHIRIN

— Oyi, anavi kishini qarang, boshida sochi yo'q ekan-a?
— Jim, sekin gapir, eshitib qoladi.
— Ie, buni hali o'zi bilmaydimi?

●

Ona: — Doniyor, nega sakrayapsan?
O'g'il: — Dorini ichishdan oldin chayqatishni esimdan chiqaribman...

●

— O'g'lim, sigareta chekmagin, bu sog'liqqa juda zarar, — dedi onasi.
— Buni dadam bilmaydilarmi? — deb so'radi o'g'il.

●

Imtihonlardan keyin bola onasiga dedi:
— Men endi o'qituvchimdan ko'p narsa bilaman.
— Qanday qilib?
— Men 5-sinfga o'tdim, o'qituvchim esa 4-sinfda qolib ketdi.

●

— Buvijon, tishlaringiz bormi?
— Yo'q, bolam.
— Unda manavi kulcha nonimni ushlab turing, men biroz o'ynab kelay.

●

Dadasi: — O'g'lim, bugun maktabda nima qilding?
O'g'li: — Napoleon nima bo'lgan bo'lsa, men ham shu bo'ldim.
Dadasi: — Bu nima deganing?
O'g'li: — Tarixda mag'lubiyatga uchradim.

●

— Qaysi uy hayvonida to'rtta oyoq bor?
— Mushukda, kuchukda, sigirda, echkida...
— Yana-chi?
— Yana-mi? Ikkita tovuqda, — dedi Shirin.

●

— Dadajon, siz ko'zingizni yumib turib qo'l qo'ya olasizmi?
— Ha, albatta.
— Bo'lmasa, mening kundalik daftarimga qo'l qo'yib bering.

●

— Qizim, nima qilayapsan?
— Dugonam Komilaga xat yozayapman.
— Sen yozishni bilmaysan-ku?
— Komila ham o'qishni bilmaydi.



# ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

## ҚАЙҒУЛАРДА СИНАЛГАН БАХТИМ

**(Ҳикоя)**

**(Давоми. Боши ўтган сонда).**

– Ўзингни эҳтиёт қиласан, деб умид қиламан, – ўқишга қайтаётган Сарвар қайта-қайта тайинларди Солиҳага. – Ҳеч қачон уйда ёлғиз қолмагин. Бирор жойга боришни истасанг, оиламиздаги катталар билан бирга боргин. Мен буни онамга ҳам тайинладим. Яна бир йил сабр қилсак, кейин доим бирга бўламиз, азизам. Ҳозирча баъзи бир нарсаларнинг тагига етгандекман. Бу ҳақда кейин сенга гапириб бераман.

– Сиз ҳам ўзингизни асранг. Ягона суянчиғимсиз, буни унутманг Сарвар ака, – дилидаги хавотирни юзага чиқармасликка ҳаракат қиларди Солиҳа. – Мендан хавотир олмасангиз ҳам бўлади. Кўряпсиз-ку, оиламиздагиларнинг барчаси менга меҳрибон.

Иккаласи ҳам кўнгилларини қоплаган қоронғуликни бир-бирларига сездирмасликка ҳаракат қилиб, хайрлашишди. Сарвар ўқишини йўлга солиб олгач, ҳар доимгидек бир ойга қолмай келиб-кетишни ваъда берди.

Сарвар кетганидан сўнг йигирма кун ўтар-ўтмас, унинг ўқишга қатнашмаётганлиги тўғрисида хабар келди. Сентябрнинг дастлабки кунларида у билан ётоқхонада бирга турган дўстлари уам йигитнинг дафъатан ғойиб бўлиб қолганидан ҳайрон эдилар. Текширув, суриштирув, янги тергов ишлари бошланди. Аввалига Солиҳанинг ҳомиладорлигини ҳисобга олиб, бу ҳақда билдирмасликка ҳаракат қилишди. Вазият чуқурлашгани сари буни иложи бўлмади. Бу воқеани эшитган Солиҳа бир зумда карахт ва забонсиз аёлга айланди…

●

Қўйлар сурувини суғоришга олиб келган Раҳим чол уларнинг дарё томон чопқиллашларига кулимсираб қараб турарди. Ёши олтмишлардан ошган бу кекса чўпонни Қозоғистоннинг чўпон-чўлиқларигина тирикчилик қиладиган гўшаларига келиб қолганига ўн йиллардан ошган. Асли наманганлик бўлган девонасифат Раҳим бобонинг ўтмиши анчагина аянчли кечганди.

Қўйлар ҳар доимгидек сув ичишга қулай бўлган дарё соҳилига етиб борган бўлса-да, сувга интилмай туришгани чўпонни таажжублантирди. Ҳуркак бу жониворларнинг одатини яхши билган Раҳим чол дарё томон шошилди. У қирғоққа етиб борганида бир тўп қамиш боғламига ёпишганча ярим лойга ботган дуркунгина йигит беҳуш ётарди. Чолнинг кўзлари чақнаб кетди. Худди шу жойда бундан олти йил аввал униг ўн беш ёшли ўғли дарёга чўкиб кетган, тирик ёки ўлиги топилмаганди. Қирқ ёшдан ошиб кўрган ягона фарзандининг доғи Раҳим отани девонага айлантириб шу жойларга боғлаб қўйганди. Ҳар куни мўъжиза кутиб яшайдиган чол йигитни ўнгариб юзига термулди-ю, телбаларча бағрига босди.

– Билардим, билардим, бир куни қодир Эгам сени менга қайтаришини билардим, Музаффарим. Худди ўзи, юзидаги холларигача худди ўзи. Олти йил ичи анча улғайибсан ўғлим, – белидаги белбоғи билан йигитнинг юз-кўзларини артар, уни ўзига келтиришга ҳаракат қиларди.

Сарвар икки кун деганда чўпонлар ўтовида кўзини очди. Қаттиқ тангиб ташланган боши карахт, ҳолсиз вужуди ўта оғир эди. Олдидан кечаю кундуз жилмай ўтирган Раҳим ота Тангрига тинмай шукронолар келтирарди.

– Хайрият, Музаффар болам, ўзингга келдингми?

У юзига жовдираб термулиб турган чолга жавобан нимадир демоқчи бўлди-ю, қуруқшаган лабини қимирлатишга ҳам мажоли бўлмади.

– Майли, кейин гапирасан, ўғлим. Аввал бирор нарса тамадди қилиб олгин, дарё суви бор қувватингни сўриб олган кўринади.

Чол шошганидан туртина-туртина йигитга косада шўрва олиб келди.

– Сал ўзингга келиб олсанг, Наманганга, уйимизга кетамиз. Бошинг қаттиқ лат еган кўринади. Яхши табибларга қаратаман, кўрмагандек бўлиб кетасан, ҳали.

Раҳим ота гапира-гапира Сарварнинг бошини ёстиқ билан кўтариб уни овқатлантиришга ҳозирлик кўрар, йигит ҳеч нарсани идрок қилолмас, хотирлай олмасди…

Солиҳа декабрнинг ўрталарига келиб фарзандлик бўлди. Бола вақтига нисбатан эртароқ туғилганди. Шу сабабли шифохонада узоқроқ қолишига тўғри келди. У ҳар сонияда Сарварнинг эшикдан кириб келишига умид қилар, соғ-омон эканлигига чин дилдан ишонарди. Ўғилчасига оиладагилар Жавоҳир дея исм қўйишди. Солиҳанинг ўзини қўлга олишида фарзандининг ўрни ниҳоятда катта бўлди, шубҳасиз. Шу билан бирга дом-дараксиз кетган ўғилларининг куйида азоб чекишаётган бўлса-да, ёруғ ният ва умид билан яшаётган қайнона-қайнотасининг сабр-қаноати Солиҳага ҳам таскин берарди…

Сарвар мана, тўрт ойдирки Наманганда, Раҳим отанинг хонадонида яшаяпти. Қизиғи шундаки, уни маҳалладагилар ҳеч иккиланмай чолнинг яккаю ёлғизи – Музаффар дея қабул қилишди. Ўғли ўн ёшлигида аёлидан айрилган Раҳим ота Қозоғистонга дўстининг ёнига кетганича ўша ерда чўпонлик қилиб қолиб кетганди. Унинг ҳаётидаги фожиалардан эса юртдошларидан деярли ҳеч кимнинг хабари бўлмаганди. Маҳалладошлари чолнинг қайтишига шубҳа қилишмас, ҳовлисига вақтинчалик яшагани одам қўйишганди. Улар Наманганга келишганидан буён бу хонадонга кунда, кунора қўни-қўшни, таниш-билиш, Сарварнинг, тўғрироғи Музаффарнинг болаликдаги дўстлари ташриф буюрар, хотирасидан айрилган йигит эса ҳеч кимни, ҳеч нарсани эслай олмасди. У шу ойлар ичида гоҳ табиблар ҳузурида, гоҳ шифохоналарда ётиб, даволанишига тўғри келди. Айниқса, бошининг лат еган жойи унга ҳалигача азоб берарди. Шунингдек озиб, ҳорғин ва камгап бўлиб қолган, кийиниши, юриш-туришигача ўзгариб кетган Сарварни бир кўришда энг яқин одами ҳам таний олиши гумон эди. Баҳорга чиқиб соғлиғи анчайин тикланган йигит уй қурувчи устага шогирд тушди. Ишсиз ўтира олмайдиган Раҳим ота эса маҳалладаги чойхонада у-бу ишларга қарашиб кун ўтказарди. У ўғлини ниҳоятда авайлар, тезроқ уйлантириш, оилалик қилишни истарди…

Ёзнинг дастлабки ойи. Ҳамон турмуш ўртоғининг қайтишидан умид қилиб яшаётган Солиҳа ўғилчасига қараган сари эзиларди. У ниҳоятда Сарварга ўхшаб кетарди. Эрининг йўқолишида ота-онасини ўлдирган қотилларнинг қўли борлиги гоҳ хаёлини қамраб олар, гоҳо буни тан олишни истамай ўзини овутарди. Шу куни ҳаво иссиқ бўлди жуда. Уйнинг ичидаги дим ҳаводан оромини йўқотган ўғилчаси Жавоҳирни бағрига босганича ҳовлига чиқди у. Ташқарида ҳам қилт этган шабада сезилмайди. Ҳовлидаги сўрида ухлаётган қайнона-қайнотаси ширин уйқуда. Баланд қурилган Солиҳанинг ота уйи ўртадан девор тортилган бўлса-да, келин бўлиб тушган ҳовлисига бемалол кўриниб турарди. Боласини қўлида тебратиб ҳовлида бедор юрган Солиҳа кимсасиз уйлари ичида ўчиб ёнаётган чироқ шуъласини сезиб қолди. Унинг вужуди титраб кетди. «Йўқ, бу шунчаки уйга нарса учун кирган ўғрилар эмас, булар аниқ хазинанинг «калитини» излаётган ота-онамнинг қотиллари. Балки Сарвар акамни ҳам…», ундаги қўрқув ҳисси бутунлай чекинганди. Кўксидаги нафрат, чекаётган айрилиқ азобларининг юрагини кемираётган дарди қизни қотиллар билан юзма-юз келишга ундарди. У ухлаб қолган ўғилчасини уйга олиб кириб жойига ётқизди-да ортига қайтди. Иккала ҳовли ўртасидаги боғ эшигидан астагина чорбоғларига ўтди. Оҳисталик билан уйлари томон юрар экан, қотиллардан бири ҳовлида турганлигини сезиб қолди. Ойдин кеча бўлганлиги сабаб, унинг ҳар бир ҳаракати аниқ кўриниб турарди. Юзига чала-ярим ниқоб тутган бўйчангина эркак Солиҳа ўзини панасига олган анор дарахти томонга ўғри мушукдек тикилиб турди-да, аста шу томонга қараб кела бошлади. Шунда унинг оёғи остидан катта каламуш югургилаб ўтди-ю, нимагадир тойиниб ерга йиқилди. Бу вақтда, душманлари олдида ўзининг нақадар ожиз ва нимжонлигини сезиб алам ва нафрат ўтида қалтираётган Солиҳа бошқа жойга яшириниб улгурган эди. Зум ўтмай унинг олдида ўзи сингари ниқобли шериги пайдо бўлди.

– Шу лапашанглигинг бўлса, ҳамма ишни барбод қиласан, – паст, аммо заҳарли товуш билан шеригини туртиб юборгудек ўшқирди у. – Ичкарида хорижлик тахмин қилган нарса йўқ. Бизга аниқ режа бермайди-ю, натижа талаб қилади, – кимларнидир бўралатиб сўкди у.

– Боғда кимдир борга ўхшайди, – унинг сўзини бўлди биринчиси. – Қандайдир шарпа сездим.

Иккаласи ҳам бир зум забонсиз қотиб турди-да, боғ томонга қараб юрди. Улар боғни кўздан кечириб меваларни олтингугурт билан буғлаш учун махсус қурилган дамхона олдида – Солиҳанинг ёнгинасида тўхташди. Дамхона ичида устига қанор қоп ёпиниб нафас чиқармай ўтирган қиз уларнинг эътиборини тортмади.

– Кўзингга ҳар хил шарпалар кўринадиган бўпти ўзи, – яна заҳрини сочди иккинчиси. – Бу туришингда сен билан узоққа бориб бўлмайди. Чумчуқ пир этса, юрагинг шир этади.

– Ўзингни ботир қилиб кўрсатмай қўяқол. Иккаламизнинг ҳам қўлимиз қон, ҳаловатимиз йўқ, – уни жеркиб берди шериги. – Ундан кўра, кесатиқ гапларингни йиғиштириб ишдан гапир. Энди нима қиламиз, кейинги буйруқ қандай?

– Хорижлик икки йил ўтиб ҳам бекорга бу иш билан қайта шуғуллангани йўқ. Бизга керакли нарса қизиникида бўлиши мумкин. Бир ишни бошладикми, охирига етказишимиз керак, – энди юмшоқроқ оҳангда жавоб қайтарди ташаббусни қўлга олиб. – Имкон туғилди дегунча қизни ўғирлаймиз. У билан хорижликнинг ўзи гаплашмоқчи. Кейин уни йўқ қиламиз.

– Мен ҳамма нарсага тайёрман. Фақат белгиланган пулни бериб, чет элга ўтказиб юборса бўлгани, – ҳеч иккиланмай қатъий фикрини билдирди биринчиси.

Солиҳа шивирлашиб гаплашаётган товуш эгаларининг кимлигини англашга ҳаракат қилар, бироқ эслай олмасди. У ўзининг ҳаёти қил устида турганлигини энди англаб етганди. Қаттиқ ҳаяжон ва қўрқув ичида узоқ вақт қотиб ўтирган қиз қотиллар ғойиб бўлгач, тун ярмидан оғганда ортига қайтди. У қатъий бир хулосага келганди. Бомдод намозига азон чақирилаётган пайтда Жавоҳирни бағрига босганича қишлоқни тарк этди, Солиҳа.

Эрталаб кўзига аччиқ ёш тўлган Муқаддас опанинг қўлида Солиҳа ёзиб қолдирган икки энлик хат турарди: «Аяжон, мени кечиринг. Илтимос, бу ердан кетганлигимни ҳеч ким билмасин, бизни изламанглар. Мен албатта, Сарвар акам билан бирга қайтаман»…



●

Сарварнинг соғлиғи тикланиб кетган бўлса-да, у уйқусида тинмай безовта бўлар, кимлар биландир олишиб чиқарди. Бу ҳол Раҳим отани ҳам безовта қилмай қолмасди.

– Ўғлим, уйқингда кўп босинқираяпсан. Маҳаллада яхши домулло бор. Ўзингни бир ўқитиб юборсанг бўлармиди, – эрталабки нонушта пайтида Сарварга оталарча меҳрибонлик билан хавотир аралаш гапирди Раҳим ота.

– Уйқунгда қандайдир Шокир деганни кўп тилга оласан. Мен эслай олмаяпман. Ким ўзи у?

Сарвар бу номни эшитиб сергак тортди.

– Билмадим, дада. Менга ҳам ниҳоятда таниш бу исм. Лекин ҳеч эслай олмаяпман. Чуқурроқ ўйладим дегунча бошимга оғриқ киради. Ҳар қалай дўстим бўлмаса керак.

– Майли ундай бўлса эслама, болам. Сенга айтадиган бошқа бир янгилигим бор. Чойхонанинг ёнидаги Малик тоғангни яхши танисанг керак. Ўшани ўтган йили мактабни битирган чевар қизи бор экан. Шуни бир кўрсанг дегандим. Отаси мен билан қуда бўлишга аллақачон рози бўлган, – ғурур билан гапирарди Раҳим ота. – Фақат иккала ёш кўришишсин, гаплашиб бир-бирини маъқул топсин деяпти. Сени тезроқ уйлантириб, невара кўрсам деяман, ўғлим. Мен тенгилар аллақачон невара-чеваралик бўлиб кетишган.

– Дада, йиққан пулларингизни ярмини менга сарфладингиз, тирикчиликка ишлатдик. Қолганига уй-жойларимизни яхшилашимиз керак. Бу уйларга қандай қилиб келин олиб келасиз. Шунинг учун сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим, – Раҳим отага ётиғи билан тушунтирарди Сарвар. – Рози бўлсангиз, устозим билан Тошкентга бориб бирга ишлаб, уйланишим учун пул топиб келмоқчиман. Устозим яхшигина иш топибди. Отанг билан маслаҳат қил, деди.

Бу дунёда бирорта яқини йўқ, мискин чол учун ёлғиз фарзандининг гапи қонун эди. У Сарварни ҳеч иккиланмай ўзининг ўғли деб тан олган, ўзганинг фарзанди бўлиши мумкинлиги эса хаёлига ҳам келмасди, ҳатто. Бахтга қарши Сарвар унинг ўғли Музаффарга ниҳоятга ўхшаб кетар, маҳалла аҳли ҳам бунга гумон қилмасди.

Раҳим отанинг розилиги билан йигит Тошкентга устачилик қилиш учун йўлга отланди…

**(Давоми бор).**

**Зулфия ЮНУСОВА.**

# ҲАРБИЙ ТЕХНИКА

## ЭНГ ОҒИР ВА ЭНГ КАТТА

Германиянинг «Краусс-Маффей Вегманн» компанияси томонидан ишлаб чиқилган «Гризли» русумли зирҳли автомобиль барча керакли нарсалар билан таъминланган 10 нафаргача пиёда аскар (шу жумладан, икки нафар экипаж аъзоси) ни олиб юриш учун мўлжалланган. Ушбу автомобиль армия ҳарбий техникаси сафига киритилганидан сўнг Германия қуролли кучларидаги энг катта (оғирлиги ва ўлчамлари жиҳатидан) машинага айланади. «Гризли» қуввати 450 от кучига тенг бўлган дизель двигатели ва шосседа энг юқори юриш тезлигини соатига 110 км.га етказиш имконини берувчи автоматлаштирилган узатмалар қутиси билан жиҳозланган. Унинг ёқилғи бўйича юриш захираси 700 км.

Машинанинг жанговар оғирлиги 25 тонна, ғилдираклар формуласи 6х6, узунлиги 7,6 м, эни 2,5 м, баландлиги кабина томигача 3 м.

Ўқлар ва миналарга қарши зирҳланган. Автомобиль томига масофадан бошқарилувчи қурол модули ўрнатилган бўлиб, унинг таркибига 7,62 ёки 12,7 мм.ли пулемёт ёхуд 40 мм.ли автоматик гранатомёт киритилиши мумкин. Жамоавий радиокимёвий кураш – ҳимояланиш тизими ишини ҳамда салондаги ҳавони тозалаш вазифасини асосий двигателдан алоҳида бўлган, қуввати 27 от кучига тенг кучланиш қурилмаси амалга оширади. Асосий қисмлар ва агрегатларни йиғишнинг модул принципи автомобилни қўмондонлик-штаб, тиббий – эвакуация ва юк машинаси сифатида ишлаб чиқариш имконини беради. «Гризли» асосан тинчликпарварлик характеридаги вазифаларни бажариш учун қўлланиши ҳамда белгиланган ҳудудга А400М ҳарбий-транспорт самолётида олиб борилиши мўлжалланган.



## ГАБАРИТЫ МАЛЕНЬКИЕ, А ВОЗМОЖНОСТИ БОЛЬШИЕ

Специалисты управления перспективных исследований и разработок МО США (ДАРПА) разработали программу «Лэндроид» (LANdroids), предусматривающую создание мини-роботов для обеспечения устойчивой связи в условиях ведения боевых действий в городе и на пересеченной местности. Их применение позволит устранить такие явления, как затухание сигнала или появление «мертвых» зон связи. Это средство массой не более 1,5 кг намечается оснастить радиоаппаратурой, которая способна принимать, а затем передавать сигналы радиосвязи на радиостанции (радиотелефоны) конечного пользователя войскового тактического звена. По мнению военных специалистов, мини-робот будет иметь небольшие габариты, его смогут при необходимости перемещать на местности сами военнослужащие вручную, а корпус этого средства планируется изготавливать из прочных материалов, для того чтобы предупредить его повреждение при ударах о грунт, если даже робот будет сброшен с борта машины. По предварительной оценке, стоимость контракта СВ США с компанией «Айробот» на производство новых устройств составит 286 млн. долларов США.



## С 550 «КАВУР»НИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Италия ҳарбий-денгиз кучларига қарашли С 550 «Кавур» русумли енгил авианосец қурилиши 2001 йилнинг 17 июлида «Финкантьери» компаниясининг «Рива-Тригозо» кемасозлик верфида бошланган бўлиб, у 2004 йилнинг декабрь ойи ўрталарида «Муджано» верфида илк маротаба сувга туширилган ҳамда 2007 йилнинг 27 мартида ҳарбий-денгиз кучларига топширилган. Мазкур кема жанговар шай кучлар таркибига 2009 йилда киритилиши кутилмоқда.



С 550 «Кавур»нинг асосий ўлчамлари қуйидагича: узунлиги 244 м, эни 39 м, сувга ботиб туриш даражаси 8,7 м. Стандарт сув сиғими – 22290 т, тўлиқ сув сиғими – 27000 т.дан ортиқ. Кеманинг икки валли бош энергетика қурилмаси умумий қуввати 118000 от кучига тенг бўлган LM 2500 русумли тўртта газтурбина двигателидан ташкил топган. Унинг энг юқори сузиш тезлиги 30 узел, сузиш узоқлиги 16 узел тезликда 7000 милни ташкил этади. Кема экипажи 528 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 203 нафари авиагуруҳнинг учиш-техник таркиби аъзоси. Бундан ташқари, кемада 145 нафаргача аъзоси бўлган поход штаби жойлашиши ҳам мумкин.

Қуроллари таркибига эса қуйидагилар киради: «ОТО Мелара» фирмасининг иккита 76 мм.ли «Супер Рапид» ва учта 25 мм.ли автоматик қурилмаси, тўртта «Сильвер» А43 («Астер-15») бошқарилувчи зенит ракеталарини ишга тушириш қурилмаси. Қарши ҳаракат тизимлари – 2 та SCLAR-H русумли тўсиқлар қўйиш қурилмаси ва 2 та SLAT русумли торпедадан ҳимояланиш тизими. Шунингдек, авианосецга турли радиолокация, радиоэлектрон тизимлар ўрнатилган. Авиагуруҳ таркибига 20–24 та самолёт (AV-8B «Харриер-2» ва F-35B) ҳамда вертолёт (EH-101, NH-90 ёки SH-3D)лар киради.

Десант сиғими: 415 нафар денгиз пиёдаси, 100 тагача ғилдиракли техника ёки 24 та танк ёхуд 50 та оғир жанговар зирҳли машиналар.

## ПОХОЖ НА ЛЕТУЧУЮ МЫШЬ

Университет штата Мичиган получил заказ министерства сухопутных войск США на разработку принципиально нового малоразмерного разведывательного беспилотного летательного аппарата (БЛА) Bat, имеющего сходство с летучей мышью. Его концепция основана на подражании способностям летучей мыши, использующей эхолокацию для ориентирования в окружающей обстановке. Аналогичный принцип генерирования звуковых сигналов и последующей обработки их отражений от внешних объектов планируется применить для создания системы навигации нового аппарата. Комплект бортового оборудования БЛА будет включать миниатюрные камеры, позволяющие получать стереоизображение, датчики обнаружения радиоактивных и отравляющих веществ, а также систему связи и передачи данных. Энергопитание бортового оборудования обеспечивает литиевая батарея, которая будет подзаряжаться от солнечной энергии, ветра и вибраций. Длина БЛА должна быть не более 15 см. Аппарат предполагается использовать при ведении боевых



действий в городских условиях. Проект, рассчитанный на пятилетний срок, будет профинансирован в объеме 10 млн. долларов. Предусматривается возможность продления сроков его разработки еще на такой же период и увеличения финансирования на 12,5 млн. долларов.

## МУҲИМ ОБЪЕКТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ УЧУН

Ҳиндистон мудофаа вазирлигининг мудофаа тадқиқотлари ва ишланмалари ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган кичик масофаларда қўлланилувчи «Акаш» русумли зенит-ракета мажмуаси (комплекси) муҳим ҳарбий ва давлат объектларининг ҳаво ҳужумидан мудофаа қилинишини таъминлаш учун мўлжалланган. Унинг таркибига ўт очишни бошқариш пункти, кўп вазифаларни бажарувчи «Раджендра» русумли радиолокация тизими, бошқарилувчи зенит ракеталари (ҳар бирида учтадан) ва алоқа ҳамда таъминот машиналари киради. Фазалашган антенна панжарали радиолокация тизими мустақил равишда 64 тагача нишонни кузатиш ва 12 тагача ракетани нишонга тўғрилаш имконини беради. Узунлиги 5,8 м ва оғирлиги 700 кг атрофида бўлган қаттиқ ёқилғи билан ишлайдиган бошқарилувчи зенит ракетаси тезликни секундига 600 метргача ошириш, оғирлиги 60 кг.гача бўлган жанговар зарядни олиб бориш ҳамда 3 км.дан 25 км.гача узоқликда бўлган паст ва ўртача баландликдаги нишонларни, шу жумладан, қанотли ракеталар ва учувчисиз учиш аппаратларини яксон қилиш қобилиятига эга. Чандипур полигонида ўтказилган синовлар вақтида тўққизта ҳаво нишони муваффақиятли йўқ қилинган.



Мазкур мажмуани яратиш борасидаги лойиҳанинг умумий қиймати 5 млрд. рупий (125 млн. АҚШ доллари)ни ташкил этди. «Акаш» зенит-ракета мажмуаси ҳам гусеницали, ҳам ғилдиракли шассига ўрнатилиши мумкин. Мажмуа «Бхарат электроникс» бошқаруви остидаги компаниялар гуруҳи томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Ҳиндистон ҳарбий ҳаво кучлари яқин муддатли истиқболда иккита дивизион шакллантириш учун «Акаш» мажмуасидан харид қилишни режалаштирмоқда. Мамлакатнинг қуруқликдаги қўшинлари мажмуага навбатдаги буюртмачи бўлиши кутилмоқда.

**М. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлаган.**
**(«Зарубежное военное обозрение» журнали асосида).**

# ХОНАДОН

К вашему столу

## РУБЛЕНОЕ МЯСО С ОВОЩАМИ

**425 мл консервированной кукурузы, 2 луковицы, 2 зубчика чеснока, по 1 стручку красного и зеленого сладкого перца, 1 стручок красного горького перца, 1 пучок петрушки, 40 г маргарина, соль, молотый черный перец, 1 кг рубленой говядины, 4 стол. ложки панировочных сухарей, 3 яйца, 2 стол. ложки горчицы.**

Из банки с кукурузой слить жидкость. Лук и чеснок очистить и очень мелко порубить. Сладкий и горький перец вымыть и удалить сердцевину с семенами. Сладкий перец нарезать маленькими кубиками, горький – мелко порубить. Петрушку вымыть, обсушить и крупно порубить.

Маргарин растопить в большой сковороде, выложить лук, чеснок, сладкий и горький перец, обжарить 5 мин. Снять с плиты, приправить солью и перцем, дать остыть.



Нагреть духовку до 200°. Смешать рубленое мясо с панировочными сухарями, яйцами и горчицей, посолить, поперчить. Добавить овощи, кукурузу и петрушку. Выложить массу в смазанную жиром прямоугольную форму длиной 25 см и разровнять. Запекать в духовке 45 мин. Перед подачей нарезать кусочками и, по желанию, украсить листьями салата.

## ПОМИДОРЫ, ФАРШИРОВАННЫЕ СЫРОМ И ХЛЕБОМ

**6 больших крепких мясистых помидоров, 12 ломтиков хлеба, 150 г сыра, 1 яйцо, 100 мл молока, соль, молотый черный перец.**



Помидоры вымыть, обсушить, разрезать каждый пополам и удалить основание плодоножки. Вырезать сердцевину. Хлеб искрошить. Сыр натереть на мелкой терке и смешать в миске с хлебом.

Нагреть духовку до 200°. Взбить вилкой яйцо с молоком и вылить в миску с хлебом и сыром. Посолить, поперчить и хорошо перемешать.

Наполнить получившейся начинкой 12 подготовленных половинок помидоров и выложить их на выстланный бумагой для выпекания противень. Поставить в предварительно нагретую духовку на 15 мин., затем осторожно достать.

Шифокор маслаҳати

## ЮҚУМЛИ ОШҚОЗОН-ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИ

**Юқумли ошқозон-ичак касалликларига ичбуруғ, колиинфекция, салмонеллёз, ичтерлама ва паратифлар, озиқ-овқат токсикоинфекциялари, вирусли гепатитларнинг А ва Е турлари, вабо каби касалликлар киради. Ушбу юқумли касалликларни маълум бир турдаги микроорганизмлар, яъни, бактериялар ёки вируслар келтириб чиқаради.**

Касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар инсон танасига оғиз орқали тушиб, ошқозон, айниқса, ичак йўлида кўпаяди ва уларнинг деворларини яллиғлантиради. Улар ўзидан токсин, яъни заҳар ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлиб, бутун тананинг заҳарланишига сабаб бўлади. Сув, сут ва гўшт маҳсулотлари, сабзавот, мевалар ва бошқа озиқ-овқатлар микробларнинг яшаши ва кўпайиши учун қулай шароит ҳисобланади. Микроорганизмлар юқори даражадаги иссиқлик, ультрабинафша нурлар ва дезинфекцияловчи воситалар таъсирида ўлади.

Касалликнинг яширин даври бир неча соатдан 7–10 кунгача давом этиши мумкин. Кўп ҳолларда унинг давомийлиги ичакка тушган микроблар сонига (оз ёки кўплигига), уларнинг биологик хусусияти ва одам организмининг касалликка қарши курашувчанлик қобилиятига боғлиқ. Шундан сўнг, ошқозон-ичак касалликлари учун хос бўлган дармон қуриши, лоҳас бўлиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, бош оғриши, кўнгил айниши, қусиш, ич кетиши каби белгилар намоён бўлади.

Сурункасига ич кетиши ва қусиш тананинг сувсизланишига олиб келиши мумкин. Танадан сув билан бирга минерал тузлар ҳам чиқиб кетиши оқибатида, тана қурий бошлайди ва бемор озади. Сувсизланиш юрак ва мия фаолияти ҳамда қон айланишининг кескин бузилишига олиб келади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, шундай касалликларга чалинган ҳар 200 бемордан биттаси сувсизланиш оқибатида оламдан кўз юмади. Яна бир нохуш оқибатлардан бири, ичак деворлари тешилиш хавфининг мавжудлигидир. Жумладан, қорин тифи, паратиф ва ичбуруғ касаллигини келтириб чиқарувчи микроблар ичак деворларини яллиғлантирибгина қолмай, балки яра ҳосил қилади.

Аксарият ҳолларда катта ёшдаги одамларда касаллик клиник белгиларсиз ўтади, лекин уларнинг нажаси, сийдиги, сўлаги ва бошқа ажратмалари билан бирга касаллик қўзғатувчи микроблар ташқи муҳитга ажралиб чиқади. Бундай кишилар тиббиётда «соғлом» бактерия (ёки вирус) ташувчилар, деб аталади.

Касалликнинг енгил кечиши натижасида уни оёқ устида ўтказаётганлар, кўринишидан соғлом ҳисобланган бактерия ташувчилар ушбу хасталикни тарқатувчи энг хавфли манбалардир. Бундай кишилар касалланганини ўзлари билмаган ҳолда кўпчилик билан мулоқотда бўладилар, эҳтиёт чораларини кўрмаслик оқибатида касалликнинг юқиш хавфи янада ортади. Шунинг учун ҳам ҳарбий хизматчилар орасида юқумли ошқозон-ичак касалликларининг белгилари кузатилганда дарҳол тиббиёт пунктига мурожаат қилиш лозим.

Шу билан бирга касаллик маиший мулоқот йўли билан ҳам юқиши мумкин. Бунда касаллик бемор кишилардан ошхона, ётоқхона каби жойларда идиш-товоқ, кўрпа-ёстиқ, кийим-кечаклар ва бошқа умумий фойдаланиш буюмлари орқали юқади. Юқумли ошқозон-ичак касалликларининг тарқалишига ҳашаротлар, айниқса, суварак ва пашшалар ҳам асосий сабабчидир.

Унга чалинмаслик учун аввалambор, шахсий гигиена қоидаларига, шунингдек, қуйидаги тавсияларга қатъий риоя қилиш, яъни:

– махсус идишларда сотиладиган ёки қайнатилган сувни ичиш;

– очиқ сув ҳавзаларида чўмилганда сув ютмаслик;

– овқат қолдиқларини очиқ жойда қолдирмаслик, ишлатилган идиш-товоқларни эса ювгандан сўнг қайноқ сувда чайиш;

– ахлат, чиқиндиларни қопқоғи зич ёпиладиган идишларга йиғиш ва уни ҳар куни камида бир маротаба бўшатиб, дезинфекцияловчи воситалар ёрдамида зарарсизлантириш;

– пашша ва бошқа ҳашаротлар кирмаслиги учун ухлаш хоналари, ошхона ва ҳожатхона деразаларига махсус симдан ёки сунъий матодан ишланган тўр ёки дока тутиш лозим.

Ушбу тавсияларга риоя қилсак, турли юқумли касалликлардан нафақат ўзимизни, балки сафдошларимизни ҳам ҳимоя қилган бўламиз.

**Тиббий хизмат майорлари**
**Ш. НАЗИРОВ,**
**А. АБДУРАҲИМОВ.**

Тест

## БАРДОШЛИМИСИЗ?

**1.Ҳаётда рўй берадиган турли кўнгилсизликлардан қаттиқ сиқиласизми?**

а) ҳа, ҳар доим – 4 балл;

б) йўқ, унчалик эмас – 0 балл;

в) унга тез кўникаман, ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ бўлади-ку – 2 балл.

**2. Шахсий муаммоларингиз, оилавий ташвишларингиз тўғрисида бошқаларга ҳам айтасизми?**

а) йўқ, бу одатларимга ёт – 3 балл;

б) ҳа, фақат ўзимга яқин инсонларга – 1 балл;

в) ҳар доим ҳам эмас, ахир бошқаларнинг ҳам муаммоси ўзига етиб ортади – 2 балл.

**3. Тақдир, сизнингча,...**

а) ҳар доим сизни имтиҳон қилади – 5 балл;

б) сизга адолатли эмас – 2 балл;

в) пешонамдан айланай, нақадар омадлиман – 1 балл.

**4. Нимадандир хафасиз ёки кимдир сизни қаттиқ ранжитди. Шундай пайтларда нима билан шуғулланишни лозим топасиз?**

а) анчадан буён қўл уролмаётган юмушларни бажараман – 0 балл;

б) дўстларим билан учрашиб, кўнгил ёзаман – 2 балл;

в) ёлғиз қолишни хоҳлайман – 4 балл.

**5. Бахтли онларингизда...**

а) бахтнинг абадий эмаслиги ҳақида ўйлайман – 3 балл;

б) бошқа нарсалар ҳақида мутлақо ўйламайман – 1 балл;

в) шу лаҳзада кулиб, севиниб эмас, балки ғамга ботиб ўтирмаганимга шукрона келтираман – 5 балл.

**6. Яқин одамингиз сизни хафа қилди. Сиз...**

а) аламимни ичимга ютаман – 3 балл;

б) у билан жанжаллашаман – 0 балл;

в) бошқалар билан ҳасратлашаман – 1 балл.

**7. Руҳшуносларга муносабатингиз қандай?**

а) уларнинг мижози бўлишни истамасдим – 4 балл;

б) кўпчилик улардан манфаатдор – 2 балл;

в) ҳар бир инсон ўзига ўзи ёрдам бера олади – 3 балл.

**8. Умр йўлдошингиз билан уришиб қолдингиз. Энг аввало, нима тўғрисида ўйлайсиз...**

а) бирга ўтказган яхши дамларимизни ёдга оламан – 1 балл;

б) муаммони тинч йўл билан ҳал қилса бўларди-ку, ҳали пушаймон қилдирмасаммми – 2 балл;

в) бежизга бундай қилмагандир, ўзим ҳам жуда қўрсман-да – 3 балл.

**ЖАВОБЛАРИНГИЗ:**

**7 – 15 балл.**

Ҳаётда рўй берадиган ҳар қандай кўнгилсизликларни, кутилмаган ташвишларни, ҳатто катта бахтсизликларни ҳам енгиб ўтишга қодирсиз. Бардошингиз ва ирodaнгизга ҳавас қилса арзийди. Феълингиз кенглиги, вазиятга тўғри баҳо бера олишингиз сизга кўпинча муваффақият келтиради. Аммо сизни жуда намунали инсон деб бўлмайди. Чунки сизда ўзгаларга ачиниш ҳисси йўқ. Сиздаги ички хотиржамлик, муаммоларга чидамлилик беғамлигингиздан.

**16 – 23 балл.**

Тақдирингиздан нолиганингиз-нолиган. Муаммоларингиз, юз берган кўнгилсизликларда албатта, бировларни айблайсиз. Қайғуни ичингизга ютмасликка ҳаракат қиласиз. Ич-ичингиздан кимдир сизга ҳамдардлик билдиришини, сизга ёрдам беришини хоҳлайсиз. Аммо беҳуда айбловлар, тинмай арз-дод қилиш орқали бошқаларни бездириб қўяётганингиз ҳақида ўйлаб кўрдингизми? Яхшиси, майда муаммоларга ҳам асабни бузмай, руҳан кучли бўлишга интилинг.

**24 – 31 балл.**

Арзимаган кўнгилсизликлар ҳам сизни ғам уммонига ғарқ қилиши ҳеч гап эмас. Бундай пайтларда тушкунликка тушиш, ўзингизни йўқотиб қўйишингиз одатий ҳол. Сиздаги руҳий мувозанат ниҳоятда беқарор. Ўзингизга ишонч, қатъият етишмайди. Маслаҳатимиз, ҳаёт қийинчиликларига сабр қилишни, уларни сабот билан енгиб ўтишни ўрганинг. Шунда турмушингиз изига тушиб, қайғу сизни тарк этади.

**Жасур НИЁЗОВ тайёрлади.**

# БЕКАТ

## СКАНВОРД




**ГАЗЕТАНИНГ 21-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**ЭНИГА:** Стабилизатор. Рубоий. Брасс. «Шўртан». Наби. Исм. Боб. Испан. Олот. Аёз. Опа. Шиор. Рум. Зид. Ҳатто. Мақол. Қисса. Абай. Трап. Боп. Туршак. Афина.От. Ректор. Зирак.

**БЎЙИГА:** Саранжом. Асбоб. Идиш. Забт. Транспорт. Расм. Йўлбарс. Раис. Мапуту.Изоҳ. Аоста. Намо. Ошиқ. Миср. Абажур. Ибтидоий. Танго. Арк. Зарбоф. Апилак. «Спартак».

**Фозилжон ОРИПОВ** тузди.

## АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ГОРОСКОП



На этой неделе будьте внимательнее даже к самым незначительным изменениям на работе, так как разумная бдительность еще никому не вредила. Все важные служебные вопросы постарайтесь решить до конца недели. В выходные дни постарайтесь отдохнуть так, как бы вам этого хотелось.



Велика вероятность того, что всю неделю вам придется исполнять обязанности дипломата. Постарайтесь не уходить от трудного разговора с партнерами по работе. Он поможет внести ясность в ваши отношения. Будьте благоразумнее обычного в своих тратах.



На этой неделе рабочих обязанностей станет еще больше, и они потребуют от вас большого напряжения сил. Постарайтесь, чтобы усталость не сказывалась на ваших семейных отношениях. Стоит побаловать себя чем-либо приятным, разрядив наскучившую обстановку.



Постарайтесь выполнить работу своевременно, это избавит вас от лишних трудностей. Ваше трудолюбие будет замечено и оценено по достоинству. На этой неделе большинство ваших планов осуществится. Уделите достаточно внимания семье и дому.



Вас может ожидать временное затишье на работе, зато появится намного больше времени для налаживания полезных контактов и просто дружеского общения. В выходные дни особое значение приобретет внешний вид – желательно заняться обустройством дома или обновлением гардероба.



В начале недели вы можете переоценить свои возможности, поэтому лучше избегать участия в важных и значимых мероприятиях. Хорошо бы заняться приведением в порядок жилища. Стоит взять заботу о домочадцах на себя.



Начало недели благоприятно для поездки, связанной со встречей со старыми друзьями и знакомыми. Не слушайте советчиков, отговаривающих вас от того вида отдыха, который вы для себя выбрали. На выходные ничего не планируйте, живите по свободному графику.



Неделя интересной информации, с помощью которой вы сможете расширить свои возможности. Достичь успеха в карьере. Своей активностью вы способствуете изменениям в жизни. Ваша профессиональная деятельность может быть связана с поездками, встречами, общением.



Вам может показаться, что вы запутались в создавшейся ситуации. Для ее осознания вам необходимы покой и тишина. Вероятно продвижение по службе или поездка за рубеж. Не отказывайтесь от посторонней помощи – ваши силы и возможности не безграничны.



На работе у вас могут возникнуть новые творческие идеи, которые быстро воплотятся в реальность. Отношения с коллегами наладились – это создаст положительную атмосферу. Внезапное незапланированное знакомство может стать началом плодотворного сотрудничества.



В профессиональной сфере можно ожидать неожиданно приятных успехов. У вас появится возможность существенно расширить свои деловые перспективы. А ваше умение рационально распределять время и строить планы положительно скажутся на результатах любого начинания.



На этой неделе вас ожидают благоприятные перемены. Контакты и встречи в эти дни отнимут много времени, но принесут доход в будущем. В середине недели особую важность для вас приобретет духовно-нравственный аспект жизни. Отправляйтесь в долгожданный отпуск.

## Табассум

### ПУЛНИ ЎЗИНГ ОЛАҚОЛ

Эркатой ўғил отасидан пул ундириш ниятида деди:

– Дадажон, туш кўрдим. Тушимда сиз мени мақтаб, ўн минг сўм пул берибсиз.

– Жуда яхши бўлибди-да, ўғлим. Яхши бола бўлганинг учун ўша пулни ўзингга олақол.

### ХОТИНИМНИНГ НАВБАТИ

– Никоҳ узугинг кўринмайдими?

– Узукни бу ҳафта хотиним тақади.

### МЕНИ ТУШИРДИ

Бир йигит дўстига деди:

– Ҳў анави муттаҳам бойвачча мени бир неча миллионга туширди.

– У қандай қилиб сени шунча пулга туширсин, ахир умринг бино бўлиб бундай пулни кўрмагансан-ку?

– У менга қизини бермади-да...

### «СИФАТЛИ» СОЯБОН

Бир киши дўконга кириб, чиройли соябонга тикилиб қолибди. Буни кўрган сотувчи соябонни мақтай кетибди:

– Жуда чиройли ва пишиқ. Юз йилга чидайди.

– Ростдан-а?

– Ҳа. Фақат юз йилга чидасин десангиз, уни қуёш ва ёмғирдан эҳтиёт қилиш керак.

### БАРИБИР ЎЗИМ...

Икки ўртоқ учрашиб қолди:

– Ҳа, дўстим, ўша севган қизингга уйланиб олдингми ёки ҳали ҳам овқатингни ўзинг пишираяпсанми?

– Э-э, дўстим, уйланиб ҳам олдим, ўзим пишираяпман ҳам...

### ҲАМДАРДЛАР

Тўй пайтида куёв безовта – унинг янги туфлиси сиқяпти. У тўйнинг тугашини сабрсизлик билан кутяпти.

– Азизам, тўй тезроқ тугаса-ю, икковимиз ёлғиз қолсак...

– Нега, жонгинам? Сизнинг ҳам туфлингиз сиқяптими?

### ЕТИШМОВЧИЛИК

Бир қўпол одам ўртоғини хафа қилиб қўйиб, узр сўрабди:

– Хафа бўлма, биродар, лойимни шундай қоришган-да.

– Лойингни қоришга қоришибди-ю, яхшилаб тепиб пишитишмабди-да...

**С. ПЎЛАТОВ** тайёрлаган.

## Рекорды Книги Гиннесса



Некто, пожелавший остаться неизвестным, купил на аукционе номерные знаки на автомобиль за 312000 долларов США. Прелесть данного товара в особом магнетизме символов CEO 1 – cheaf executive one, что примерно означает «генеральный директор №1».



Разработанная АББ большая система из множества перезаряжаемых элементов производства Saft официально внесена в Книгу рекордов Гиннесса как самая мощная аккумуляторная батарея в мире.



Самая долгая в истории партия игры в домино проведена на Кубе. Она продлилась 5 дней. В игре, участвовали 630 доминошников под присмотром международных судей. Через каждые 40 партий игроки заменялись.

# ДУНЁ НАФАСИ

## АСТЕРОИДЛАР ЖОЙЛАШУВИНИ АНИҚЛОВЧИ ДАСТУР



Германиядаги «Jugend forscht» («Ёш тадқиқотчилар») дея номланувчи нуфузли танловда биринчи ўринни берлинлик икки нафар мактаб ўқувчиси – Юлиан Петраш ва Леннарт Шлидерлар эгаллашди. Гап шундаки, ёш тадқиқотчилар коинотда астероидларнинг жойлашувини аниқловчи дастур яратишган. Интернет хабарларига кўра, яратилган дастур АҚШ аэрокосмик бошқарувида қўлланиладиган услубдан ҳам 40 фоиз аниқроқ ишларкан.

Жорий йил сентябрида иккала ўқувчи Парижда бўлиб ўтадиган Европа ёшлари илмий танловида иштирок этишади ва Гарвард университетида маъруза ўқишади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Германияда ўтадиган мазкур анъанавий танлов биология, химия, геофизика, коинот тадқиқотлари, математика, информатика, физика ва техникага оид фанларни қамраб олиб, унда 11 ёшдан 21 ёшгача бўлганлар қатнашиши мумкин.

## КИЧКИНТОЙ УЧУН BMW



«BMW» компанияси кичкинтойларни хурсанд қиладиган бўлди. Негаки, компания «BMW Baby Racer II» деб номланган усти очиқ, 1,5-3 ёшдаги болакайларга мўлжалланган янги, ҳақиқий автомобилни тақдим этди.

«The Auto Channel» сайтининг хабар беришича, болаларнинг ота-оналарини айниқса, машинанинг шовқин бермайдиган шиналари ажаблантиряпти. Гап шундаки, қалин шиналар нафақат шовқин чиқармайди, балки йўлдаги унча катта бўлмаган тўсиқлардан ҳам осонгина ўтади. Машинанинг ўтирғичлари ҳам юмшоқ ва қулай. Энг муҳими мазкур янгилик техник назорат уюшмаси тасдиғидан ўтган.

Автомобилга 6,5 от кучига эга двигатель шунингдек, спидометр ва тахометр ўрнатилган. «BMW Baby Racer II»нинг баҳоси 79 еврони ташкил этади.

## СУВДА СУЗУВЧИ МЕҲМОНХОНА



Белгиянинг Гент шаҳрида «Андромеда» дея номланган сувда сузиб юрувчи эко-меҳмонхона яратилди.

Меҳмонхона узунлиги 39 метр, эни 5 метрга тенг, ўз даврида Франциядан қум ва кўмир ташилган баржага жойлаштирилган. Айтиш жоизки, баржа экологик омилларни ҳисобга олган ҳолда тўла қайта қурилди, жиҳозланди.

Кема палубасига фильтрланган сув тизими ва иситиш тармоғи ўрнатилган. Каюталардаги кроватлар дарахтдан, чойшаб, сочиқ ва бошқа шу каби воситалар пахта толасидан.

«Андромеда»да бир кеча-кундуз дам олиш 30 еврога тенг бўлиб, унинг ичига нонушта ҳам киритилган. Баржадаги ресторанга эса нафақат шу ерда дам олаётганлар, балки бошқалар ҳам кириши мумкин.

## АВТОМОБИЛЬ ЭНДИ ТЕРЛАМАЙДИ



Автомобиль соҳиблари яхши билишадики, у ёки бу сабаб билан машина ойнаси терлайди. Бу эса ҳаракатланиш давомида муайян муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Хитойнинг техника институти олими Цзюнь Хуэй Хэ ва ҳамкасблари бу муаммонинг олдини олиш йўлини таклиф этишди. Яъни узоқ йиллик изланишлар сабаб ойнага қўйиладиган қоплама ихтиро қилишди. Таъкидлаш жоизки, мазкур қоплама малина шаклидаги нанозарралардан ташкил топган бўлиб, терлашнинг олдини олади.

Муаллифлар нанозарралар ядроси сифатида махсус қайта ишланган 615 ва 270 нанометр ўлчамдаги полистирол зарраларидан фойдаланишди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



### Претендуют пять кандидатов

Совет управляющих Международного агентства по атомной энергии (МАГАТЭ) соберется на неформальную встречу с кандидатами на пост нового генерального директора этой организации.

В ходе заседания, которое пройдет в закрытом режиме, как передает ИТАР–ТАСС, каждому из 5 претендентов будет предоставлена возможность выступить перед членами Совета управляющих со своей предполагаемой программой деятельности в качестве нового главы МАГАТЭ.



### Осудили ядерное испытание

Члены Совета Безопасности ООН «решительно высказались против и выразили осуждение ядерного испытания, проведенного Корейской Народно-Демократической Республикой 25 мая 2009 года».

КНДР за один день провела испытания ядерного заряда, запустила зенитную ракету и произвела пуски еще двух ракет малого радиуса действия. По сведениям южнокорейского агентства Ренхап, две последние ракеты были направлены на американские самолеты-разведчики, которые осматривали предполагаемое место северокорейских ядерных испытаний.



### Новая военная база в Персидском заливе

Франция наращивает военное присутствие в районе Персидского залива. Как сообщает AFP, первую французскую военную базу открыл в Абу-Даби (Объединенные Арабские Эмираты) президент Николя Саркози.

На торжественной церемонии открытия были подняты флаги Франции и ОАЭ. Эмиратскую делегацию возглавлял вице-премьер, министр внутренних дел шейх Сейф бен Заид Аль Нахайян.



### Авиаудары по автокараванам контрабандистов

Судан официально подтвердил гибель 119 человек во время авиаударов по автокараванам контрабандистов, которые были совершены в начале года на востоке страны. Об этом заявил суданский министр обороны Абдель Рахим Мухаммед Хусейн, выступая в парламенте, сообщает ИТАР–ТАСС.

По данным министра, в результате первого воздушного удара погибли 56 из 81 контрабандиста, второго – 63 из 180 человек. Убитые – граждане Эфиопии, Эритреи, Сомали и других африканских стран. Кроме того, добавил генерал, из 35 автомобилей 27 полностью уничтожены.



### Памятник первой жертве гриппа A/H1N1

Власти Мексики установят памятник мальчику, ставшему первой жертвой нового вируса гриппа A/H1N1. Бронзовая статуя 5-летнего Эдгара Эрнандеса уже почти готова и будет воздвигнута в центральном парке городка Ла-Глория (штат Веракрус), передает AP. Памятник успешно вылечившемуся от болезни мальчику будет символизировать надежду. Однако, как будет выглядеть мемориал, пока неизвестно.



### Есть ли жизнь на Марсе?

Космические зонды, безуспешно искавшие жизнь на Марсе, могли сами уничтожить ее следы во взятых образцах, полагают ученые. Возможно, органические вещества, содержавшиеся в пробах грунта, были уничтожены в результате нагревания, пишет журнал «New Scientist» со ссылкой на доклад группы американских ученых на конференции по проблемам изучения Луны и планет в Хьюстоне.

(www.NEWSru.com).

# ЁШЛАР

Армия менинг тақдиримда

## КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

**Бахтиёр пойтахтнинг Гулбозор маҳалласида вояга етган. У оиладаги тўрт ўғилнинг кенжаси. Оғир-вазмин, билимдон ҳам камтарин йигит. Маҳаллада уларнинг оиласини кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. Оила соҳиблари Ашимжон ака ва Бахтигул опалар фарзандларини яхши фазилатлар эгаси этиб тарбиялаганлар. Улардан бири ҳунарманд, яна бири муҳандис, тадбиркор. Қаҳрамонимиз эса Тошкент ахборот технологиялари университетида таҳсил олади. Мамлакатимизнинг энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири ҳисобланган мазкур университетга муддатли ҳарбий хизматдан сўнг ўқишга қабул қилинган. Яқин кунларда биринчи курсни тамомлайди.**

Муддатли ҳарбий хизматга жўнаб кетадиган куни аниқ бўлмагунча у уйдагиларга бу ҳақда ҳеч нарса айтмасликни маъқул деб ўйларди.

– Мен муддатли ҳарбий хизматга лойиқ топилсам, оила аъзоларим, айниқса. отам жуда хурсанд бўлишларини билардим, – дейди Бахтиёр биз билан суҳбатда. – Ўйлаганимдек бўлди. Ҳарбий хизматга боришимни эшитиб акаларим, онам, айниқса, отам мамнун бўлдилар. Отам бизга тез-тез шундай деб такрорлар эдилар: «Йигит киши даставвал яхши тарбия кўрган бўлиши керак. Яхши тарбия кўрган йигит юрт олдидаги фарзандлик бурчини ҳам садоқат билан ўтайди. Йигит киши бир неча ҳунар эгаси, илмли бўлиши керак. Булар унинг оиласи ва юрти учун керакли инсон бўлишини таъминлайди».

Дарҳақиқат, Бахтиёрнинг гап-сўзларидан ҳам яхши тарбия кўрганлиги сезилиб туради. У Шайхонтоҳур туманига қарашли 59-хитой тилига ихтисослашган мактабда таҳсил олган. Айнан шу ерда рус, хитой тилларини мукаммал ўрганди. Кўплаб тенгдошлари қатори компьютер билимдони бўлишга интиларди. Бундан ташқари спорт билан мунтазам шуғулланиб келади. Буларнинг барчаси ҳарбий хизматда қўл келди.

Чақирув жараёнидаёқ туман мудофаа ишлари бўлимининг масъул ходимлари унга катта ишонч билдиришди. Чунки ғоят жиддий синовлардан муваффақият билан ўтиб, тенгдошлари орасида энг юқори балл тўплашга эришган эди. Ватан олдидаги юксак бурчини катта иштиёқ билан ўташга аҳд қилганлиги дастлабки кунларданоқ яққол намоён бўла бошлади.

Оддий аскар Бахтиёр Рашидов Чегара қўшинларида ўз йигитлик бурчини ўтади. Бу ҳар бир йигит орзу қиладиган шарафли йўлдир.

Ёш аскарлар йиғинига Чегара қўшинларининг энг иқтидорли офицерларидан бири капитан Ёрқин Жумақулов етакчилик қиларди. Офицер ўзаро суҳбатлар орқали камтарин ёш аскарнинг кучли иродасини, билими ва ғайратини дарҳол илғаб олганди. Посбон йигитда чегарачи учун зарур хислатлардан бири муомала маданияти ҳам юксак даражада эди.

Ҳарбий қасамёд қабул қилиш тантаналари ҳаёт мактабининг энг унутилмас лаҳзаларидан биридир. Шу куни Бахтиёрни қутлагани пойтахтдан ота-онаси, оғалари келишди. Отаси Ашимжон ака бу гал ҳам ўғилларига бот-бот айтиб чарчамайдиган ўгитларини такрорлади. Ёш ўғлон айнан шу лаҳзаларда бу сўзлар мағзини теранроқ англаган эди.



Она учун тарбиялаб вояга етказган фарзандлари туфайли айтиладиган мақтовдан ҳам ёқимли сўз бўлмаса керак. Оддий аскар Бахтиёр Рашидовнинг аъло хизматлари эътироф этилган ота-онаси номига келган миннатдорчилик мактуби Бахтигул опани беҳад қувонтириб юборди:

– Бу ҳақда ҳаммага бир-бир гапириб чиққанман. Маҳалладагилар – қўни-қўшнилар қувончимга шерик бўлишди. Шукрки, фарзандларимизнинг ҳар бири ҳаётда ўз ўринларини топишди. Ота-онанинг бахти ҳам шунда-да.

– Армия ҳаётимдаги энг унутилмас кунларни бахш этди, – дейди Бахтиёр Рашидов. – Қадрдон дўстлар орттирдим. Сафдошларим пойтахтлик Даврон Убайдуллаев, сурхондарёлик Акмал Каримқуловлар ҳам олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда. Учаламиз ҳам Тавсияномага сазовор бўлганмиз. Келажагим учун мустаҳкам пойдевор бўлган армиядан миннатдорман.

Чегарачи ўғлоннинг намунали хулқи ва аъло хизматлари эътироф этилиб, бир неча бор мукофотларга сазовор бўлди. У бугунги кунда ҳам тенгдошларига ўрнак бўлиб келмоқда. Орзулари улкан. Севимли касбида юрт тараққиёти йўлида хизмат қилиш ҳаётдаги асл мақсадидир.

**Инобат ИБРОҲИМОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

## КАСБИМ – ИФТИХОРИМ

**Уста кулол ёки дурадгорнинг иш жараёнини ҳеч кузатганмисиз. Юрак қўрини, кўз нурини севган касбига бахш этаётган бу инсонлар ўз меҳнатидан олам-олам завқ олишади. Чунки яратажак маҳсулотлари эртага кимнингдир хонадонига зеб бериши, корига яраши уларнинг кўнглида касбидан қониқиш, фахрланиш ҳиссини уйғотади.**

Султанбой ака – пайвандчи. Хокисор, камтарин бу инсон маҳалладошларининг, қўни-қўшниларнинг ҳурматини қозонган. Эл-юртга беминнат хизмат қилишни шараф деб билгани учун фарзандларининг ҳам касб-ҳунар эгаси бўлишига катта эътибор қаратди. Натижада уч ўғил ҳам ота-она орзулагандек меҳнатдан бўйин товламайдиган, маҳалла-кўйнинг ҳавасини келтирадиган фарзандлар бўлиб камол топаётир.

Рустам – оиланинг тўнғичи. У шаҳардаги 256-ўрта умумтаълим мактабини тамомлагач, Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежига ўқишга кирди. Бу таълим даргоҳида малакали ўқитувчи ҳамда усталардан билим олган, касб сирларини ўрганган ўғлон авточилангар мутахассислигига эга бўлди. Қўлига етуклик гувоҳномасини олган интилувчан йигит Тошкент трактор заводи давлат ҳиссадорлик жамиятига ишга келади. Ўз устида тинмай ишлашга, билмаганларини сўраб ўрганишга, усталарнинг ўгитларига қатъий амал қилишга одатланган қаҳрамонимизга синов муддатини муваффақият билан адо этиш қийинчилик туғдирмади.

– Рустам биринчи марта ишга келган кунлар кечагидек эсимда, – дейди участка бошлиғи Ержан Қаюмов. – У хушмуомалалиги, ишчанлиги сабаб жамоамизга тез қўшилиб кетди. Синов муддатидан ўтгач, токарь сифатида ишлай бошлади. Шу ерда устачиликнинг сирларини ўрганди, билимларини мустаҳкамлади.

Интилувчан ўғлон бир йилдан ортиқроқ Тошкент трактор заводининг 31-цехида ишлади. Сўнгра муддатли ҳарбий хизматни ўташга йўл олди.

Армияда ўтган йиллар унинг учун шаклланиш, тобланиш босқичи бўлди, десак хато бўлмайди. Ҳаёт мактабида чиниқди, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида кўп нарсаларни ўрганди. Ҳарб илмини пухта ўзлаштиришда унга офицерлар Анвар Абдураҳмонов, Жамшид Бозоров, Элёр Абдуллаев, кичик сержантлар Отабек Қиличев, Ғиёс Исматов, Сунпат Раҳмоновлар яқиндан ёрдам беришди.

– Ҳар бир йигит улғаяркан армияга боришни, эгнига ҳарбий либос кийишни орзу қилади, – дейди Рустам Тузельбаев. – Менга ҳам мақсадга етишимга шу орзу куч берди. Коллежда ўқиб юрган кезларимда чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси захирадаги офицер Абдуманнон Тоқбаев армия эр йигитнинг дунёқарашини кенгайтирадиган, билимларини бойитадиган мактаб эканини сўзлаб берган эди. Устозимдан, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматга бориш учун жорий этилган кўрик-танлов тўғрисида билиб олганим туфайли белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтдим. Армия ҳаётимдаги туб бурилиш даври бўлди, десам янглишмайман. Бу ерда кўп нарсани ўргандим, дўстлар орттирдим. Йигитлик мактабида бирга хизмат қилган сафдошларим – Асқар Эргашев, Илҳом Рўзиев, Анвар Акбаров, Давлат Перниев, Рустам



Шодиев, Зоҳид Тоштамов, Анвар Абдувалиевлар билан ҳозир ҳам аҳил-иноқ дўстмиз.

Хизматдан сўнг у яна қадрдон жамоасига қайтди. Айни пайтда 2-даражали токарь ҳисобланган қаҳрамонимиздан устозлари мамнун. Буни уларнинг гап-сўзларидан ҳам билсак бўлади.

– Рустам ўз ишининг устаси, зиммасидаги вазифани пухта, мукаммал адо этишга интилади, – дейди уста Раҳматулла Бесебаев. – Ёш бўлишига қарамай, соҳаси бўйича кўп нарсани билади, муайян малакага ҳам эга. Ниманики ўргатмайлик, тез уқиб олади.

– Ҳиссадорлик жамиятимизда армияда хизмат қилган, Ватан олдидаги бурчини адо этиб қайтган ёшлар талайгина, – дейди ижтимоий-маиший масалалар хизмати бошқармаси бошлиғи Маъмуржон Назарметов. – Улар ўзларининг билими, зукколиги, илғор ва фаоллиги билан ажралиб туради. Халқимиз бежизга хизмат кўрган бола бек бўлади, деб айтмайди. Зеро, армияда тобланган, хизмат машаққатларида чиниққан йигит ўзини тутиши, қатъиятлилиги, бурчга содиқлиги, мақсад сари олға интилиши билан барчага ўрнак бўла олади.

Рустамнинг орзулари бир талай. Келгусида у Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабига ўқишга кирмоқчи. Эл-юртга хизмат қилиш, унинг тинчлиги, осойишталигига посбон бўлишдек шарафли касбни эгаллашни аҳд қилган ўғлоннинг нияти ушалишига тилакдошмиз.

**Жамшид НИЁЗОВ.**

Ифтихор

## УЛҒАЙИШ МАКТАБИ

Яхшиямки, биз фақатгина қўнарға жой – қўналға истаган лайлаклар эмасмиз. Яхшиямки, биз минг машаққатлар билан уя ясаб, боласини шу ерда вояга етказиб, сал совуқ тушиши билан иссиқ юртлар сари бош олиб кетадиган қалдирғочлар эмасмиз. Яхшиямки, биз хўрак бор жойда қишлайдиган, офтоб бор жойда ёзлайдиганлар хилидан эмасмиз.

Бизнинг ўз бошпанамиз – ота-боболаримиздан мерос қолган, иссиғида ҳам, совуғида ҳам, борида ҳам, йўғида ҳам ардоқли ва суюкли Ватанимиз бор. Шу Ватанга муҳаббат билан яшаш бизнинг эътиқодимизга айланган. Кези келганда қўлга қурол олиб, уни душманлардан ҳимоя қилганмиз, жон олиб, жон берганмиз.

Бугунги кунда бизнинг фарзандларимиз ҳам ана шу улуғ йўлдан одимламоқдалар. Шу Ватанни муқаддас деб билиб, уни ҳимоялашни шараф ва шон ҳисоблаб, қасамёд қилмоқдалар. Биз ота-оналар буни Шарқий ҳарбий округдаги ҳарбий қисмга, фарзандларимизнинг ҳузурига бориб яна бир карра ўз кўзимиз билан кўрдик, қалбимиз билан ҳис этдик. Ўша куни ҳарбий қисмда аскар фарзандларимизнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилиш тантаналари ўтказилди. Қисм майдонида ота-оналардан ташқари вилоят ва шаҳар ҳокимиятидан, «Камолот»дан вакиллар, истеъфодаги ҳарбий хизматчилар, кенг жамоатчилик ҳам бор эди. Кўркам кийимдаги аскарлар эса бир текисда саф тортишган. Қоматларига қараб ҳавасинг келади – барчаси барваста ва адл. Ҳар бир бўлинманинг ёнида ўз командирлари бор. Тантанани офицер Абдуваҳоб Абдуқодиров бошқариб борди.

Бироздан кейин ёш аскарлар Ҳарбий қасамёд қилдилар. Улар она-Ватан хизмати учун ҳамиша тайёр эканликларини, умрининг сўнгига қадар шу юртга, Президентимизга содиқ бўлиб қолишларини изҳор этдилар. Сўнгра командирлари, ота-оналар ҳамда кенг жамоатчиликнинг олдидан шахдам қадамлар билан саф қўшиғини айтиб ўтишди. Кейин уларнинг кўргазмали жанговар чиқишларини томоша қилдик. Ёш аскарлар қурол билан ва қуролсиз ҳам жуда чаққон ҳаракатланар, жанговар машқларнинг ҳар бирини маромида бажарар эдилар. Айниқса, биз ота-оналар фарзандларимизнинг бир ой ичида шунчалик улғайганлигидан мутаассир эдик. Демак, Ўзбекистон Қуролли Кучлари нафақат чиниқиш мактаби, балки улғайиш дорилфунуни ҳам экан.

– Бу ёш аскарларни кўриб, менинг ҳавасим келади, – дейди истеъфодаги полковник Иброҳим ота Саъдиров. – Президентимизнинг мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлиги, тинч ва осойишта ҳаётимиз кафолати бўлган Қуролли Кучларимизга бўлган ғамхўрликлари туфайли улар ўз ота-оналари бағрида яшаётгандек, гўё. Негаки аскарлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Улар фақат ўқиши, спорт билан шуғулланиши, ҳарбий илмларни қунт билан ўрганишлари ҳамда ҳар томонлама чиниқишлари керак. Улардан бошқа нарса талаб қилинмайди.

Тантанада ҳарбий қисм командири ҳам, меҳмонлар ҳам, ота-оналар ҳам бирин-кетин сўзга чиқишди. Ҳар ким дилидагини баён этди. Оналар қувончдан кўзларига ёш олган бўлсалар, укалар барваста йигитларга ҳавас қилаётганлигини, улар ҳам, албатта, акалари янглиғ аскар бўлиб хизмат қилиш орзусида эканлигини айтишди. Ҳарқалай, оталар ўзларини тутишди – севинч ҳайқириқларини бўғзида тутиб қолишди.

Тадбир якунлангач, биз фарзандларимиз, ёш аскарлар билан уларнинг ётоқхоналарини, машғулот хоналарини, дам олиш, овқатланиш хоналари, тренажёр залларини айландик. Уларнинг спорт билан шуғулланадиган майдонларини кўрдик. Бу шароитларни кўриб, рости, бизнинг-да ҳавасимиз келди, фарзандларимизга. Қисқа фурсатда улар бир-бирлари, командирлари билан аҳил ва иноқ бўлиб кетишибди.

– Бизга ёш аскарларнинг ана шундай аҳиллиги керак, – дейди офицер Назиржон Аъзамов. – Аҳиллик, ҳамжиҳатлик билан ҳамма нарсага эришиш мумкин. Ана шу тушунча ва малака ёш аскарларнинг ҳарбий машқларни ҳам тез ва қийналмасдан ўзлаштириб олишлари учун муҳим омил бўлмоқда. Бундан ташқари улар билан мунтазам ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказиб турамиз. Буларнинг барчаси ёш аскарларни нафақат жисмоний ва маънавий чиниқтиради, балки аҳилликка, ҳамжиҳатликка ҳам ундайди.

Дарҳақиқат, биз ёш аскарларнинг ўзаро иттифоқлигини ҳар нафасда сездик. Тадбир сўнгида берилган концерт дастурида ҳам улар бир четда томошабин бўлиб қолмадилар. Аксинча, унинг мароқли бўлишига ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Имкон қадар ўз санъатларини ҳам намойиш этдилар.

Бу воқеаларга анча бўлди. Аммо унинг таассуротлари ҳали-ҳануз ёдимизда. Бу воқеаларни баён этишимизнинг яна бир сабаби бор. Юқорида командир айтганидек, ёш аскарлар ўртасидаги аҳиллик ота-оналар ўртасидаги дўстликка ҳам сабабчи бўлди. Эндиликда фарзандлари бир сафда юрган оналар ҳам бир-бири билан худди опа-сингиллардек кўришадиган бўлишди. Қобил фарзандлар туфайли аҳил оилалар дунёга келди. Демак, Ўзбекистон Қуролли Кучлари нафақат аҳиллик мактаби, балки меҳр-муҳаббатни шакллантирадиган дорилфунун ҳам экан.

**Алишер БОЛИЕВ.**

# ТОШКЕНТ–2200

## ШАРҚ ДАРВОЗАСИ – ГЎЗАЛ ПОЙТАХТИМ

**Ватан халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги мужассамлашган гўшадир. «Ўзбекистон – Ватаним маним» деган ғурурбахш сўзлар бугунги кунда мамлакатимизда истиқомат қилувчи турли миллат вакиллари тилида жаранглмоқда. Айтиш мумкинки, Ватан тушунчасининг мазмун-моҳияти, сеҳру жозибаси ва қудрати унинг ҳаммага тенглиги ва барчани бирлаштира олишидадир. Халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, бирлиги ва ҳамкорлиги, миллий тафаккур ва маънавиятининг юксалиши юртимизда муҳим саналарни кенг нишонлашда, турли тадбирлар ва байрамларда яққол намоён бўлади.**

Маълумки, ЮНЕСКО қарорига мувофиқ юртимизда буюк алломаларнинг, Бухоро, Хива, Самарқанд, Қарши ва Марғилон шаҳарларининг юбилейлари кенг ншонланди.

Жорий йилда эса қадимдан илм-фан ва маданиятнинг йирик маркази бўлиб келаётган кўҳна Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини катта тантаналар билан нишонлашга тайёргарлик кўраяпмиз.

Мазкур юбилейга тайёргарлик жараёнида Тошкент шаҳри янада чирой очмоқда, обод бўлмоқда. Бугун пойтахтимизда ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари қизғин. Тарихий обидалар, иншоотлар ва ёдгорликлар меъморий талабларга асосан қайта тикланмоқда ва таъмирланмоқда.

Ёзма манбаларда Тошкентнинг қадимий номи «Чоч» бўлганлиги, араб қўшинлари 713 йилда шаҳарни забт этгач, араб алифбосида «ч» ҳарфининг йўқлиги боис у «Шош» деб юритилгани қайд этилган. Қолаверса, ўрта асрларда у «Шошкент», «Мадинат аш-Шош», «Бинкат» ва «Тарканд» деб номланган. Шаҳар «Тошкент» номи билан даставвал машҳур алломалар – Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Кошғарийнинг асарларида тилга олинади.

XIV асрнинг иккинчи ярми – XV асрнинг 80 йилларигача Тошкент Амир Темур ва темурийлар давлати таркибида бўлади ва бу даврга келиб унинг ҳудуди янада кенгаяди, маданияти ривожланади.

XVI асрга келиб Тошкент яна ободонлашиб, Туркистоннинг ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва маданий марказларидан бирига айланади. Янги меъморий обидалар қад кўтара бошлайди. Жумладан, Шайх Хованди Тоҳур мақбараси, Кўкалдош, Бароқхон мадрасалари ҳозирги кунгача етиб келган.

XVIII аср ўрталарида Тошкент тўртта қисмга – Шайхонтоҳур, Себзор (Қаффоли Шоший), Кўкча (Шайх Зайниддин), Бешёғоч (Зангиота) даҳаларига бўлиниб, уларнинг ҳар бирини мустақил ҳоким бошқарган. Шу даврда шаҳар узунлиги 14 километрлик девор билан ўралиб, унинг 12 та дарвозаси бўлган. Бу ҳақда Президентимиз ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида шундай келтиради: «Аждодларимиз ўзлари яшайдиган маҳалла, шаҳар ва қишлоқлар, боғ-хиёбонларга ном танлашга жуда катта эътибор берган. Мисол учун, Тошкентнинг ўн икки дарвозасига берилган чуқур маъноли, гўзал номларни олайлик. Самарқанд, Бешёғоч, Кўкча, Чиғатой, Сағбон, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Камолон, Қўймас, Қўқон, Қашқар дарвоза деган номлар авваламбор ўзининг аниқ тарихий-жуғрофий маъноси билан ажралиб туради».

Тошкент қадимий цивилизация ўчоқларидан бири ҳисобланиб, унинг ҳудудида кўплаб археология, маданият ва санъат ёдгорликлари бор. Музейлар фондида шаҳарнинг кўҳна тарихга эга эканидан далолат берувчи сон-саноқсиз қўлёзма ва экспонатлар сақланмоқда.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг, Тошкентнинг марказий майдони Юртбошимизнинг Фармонига кўра «Мустақиллик майдони» деб номланди. Мустақиллик майдонини бойитувчи яхлит бир ансамбль пайдо бўлди. Жумладан, Эзгулик аркаси, Бахтиёр она монументи, шунингдек, Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси, Бизнес маркази бугун нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик меҳмонларнинг ҳам зиёратгоҳига айланмоқда.

Шунингдек, шаҳар марказидаги энг катта хиёбон – бобомиз Амир Темур номи билан аталиб, Соҳибқироннинг улкан ҳайкали ўрнатилди ва унинг яқинида Темурийлар тарихи давлат музейи қурилди.

Ватан равнақи ва унинг гуллаб-яшнаши фарзандлар камолига боғлиқ. Бу ҳар биримизнинг Ватан олдида улкан масъулият ва мажбуриятимиз бор, деганидир. Зеро, инсон ҳаётининг мазмуни, аввало, унинг юрт манфаатлари йўлида қандай хизматлар қилгани билан ўлчанади. Ана шундай юбилейлар сабаб, тарихий хотирани ўстириш, миллатимиз орзу-умидлари, интилишлари, анъаналари ўз ифодасини топган меросни ўрганиш, бой маданиятимиз ҳақида тўлиқ ва тўғри тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, гўзал ва бетакрор, кўҳна ва ҳамиша навқирон Тошкентимизнинг «ЮНЕСКО» ва давлатимиз томонидан 2200 йиллик юбилейини муносиб нишонлашга ўз ҳиссамизни қўшиш, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларида фаол қатнашиш ҳар биримиз учун шарафдир.

**Мудофаа вазирлиги**
**Маънавият ва маърифат маркази**
**илмий-услубий бўлими.**











## ФАХРУ ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

**Азим пойтахтимиз – Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тантаналари тобора яқинлашмоқда. Шу муносабат билан жойларда турли учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтаётир.**

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида Тошкент шаҳрининг тарихи, бугуни ва келажаги мавзуига бағишланган ёшлар фестивали ўтказилди. Унда тарихчи олимлар, университетнинг професоор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

Тошкент бугунги кунда нафақат Марказий Осиё, балки дунёдаги энг гўзал, обод ва кўркам пойтахтлар қаторидан жой олган. Бу шаҳар ўзининг бебаҳо тарихий обидалари, буюк алломалари, иқлими, меҳмондўст ва бағрикенг кишилари билан довруқ қозонган. Истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан пойтахтимиз янада чирой очиб, кўркам қиёфа касб этди.

Сўзга чиққанлар Тошкент шаҳрининг тарихи ва бугуни, кун сайин чирой очаётган жамоли, халқаро миқёсда тутган ўрни ҳақида тўхталди. Шаҳардаги қадимий ёдгорликлар, тарихий манбаларда тилга олинган Тошкент ҳақида маълумотлар, Тошкент метрополитенининг бунёд этилиши тарихи иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Тадбирда мавзуга оид ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Ёшлар фестивали бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг концерт дастури билан якунланди. Ватан, тинчлик, дўстлик, меҳр, муҳаббатни тараннум этувчи куй-қўшиқлар барчага хуш кайфият бағишлади.

– Азим Тошкент шаҳри – ҳар биримиз учун фахру ғурур тимсолидир, – дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати университет бошланғич ташкилоти раиси Қувонч Юсупов. - Айниқса, шаҳарнинг бугунги жамоли барчани ҳайратга солиши табиий. Бундай тадбирлар ёшларимиз қалбида ифтихор туйғуларини мустаҳкамлаш, уларни Ватанимизга чексиз садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Фестиваль доирасида Тошкент шаҳрининг гўзал ва бетакрор манзаралари акс этган суратлар кўргазмаси намойиш этилди.

**А. ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# АДАБИЁТ

Эркин САМАНДАР

# СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН

**(Тарихий романдан парча)**

**(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).**

8

Чодир яқинидаги ҳайбатли қайрағоч шохларида қушлар бетиним чуғурлашар. Қуёш ботаётганида ўзи шундай бўлар, қушлар тилга кирар. Ҳаммаси бараварига бетиним «гапирар». Не дейишаркин? Бу инсон зотига номаълум. Аммо овозларидаги оғир-енгил кўчимларни илғаса бўлар. Гоҳ хуррам сўзларлар, гоҳ маҳзун. Бугунгиси эса нолага ўхшар. Гўёки улар нимадандир безовта. Бошларига қандайдир офат ёғилажагини сезишиб, безовта бонг уришарми ёхуд одамлар устига ёпирилиб келаётган бало-қазоларни узоқдан кўриб уларни ҳушёрликка чақиришарми?Наҳотки қуш тилини билгувчи бир зот йўқ? Балким бордир, дунё кенг. Лекин ҳали қуш мана бундоқ гапларни айтди дегувчи башоратгўйни биров кўрмаган.

Қамбарнисо чодирда ёлғиз, қандайдир матоҳни тиззасида авайлаб тўқир, қулоғи қушларда, дилидан эса юқоридаги хаёллар ўтарди.

Калласига тағин бир фикр келар. Балким ҳар бир одам қуш тилини ўз кайфиятига мослаб эшитар. Қувноқ одамга қувноқ эшитилар, маҳзунга маҳзун. Қамбарнисонинг кўнгли ҳозир маҳзун бўлгани боис қушлар чуғури эҳтимол нолага ўхшаётгандир.

Ҳазинлиги эса сўнгги воқеалардан, аниқроғи, султоннинг дараги топилмаётганидандир. Худо кўрсатмасин, султонга бир гап бўлгудай бўлса, Исфахон дарвозалари олдида тишини қайраб турган икки оёқли бўрилар одам тугул қайрағочда чуғурлаётган ўша қушларнинг-да тилини кесиб ташламасми!

Баногоҳ ташқарида бир нима хунук қарсилладию Қамбарнисонинг хаёл қушлари пирр учиб, ўрнидан туриб кетганини ўзи билмай қолди.

Чодир эшигидан мўралади. Не кўз билан кўрсинки, бир неча авбошлар чодир соқчилари бошида хода синдиряпти. Соқчилар сардори яраланган, чап юзидан, оғзидан қон оқар. Иккинчи соқчи ўлдирилган. Бошқалари олишиб ётар. Авбошлардан бири оғзидан кўпик сочиб қичқирар: «Ҳаммангни қириб ташлаймен, келгиндилар, хоразмий тажжоллар, ажнабийлар... бизим Исфахондан чиқиб кетларинг».

Қамбарнисо дарҳол қозиқдан ўқ-ёйни олди. Эшикдан тағин мўралади. Чодирга отлиқиб келаётган шоп мўйловли балои азимга қараб ўқ узди. У букчайиб ўтириб қолди. Соқчилар ила олишаётганлардан икки қиличбоз тўпдан чиқиб ярадор шериги томон югурди. Икки томонидан суяб олиб кетишаётган асно чодирдан отилган ўқдан бири қулади, иккинчиси ярадор ила кўздан ғойиб бўлди.

Йигит Малик отининг кишнагани эшитилди. Қамбарнисо енгил тортди.

9

Чодирга ҳужум қилган қалъа шихнаси (миршаби) Декчак ва унинг ҳамтовоқлари бўлиб чиқди. Яна маълум бўлдики, қалъанинг тағин беш-олтита жойида хоразмликларга қарши ўқ отилган, бир неча қария, хотин-халаж, болалар нобуд бўлган.

Пешинга бормай авбошларнинг бари қўлга олинди.

Декчак нечун бу разолатга борди, қозикалонга бир қадар аён. Бир йил муқаддам Пиршоҳ базм чоғи Декчакнинг акаси, қалъанинг бош шихнаси билан айтишиб қолади. Базмдан сўнг маст ҳолатда бош шихнани ўлдиради.

Табиийки, Декчак ва унинг ҳамтовоқлари аламзада эди. Дарҳақиқат, Пиршоҳ бир қўлида май, иккинчисида қилич билан ноҳақ қон тўкди. Лекин бунинг учун барча хоразмликларни айблаб бўлармИ. Қариялар, жувонлар, болаларда не айб? Дағи, рамазони шарифда, яхшилик пеш тутиладурган, адоват унутиладурган муборак айёмда-я. Мўғул шаҳарни қамал қилиб бўғуб ётганда-я.

Абу Инъомхон қозикалонни қувватлаган ҳолда бошқа гап айтди:

– Ўйларменки, бул чингизийлар ишидур. Олар куч ила олабилмаган қалъани макр-ҳийла ила ич-ичидан қулатмоқликка устадурлар. Бул разолатда оларнинг қўли борлигига шубҳам йўқтур.

Қозикалоннинг ўзи ҳам бу ҳақда ўйлаган, лекин қўлида далили бўлмагани сабаб тилини тийган эди. Умуман, саркарданинг гапида жон бор, тагига етмоқлик даркор. Султоннинг йўқлигидан фойдаланиб, қалъани ичидан бузмоқликни режа қилган бўлсалар не ажаб. Балким декчакларнинг олдига киши билмас суяк ҳам ташлагандирлар.

Қозикалон шул дамдан ишга киришди.

10

Бир йилга тенг беш кун ўтди. Аммоки, султондан ҳамон дарак йўқ.

11

Маликшоҳ бундоқ ўйлаб қараса, ўз ҳаёти бамисли кунгабоқар, қайдин наф келса, шу ёққа эгилур. Аввал халажлар сардори Ағроққа қўшилиб, Парвонда от талашди, сўнг Ибн Ҳожиб бисёр тилла ҳадя этгач, унинг ноғорасига ўйнади. Ниҳоят, олтин берганлар жонини суғурмоқ бўлганларида яна Жалолиддиндан нажот топди. Султон унинг гуноҳидан кечди. Кечгани билан ўз саркардаларидан паст тутар. Айниқса, Деҳли воқеаларидан кейин барча унга шубҳа билан қарайдиган бўлган. Доим шубҳа-гумонлар остида яшамоқ кўп оғир. Лекин шуниси ҳам борки, кетай деса, борар жойи йўқ.

Лекин энди, султоннинг тақдири номаълум бўлган бир пайтда асоратдан чиқмоқ йўлини излагани яхши. Шу умидда ҳозир у қозикалон олдида ўлтирар. Унга муҳим гап билан келган.

– Қулоғим сизда, гапиринг, – деди Рукниддин Масъуд саркардага синовчан боқиб.

– Билурсиз, – деди Маликшоҳ, – султондин ҳамон дарак йўқтур. Ҳаётми, йўқ, биров билмас. Ёғий эрса эшик қоқиб турур. Давлат тизгинин кимдир илгига олмоғи лозим деб ўйлармен. Масалан, Абу Инъомхон.

Саркардадан мундоғ сўзни эшитишни хаёлига ҳам келтирмаган қозикалон сергакланди. Султоннинг ўрнига султон тайинламоқ?! Бу не шаккоклик? Боз устига бошқарув бебош қолгани йўқ. Абу Инъомхон барча ишга бош-қош, саркардалар якдил. Аммоки, бул саркарда... недин айри йўл тутгай? Қозикалон ажабланиш ила сўради:

– Абу Инъомхоннинг бул гапдин хабари бормидур?

Маликшоҳ бош чайқади. Дарвоқе, нега у Абу Инъомхон номини илгари сурди? Ўзига мойиллигиданми? Аммо, ўзининг олдидан ўтмай туриб...

Унинг хаёлини бўлди қозикалон:

– Саркардаларнинг-чи, оларнинг хабари бормидур?

– Йўқ, хабарлари йўқ. Аммо ўйларменким, олар рози бўлгайлар, англаюрлар, қалъага эга керакдур.

– Қалъа эгасиз эмасдур, – беихтиёр жаҳлга мина бошлади қозикалон. – Султон ҳаётдур!

– Қайдин билурсиз? – қўрслик билан сўради саркарда.

Қозикалон қизишиб деди:

– Ҳаёт эмаслигин сиз қайдин билурсиз?

Маликшоҳ қозикалон ҳузурига нотўғри келганини ўйлаб пасайди.

– Ўз ўйимни айтадурмен.

Унинг пилиги пасайганини кўриб қозикалон ҳам жаҳлдан тушди. Суҳбатга яхши маромда нуқта қўйишни кўзлаб:

– Рамазони шариф охирлаб борур, – деди, – иншоллоҳ, ийди рамазонгача султон Исфахонга қайтур.

Султон Исфахонга қайтур... Қозикалон бир нимарсани билмас эрса, ишонч ила мундоғ дегайми? Маликшоҳ чув тушди. Лекин буни билинтирмасликка уриниб эшикдан ғоз чиқди.

Қозикалоннинг ёдига бу мисралар келди:

Баҳс майдонида улар донолик либосин кийди,
Сен бўлсайдинг, улар бўлар эдилар соқов.

## ОЛТИНЧИ БОБ

1

Тун ярмидан ошган бўлса-да, икки ҳукмдорнинг Шероздаги суҳбати ниҳоя билмас эди. Форс отабеги Саъд ўз саройида Онадўли ҳукмдори Кайқубод шарафига ёзган дастурхон атрофида шу икки ҳамсуҳбатдан бўлак жон зоти қолмаган. Эриб битаётган шамлар ўрнига янгилари ёқилган. Шуъла Кайқубоднинг юзига тўғри тушиб турар, Саъднинг эса чап елка ва чаккасига нур кўпроқ ёйилган, ўнг томонида эса ҳукмрон.

Кайқубоднинг юзи думалоқ ва гўштдор. Калта қирқилган соқол-мўйлови ўзига ярашган. Бурнининг бир оз катталиги ҳисобга олинмаса, ёқимтой одам. Аммо юз-кўзини маҳзунлик қоплаган.

Саъднинг эса бўйи узун ва қотма, шуъла кўпроқ



тушиб турганидан бўлса эҳтимол, қулоғи керагидан ортиқча шалпангга ўхшар. Катта ва қора кўзларида андуҳ сероб.

Уларнинг бошини бириктирган нарса фавқулодда туғилган хатар. Мўғул қўшинининг Исфахон остонасида ногаҳоний пайдо бўлиши ва султон Жалолиддин ҳақида тарқаган нохуш, бир-бирига ўхшамаган хабарлар. Уни гоҳ асир тушган дерлар, гоҳ ўлдига чиқарарлар, баъзан эса аллақайда куч тўплаб ётган баҳодирга.

Султон Исфахонда макон тутганида Онадўли ҳам, Форс ҳам енгил нафас олган, мўғул таҳдиди орқага чекингандай бўлган эди. Сабабки, султон Жалолиддин Форс ва Онадўли билан мўғул ўртасида метин қалқон. Чингиз отган ўқ унга номисанддай кўринар, Исфахондаги осойишталик эса бутун минтақа хотиржамлигининг гарови эди. Энди бўлса...

– Ўйларменки, – деди Кайқубод кўзларини шамга тикканча, – ийди рамазонгача султондан хабар бўлмас эрса, ёғий Исфахонни забт этур. Ондин сўнг, от бошин биз томон бурмоғи муҳаққақдур. Офатнинг олдини олмоғимиз шарт, отабек жаноблари.

– Қўшунни қўшунга қўшмоқликни, бирлашмакликни айтурсиз, – олдин ҳам бу масалага ишора бўлганидан иккиланмай деди Саъд. – Бирлашган лашкарни ўрталиқ сарҳадда тутмоқ даркорлигин мулоҳаза этурсиз. Борингки, айни шундоқ қилдик ҳам дейлик. Аммоки, ёғийга бас келаолгаймизми, бизим лашкардин ёғий қўшини кўб, у бамисоли аждаҳонинг ўзидур, лашкаримизни ямламай ютмасми?

– Онда нетмоқ керак, қўл қовуштириб ўтирмоғимиз даркорми?

– Йўқ, албатта. Онадўли ила Форс ўзи камлик қилур. Бошқа қўшнилар ила иттифоқ тузилса, бари мусулмон аҳли қўлни қўлга берса. Шуни ўйлайдурмен.

– Қўшнилардин кимни назарда тутгайсиз?

– Ироқни. Халифа жаноби олийларини.

Бу сўздан Кайқубод юзида истеҳзога ўхшаш нимтабассум кўринди. У деди:

**(Давоми бор).**

# МАЪНАВИЯТ

Кўрик-танлов

## ҚЎШИҚЛАР ИЖРОСИ, ҚЎШИҚЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

**Санъат... У кўнгилга ҳузур, завқу шавқ бағишловчи, инсон руҳияти ва ички дунёсини маънан озиқлантирувчи, эзгу ўй ва амалларга чорловчи жозибали, мафтункор, сеҳрли олам, шундай эмасми? Бу оламга бир бора саёҳат қилган киши унинг ранг-баранг жилвалари, дилрабо оҳанглари, дилхуш тароватига ошино бўлиши табиий.**





Дарҳақиқат, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари орасида ҳам санъатнинг у ёки бу тури ихлосмандлари, ҳаваскорларини кўплаб учратиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, Мудофаа вазирлиги тизимида маданий-маърифий тадбирлар хилма-хиллигини таъминлаш ва уларнинг савиясини, аҳамиятини янада ошириш, кишин маънавиятини бойитиш ва юксалтириш, эстетик тушунчаларини шакллантириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида янги-янги истеъдодларни кашф этиш ва ижодий меҳнат маҳсулини кенг намойиш этиш учун зарур шарт-шароит яратиш, ижодкорларни рағбатлантириш каби мақсадларга қаратилган чора-тадбирларнинг амалий ифодасини анъанавий тарзда ўтказилаётган турли кўрик-танловларда ҳам кўришимиз мумкин. Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови ҳамда Умумармия қўшиқлар фестивалининг навбатдаги босқичи томошабинларга ва иштирокчиларга ҳаяжонли, унутилмас онларни тақдим этди.

– Танлов иштирокчиларининг юқори даражада тайёргарлик кўрганликлари улар ижро этган қўшиқларда ўз аксини топди, – дейди Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаси, ҳайъат раиси Дадахон Ғаниев. – Ҳайъат аъзолари билан ҳар бир чиқишни баҳолашда асар мусиқасининг ўзига хослиги, матнининг таъсирчанлиги ва мазмундорлигига эътибор бериш баробарида қўшиқ ижрочисининг овози, саҳнада ўзини тутиши ва ҳаракатланиши, артислик маҳорати кабилар ҳам назардан четда қолгани йўқ.

Айтиш мумкинки, қўшиқчилик санъатига меҳри баланд томошабинларга ушбу кўрик-танлов нафақат беллашув, балки сара қўшиқлардан иборат ўзига хос концерт дастури сифатида жуда манзур бўлди.

– Тўғрисини айтганда, ҳарбийлар орасида ҳам шундай хушовоз ҳаваскорлар борлигини ҳеч тасаввур қилмагандим, – дейди офицернинг турмуш ўртоғи Феруза Ҳайдарова. – Хизмат вазифаларини шараф билан уддалаш баробарида ижод қилишнинг уддасидан чиқаётган, юртимиз ҳурлиги ва кўркини тараннум этаётган Ватан ҳимоячиларига ҳавасим келди.

– Назаримда, ижро этилган қўшиқларнинг ҳар бири таҳсинга лойиқ. Улар ичидан совринли ўринга лойиғини ажратиб беришларини сўрашса, қийин аҳволга тушишим аниқ, – дейди оддий аскар Озод Ортиқов ўз таассуротлари билан ўртоқлашаркан. – Ўйлайманки, аскарлар орасида ҳам санъатга, ўз истеъдодини намойиш этишга иштиёқмандлар талайгина.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови ҳамда Умумармия қўшиқлар фестивалининг округ босқичида шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар – Р. Қодиров, Б. Охунов, Ф. Тўрабоев, О. Қурбонов, В. Қобулов, А. Эргашев, Б. Нуратов, З. Нишонов, О. Чориевлар томонидан «Аскар онаси», «Мустақиллик қўшиғи», «Ягонасан, азиз Ватаним», «Ҳарбийлар», «Тасанно» каби қўшиқлар ижро этилди.

Якуний натижаларга кўра, «Ҳур диёр» қўшиғи билан кичик сержант Фозил Тўрабоев, «Гулла, яшна она-диёр» қўшиғи ижрочиси ва мусиқаси бастакори кичик сержант Воҳиджон Қобулов, «Олға бос, тўсиқ йўқ йўлимизда» номли муаллифлик қўшиғи билан кичик сержант Бобомурод Нуратовлар кўрик-танловнинг навбатдаги босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Маълумки, Мудофаа вазирлиги миқёсидаги сўнгги босқичда энг кўп балл тўплаган бадиий жамоа ёки ижрочига «Ягонасан, муқаддас Ватан!» Республика кўрик-танловида иштирок этиш учун йўлланма бериладн.

Дарвоқе, кичик сержант Нуратов билан «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танловининг округ босқичида, бундан олдин эса, «Балли, йигитлар» танловининг Мудофаа вазирлиги босқичида учрашган эдик. Шеър ва сценарийлар ёзиш, саҳнада рол ва пантомимо ижро этишда моҳир посбоннинг оила аъзолари ҳам танловларда фаол иштирок этар экан. Буни қарангки, кичик сержант «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови ҳамда Умумармия қўшиқлар фестивалига ҳарбийча кийинтирилган жажжи қизи Гуласал билан бирга келди. Танловдан ташқари бўлса-да, отабола «Юртим» қўшиғини ижро этдилар.

Ишончимиз комилки, ёш авлод қалбида ватанпарварлик туйғуларини камол топтириш, бадиий жиҳатдан мукаммал қўшиқлар яратишни рағбатлантириш, ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларини маънавий шакллантириш, умумармия қўшиқлари савиясини оширишдек эзгу мақсадларни кўзлаб ўтказилаётган кўрик-танлов қатнашчилари ва уларнинг мухлислари сафи йил сайин кенгайиб бораверади.

**Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.**
**Муаллиф суратга олган.**

## ДИЛЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

**Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округида «Ягонасан, муқаддас Ватан» кўрик танлови ҳамда Умумармия қўшиқлар фестивалининг округ босқичи бўлиб ўтди.**



Юрт ҳимоясини муқаддас билувчи ҳарбий хизматчиларни Ватанга, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига ватанпарварлик туйғуларини янада чуқурроқ сингдириш мақсадида ўтказилаётган мазкур танловда округдаги ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат қилаётган санъатга ошуфта қалб соҳиблари иштирок этиб, ўз иқтидорларини намойиш этишди. Ҳар бир иштирокчининг ижро маҳорати Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист подполковник Марат Ҳакимов бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Унга кўра, саф, эстрада-лирик ҳамда ватанпарварлик қўшиқлари йўналишлари бўйича ғолибликни катта лейтенант Э. Абдуллаев, кичик сержант Д. Михлиев ва оддий аскар А. Эгамбердиевлар қўлга киритиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олишди.

Тадбир якунида ғолиблар округ қўмондонлиги ҳамда вилоят маънавият тарғибот марказининг Фахрий ёрлиқ ва совғалари билан тақдирландилар.

**Т. МАМАНОВА,**
**округ ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи.**

# СПОРТ

Юнон-рум кураши

## САРДОР КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ

**Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида юнон-рум кураши бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда МҲСК вакиллари ҳам иштирок этиб, совринли ўринларга сазовор бўлди.**



Ўзбекистон спортчиларининг халқаро мусобақалардан совриндор бўлиб қайтиши бугунги кунда одатий бир ҳолга айланди. Бу юртимиз спорти ривожланиши йўлида эканлигидан далолат. Совриндор бўлиб қайтаётган спортчиларнинг аксарияти МҲСК вакиллари эканлиги армиячиларимизда ҳам фахр ҳиссини уйғотади.

Юнон-рум кураши бўйича М. Сапорбоев хотирасига бағишланган XVI халқаро мусобақада олти нафар МҲСК аъзоси иштирок этди ва уларнинг уч нафари совриндор бўлди. Қолган уч нафар вакилимизга бирозгина омад етишмай, уларнинг барчаси халқаро мусобақанинг фахрли бешинчи ўрини билан кифояланишди. Шуни таъкидлаш жоизки, бу мусобақада жамоамизнинг иккинчи таркиби иштирок этди.

МҲСКда 66 кг. вазн тоифасида тенг кучга эга бўлган икки нафар ёш юнон-рум кураши устаси борлигига яқинда пойтахтимизда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги мамлакат чемпионатида шоҳид бўлгандик. Финал баҳси армиячилар – Ермахон Мамбетов ва Сардор Қорёғдиевлар ўртасида кечган ва унда Ермахон ғолиб чиққанди. Қозоғистонда ўтказилган халқаро мусобақада эса бу вазн тоифасида Ермахон эмас, балки Сардор гиламга чиқиб, юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилди. Ғолиблик учун 30 нафар спортчи ўзаро кураш тушишди.

Сардор беш нафар рақибини енгишга муваффақ бўлди. Финалда эса, худди Ўзбекистон чемпионатида бўлгани каби унга омад кулиб боқмади ва халқаро мусобақанинг кумуш медали билан тақдирланди.

Ўзбекистон чемпионатида бешинчи ўрин билан кифояланган МҲСК аъзоси Козим Тўраевга эса халқаро мусобақада омад кулиб боқди. 55 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан вакилимиз 6 нафар рақибини мағлуб этди. Бу ғалабалар, мазкур вазн тоифасида ғолибликка даъвогарлар сони 37 нафарни ташкил этгани боис, Козимни мусобақанинг ярим финалигача боришини таъминлади. У ярим финалда мезбонлардан бирига ютқазиб қўйиб, мусобақанинг бронза медали билан тақдирланди.

96 кг. вазнлилар беллашувида яна бир вакилимиз, МҲСК аъзоси Шерзод Ургучев қатнашиб, бронза медаль билан тақдирланди. Шерзод халқаро мусобақада тўрт нафар рақибини енгишга муваффақ бўлди.

Шундай қилиб, иккинчи таркиб билан қатнашган жамоамиз халқаро мусобақадан битта кумуш ва иккита бронза медалини қўлга киритиб қайтди.

**Ж. РАСУЛОВ.**

Велоспорт

## НА ТРЕКЕ – ЮНИОРЫ

**Успешное выступление армейских велогонщиков на недавнем открытом первенстве Узбекистана на треке показало, что у сильнейших велосипедистов МХСК растет хорошая смена. Примечательно, что эти виды являются олимпийскими.**

Например, в командном спринте на три круга второе место заняло трио гонщиков с участием армейцев Артура Халилова из Наманганa и Фаниля Ризванова из Ферганы, компанию которым составили Кирилл Гвоздев из Республиканского колледжа олимпийского резерва (РКОР). Кстати, в активе Артура также бронзовая медаль в гонке «Кейрин», а Фаниль стал серебряным призером и в групповой гонке «Скреч» на 24 круга, бронзовым призером в групповой гонке на 72 круга.

Вот и в командной гонке преследования на 4 км армейцы выступили очень успешно. Четверка в составе Артура Халилова, Фаниля Ризванова, Анаса Тухтабаева и Константина Грико вместе с Кириллом Гвоздевым удостоилась серебряных наград первенства страны, а бронзовыми призерами стали армейцы Анвар Акбаралиев, Виктор Веселков, Сергей Мирзакулов, Анвар Ахметвалиев и Ильхом Исмагилов.

Четвертую награду, также бронзовую, Артур Халилов сумел завоевать в дуэте с Кириллом Гвоздевым в парной гонке «Мэдисон» на 96 кругов. В командной гонке преследования на 2 км среди младших юношей армейцы Фаррух Саитбаев и Влад Федоров стали обладателями бронзовых медалей.

В спринте на два круга среди младших юношей «бронза» в активе дуэта в составе Фарруха Саитбаева (МХСК) и Владислава Гальянова (ДФСОП). Эту же дистанцию среди девушек выиграла пара Ляйсан Хазиевой (МХСК) и Аллы Безугловой (РЮШВСМ).

По словам тренеров МХСК по велоспорту, наших гонщиков теперь ждет участие в ряде международных турниров и в чемпионате Узбекистана на треке среди взрослых.

**Ермурат АЙНАТДИНОВ.**

Сув тўпи

## АРМИЯЧИЛАР ЯНА ҒОЛИБ

**Сув тўпи бўйича эркаклар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатининг сўнгги давра учрашувлари Наманганда ўтказилди. МҲСК бу сафар ҳам бошқа жамоаларга ҳеч бир имконият қолдирмади ва мамлакат чемпионлигини қўлга киритди.**

Бу йилги чемпионатда мамлакатимизнинг еттита жамоаси ғолиблик учун ўзаро баҳс олиб борди. Учрашувлар даврали тизимда ташкил этилди. Спорт мухлисларига яхши маълумки, мазкур спорт тури бўйича МҲСК юртимиздаги етакчи жамоа ҳисобланади.

Терма жамоамиз ўзагини ҳам айнан МҲСК ўйинчилари ташкил қилади. Мамлакат чемпионлиги учун кечган баҳсларда бошқа жамоалар айнан армиячиларга муносиб рақобатчи бўлишга ҳаракат қилишди. Гарчанд МҲСК жамоасига қарши ўтказилган учрашувларда имкониятни бой беришган бўлса-да, ўз тажриба ва маҳоратларини ошириш борасида бу ўйинлар муҳим аҳамият касб этди.

Наманганда ўтказилган сўнгги давра учрашувларидан сўнг чемпион номи маълум бўлди, бу – албатта, МҲСК. Пойтахтимиздаги Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаси чемпионатда иккинчи, Тошкент вилояти терма жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

МҲСК жамоасининг ғолибликни қўлга киритишида Артём Мармуль, Дилинг Ванчелов, Никита Манапов каби маҳоратли сув тўпи усталарининг қўшган ҳиссаси катта бўлди. Жамоанинг яна бир вакили – Данил Яковлев эса чемпионатнинг энг серmaҳсул ўйинчиси сифатида қайд этилди.

МҲСК жамоасини олдинда мамлакат кубоги учун баҳслар ва ёзда Хорватияда ўтказиладиган терма жамоалар ўртасидаги жаҳон чемпионатига саралаш учрашувлари кутаяпти. Зеро, Ўзбекистон терма жаомасининг қарийб тўқсон фоизи МҲСК сув тўпи усталаридир. Мамлакат чемпионати ана шу учрашувларга ўзига хос тайёргарлик вазифасини ҳам ўтади.

**Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.**

«Умид ниҳоллари»

## ДИҚҚАТ, ЙЎЛ БЕРИНГ, КЕНЖАБОТИР КЕЛАЯПТИ!

**Юртимиз «уч ака-ука ботирлар»нинг кенжаси – «Умид ниҳоллари» спорт байрами арафасида турибди. Нафақат юртимиз спорт жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситаларининг, балки Ватан истиқболи ва келажагига бефарқ бўлмаган, унга ўзини дахлдор билган ҳар бир инсоннинг диққат-эътибори шу кунларда ушбу умид ғунчалари мусобақасига қаратилиши табиий.**

Тарихан қисқа муддат – ўтган ўн саккиз йил мобайнида Ўзбекистон спорти халқаро майдонда ўзига хос нуфузга эга бўлди. Халқаро спорт ташкилотлари эндиликда мамлакатимизга Марказий Осиёда спортни, олимпия ҳаракатини ривожлантириш маркази сифатида қарамоқда. Республикамизнинг бошқа соҳалар қатори спортда ҳам ўзига хос йўлдан бораётганлигига, айниқса мамлакатда спортни оммавийлаштиришнинг янги модели яратилганлигига ва унинг одимларига катта қизиқиш билдирилмоқда. Хусусан, халқаро спорт жамоатчилиги мамлакатда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодни спортга оммавий тарзда жалб қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш, ёш истеъдодларнинг имкониятларини намойиш эттириш ва уларни катта спорт майдонларига йўллашга қаратилган уч босқичли, яъни «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақалари тизимининг йўлга қўйилишини, шунингдек Ўзбекистон халқаро спорт майдонига ўз миллий спорт турларини таклиф қилиб, ўз қиёфаси билан чиқиб бораётганлигини олимпия ҳаракатини дунё миқёсида ривожлантиришнинг Ўзбекона модели сифатида эътироф этмоқда. Ҳа, спорт соҳасида юксак марраларга эришишда Ўзбекистон оммавийлик йўлидан бормоқда. Мамлакатимиз «Умид ниҳоллари» спорт байрами арафасида турган шу кунларда 1997 йили юртимизда бўлган ООК президенти Шайх Аҳмад ас-Сабоҳнинг эътирофи ёдимга тушди: «Қозоғистоннинг кўпроқ спорт юлдузлари билан ишлашга мойиллиги бўлса, **Ўзбекистон спорт соҳасида юқори натижаларга эришиш учун кўпроқ келажак авлод тарбиясига эътиборни қаратаётганлиги билан ажралиб туради. Оммавийлик йўли танланган** экан, бу катта оқим ичидан келажакда кўплаб спорт юлдузлари етишиб чиқиши шубҳасиз».

Гулистон шаҳри анъанавий – «келажакда кўплаб спорт юлдузлари етишиб чиқиши»га туртки берувчи «Умид ниҳоллари-2009» мусобақасини, мактаб ўқувчиларининг спорт байрамини қабул қилишга шай. Шаҳарнинг 20 минг ўринли марказий стадиони мусобақанинг очилиш ва ёпилиш тантаналарини ўтказишга ҳозирланган.

«Алпомиш» спорт мажмуи ҳар қачонгидан ўзгача чирой очган. Баскетбол, қўл тўпи, теннис, мини-футбол, енгил атлетика бўйича мусобақалар ўтказиладиган заллар қайта таъмирдан чиқарилган. Икки минг ўринли томошагоҳга янги ўриндиқлар ўрнатилган. 1600 нафар томошабинга мўлжалланган теннис кортида ҳам шундай ишлар амалга оширилган. Спорт беллашувларини томоша қилиш учун келувчиларга байрамона кайфият улашиш мақсадида мажмуа атрофига минглаб гул ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилган.

Шахмат ва баскетбол ўйинларининг бир қисми ўтказилиши мўлжалланган Гулистон давлат университети спорт залларида, мусобақа иштирокчиларининг дам олиши кўзда тутилган 1200 ўринли талабалар уйларида ҳам тадорик ишлари ниҳоясига етказилган.

Хуллас, «Умид ниҳоллари»нинг спорт майдонларида маҳорат кўрсатиб, бўлажак «спорт юлдузи» сифатида куртак очишлари, мураббий ва мутахассислар назарига тушиши учун Гулистон шаҳрида барча шарт-шароитлар яратилган. Биз эса асосий баҳслари «Алпомиш» спорт мажмуида ўтказиладиган мактаб ўқувчилари ўртасидаги ушбу мусобақа қатнашувчилари орасидан келгусида етук спорт юлдузлари етишиб чиқишидан, бугунги беллашувлар уларга ана шу чўққиларга интилишга туртки беришидан умид қилган ҳолда: «Диққат, йўл беринг, кенжаботир келаяпти», деб қоламиз. «Умид ниҳоллари» нафақат соғлом турмуш ва спорт оммавийлашувини тарғиб қилувчи, балки юртимиз спортининг эртанги кунини белгиловчи, ёш истеъдодларни кашф этувчи, кўплаб спорт юлдузлари вояга етишишига замин ҳозирловчи мусобақа бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

**Р. ЖУМАЕВ.**

# СПОРТ

Янги спорт тури

## ЎЗБЕК ЖАНГ САНЪАТИ

**Юртимиз мустақиллик даврида барча соҳалар каби спортда ҳам катта муваффақиятларга эришди. Спортчиларимиз халқаро майдонда юқори ўринларни қўлга киритмоқда. Миллий курашимизнинг жаҳон спорт майдонига чиқиши, бугунги кунда дунё миқёсида оммавийлашиб бораётгани бу соҳада ҳам ўз сўзимизни айтаётганимиздан. Эндиликда унинг ёнига яна бир миллий спорт тури – ўзбек жанг санъати қўшилиш арафасида.**

Яқинда пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуига йиғилган юртимиз ва хориж давлатлари спорт жамоатчилиги, мухлислар Ўзбек жанг санъати федерациясининг тақдимотига ва Ўзбекистон биринчи чемпионатига шоҳид бўлишди. Янги спорт тури бўлгани учун бу ерга ташриф буюрган кўпчилик қатори биз ҳам аввалига майдондаги спортчиларнинг ҳаракатларини тушунишга қийналдик. Хўш, у қандай спорт тури, баҳслар қай тарзда, қандай тартиб-қоидалар асосида олиб борилади? Бир қарашда шарқ яккакурашларининг бошқа турларига ўхшаб кетадиган мазкур спорт турининг фарқли жиҳатлари нимада-ю, уни «Ўзбек жанг санъати» деб номлашда қандай асосларга таянилди, каби саволлар билан Ўзбек жанг санъати федерацияси президенти Пўлат Усмоновга мурожаат қилдик.

– Ҳар бир давлат, ҳар бир миллат қадимий жанг санъатининг сифатлари халқ ўйинлари, турли спорт турларида ифодаланиб, авлоддан авлодга ўтиб келган. Яккакурашга оид қайси бир спорт турини олманг, унинг ҳар бирида ўзига хос жанг санъати усуллари ва миллийлик мавжуд. Улар бир қарашда бир-бирига ўхшаб кетади, усуллар бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлгани учун ҳам шундай туюлади. Лекин улар ўртасида жуда катта фарқ бор – яккакурашлар дунёси беқиёс, буни мазкур спорт турлари билан шуғулланганлар яхши тушунади. «Ўзбек жанг санъати»да ҳам шундай миллийлик мужассам. Бунда қўл жангига асосланган халқ ўйинлари, қадимий миниатюраларда акс этган миллий жанг санъатининг турли кўринишлари, буюк саркарда боболаримизнинг қўшинидаги пиёда ва отлиқ аскарларнинг жанг майдонларида қурол-яроқсиз, қўл ва оёқ зарбалари билан душманни мағлуб этишда қўллаган усулларига таянилди. Улар тарихий манбаларда ҳам қайд этилган. Ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг, қўл жанги, яккакураш, қиличбозлик, камондан отиш бўйича маҳоратларни Амир Темур бобомиз ўз қўшинида ҳақиқий жанг санъатига айлантирмаганида, унинг эндиликда Европа ва Осиё мамлакатлари академияларида ўқиб-ўргатилаётган ғолибона юришлари амалга ошган бўлармиди? Шундай экан, дунё майдонига «Ўзбек жанг санъати» деб номланувчи спорт тури билан чиқишга тўла ҳақлимиз. Японияликлар ўз миллий жанг санъатига асосланган дзюдо, айкидо, каратэ каби спорт турлари жаҳон майдонига чиққани билан фахрланишади. Бу ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мустақиллик йилларида юртимизда ҳам бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Бизнинг мақсадимиз ана шу эзгу ишларни давом эттириш, озми-кўпми унга ўз ҳиссамизни қўшиш.

Пўлат акани узоқ ушлаб туролмадик, аксинча федерация тақдимоти кетаётган бир жараёнда матбуот ходимлари учун вақт ажрата билганидан мамнун бўлган ҳолда ушбу спорт тури бўйича муайян маҳоратларни эгаллаган спортчиларнинг чиқишларини – мамлакат чемпионати баҳсларини кузатишда давом этдик.

Янги спорт тури – ўзбек жанг санъати бешта асосий йўналишдан иборат. Спортчилар мусобақавий, соғломлаштириш, қўл жанги санъати, Темурийлар жанг усули ва жанговар йўналишларда ғолиблик учун баҳс олиб боришади. Хусусан, мусобақавий йўналишнинг ўзи туркум машқларни бажариш, яккама-якка беллашув, кўргазмали чиқиш машқларидан иборат. Ўзбек жанг санъатининг соғломлаштириш йўналиши бўйича 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган кишилар шуғулланиши мумкин. Чунки унда барча ҳаракатлар енгил бажарилади. Навбатдаги йўналиш – қўл ва бармоқлар билан тананинг нозик қисмларига зарбалар бериш ва оғритиш усулларини қўллашдан иборат. Темурийлар жанг усули йўналишида эса қилич, ханжар, таёқ, жуфт таёқ, найзалар билан машқ бажарилади. Унда қўл зарбалари кучини ўлчаш ҳам ҳисобга олинади. Сўнгги, жанговар йўналиш – кўтариб ташлаш, чалиш, бўғиш, чангалдан чиқиб кетиш, оёқ ва қўл зарбалари бериш каби усулларни қўллаш билан характерланади. Бу спорт тури ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг жисмоний тайёргарлигини оширишда ҳам жуда қўл келади.

Ўзбек жанг санъати спорт тури билан шуғулланувчилар босқичма-босқич оқ белбоғ, сариқ белбоғ, яшил белбоғ, қизил белбоғ каби маҳорат даражаларига эга бўлиши мумкин. Мусобақани олиб борувчи ҳакамлар ҳам ўзлаштирилиши осон бўлган миллий сўзларни ишлатишади. Жумладан, машғулотларда «ҳа», «ҳа, йигитлар», «ҳа, балли», «ҳимоя», «зарба», «теп», «зарба-теп» каби сўзларни қўллашади.

Ҳа, ҳар бир спорт турининг ўз Ватани бор. Каратэ деганда жаҳон спорт жамоатчилиги кўз ўнгида аввало Япония, таэквандо, у-шу ёки муай-тай деганда Корея, Хитой ва Таиланд гавдаланади. Футболнинг Ватани сифатида Англияни, қўл жанги ва универсал жанг пайдо бўлган юрт деб Россияни, миллий кураш деганда Ўзбекистонни тушунишади. Чунки мазкур спорт турлари билан боғлиқ термин, атама, буйруқ ва тушунчалар ҳам миллий тилда юритилади. Масалан, спорт оламида бугунги кунда миллий курашнинг “чала”, “ёнбош”, “ҳалол” каби атамалари рус, инглиз, немис ва бошқа тилларда ҳам бир хил, яъни ўзбекча жаранглам оқда. Биз бу билан ҳақли равишда фахрланамиз. Унинг қаторига эндиликда янги спорт тури – ўзбек жанг санъати ҳам қўшилаётгани, айниқса, бу спорт тури билан боғлиқ атамалар, туркум машқлар номи буюк саркарда боболаримиз исми ёки ўзбекча сўзлар билан юритилиши янада қувонарлидир. Хусусан, жаҳонга янги спорт турини олиб чиқишга бел боғлаган федерация раҳбарияти ўзбек жанг санъатининг туркум машқларини, йўналишларини, буйруқлар, огоҳлантиришлар, спортчилар эгаллайдиган маҳорат даражалари ва спорт турига оид терминларни «ростлан», «бошла», «тўхта», «бекор», «ватан», «қалқон», «шердор», «яшил белбоғ», «Амир Темур», «Жалолиддин Мангуберди», «Бобур Мирзо», «Паҳлавон Маҳмуд», «Широқ», «Спитамен», «Алпомиш» ва бошқа шу каби номларда аташга қарор қилган. Бу мазкур спорт тури орқали ўзбекча сўзлар, миллий қадрият ва анъаналаримиз дунёга янада кенг тарқалиши, ёйилиши демакдир.

Ўзбек жанг санъати дунё бўйлаб ўзининг дастлабки одимларини ташлай бошлади. Хусусан, 5–10 май кунлари Хорватиянинг Пула шаҳрида Бутунжаҳон яккакурашлари ташкилоти – WASCO йўналишида бўлиб ўтган учинчи жаҳон фестивалида ўзбек жанг санъати намойиш этилди. Ўз навбатида Бахтиёр Исроилов, Фахриддин Носиров, Жаҳонгир Аъзамов, Ҳожиакбар Ботиров, Жонибек Алиев ва Музаффар Ғойиповлар бу спорт тури бўйича биринчи жаҳон чемпионлари, деб эътироф этилди.

Ўзбек жанг санъати федерацияси 2004 йилдан юртимизда иш бошлаган ва шу кунгача 22 та спорт федерациясини ўзида бирлаштирган Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази кўмаги билан бу янги спорт турини мамлакатимизда оммавийлаштириш борасида қисқа вақтда муайян муваффақиятларга эришди. Буни ўтган ҳафтада «Ўзбекистон» спорт мажмуида ўтказилган ўзбек жанг санъати бўйича мамлакат биринчи чемпионати ҳам кўрсатди. Унда турли вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 600 нафарга яқин спортчилар иштирок этгани федерация ва янги спорт тури фаоллари жойларда тинимсиз меҳнат қилганидан далолат. Федерация тақдимоти сўнгида ана шундай жонкуяр инсонлар ва федерациянинг иш бошлашида фаоллик кўрсатганлар муносиб тақдирланди.

Ёшларимизни руҳий ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашда, уларнинг Ватанимиз тарихи, маданияти ва спортига қизиқиши кучайишида, ўз навбатида миллий ғурур, ифтихор, фахр ва ватанпарварлик туйғуларининг камол топишида мазкур спорт турининг беқиёс аҳамият касб этиши табиий. Ўзбек жанг санъати – аждодларнинг авлодларга туҳфаси, кўҳна юртнинг қайта туғилган анъанаси, мардлик, матонат ва жасорат мактаби сифатида дунёга келмоқдаки, унинг миллий курашимиз қатори жаҳон миқёсида кенг оммавийлашувини истаб қоламиз.

**Майор Расул ЖУМАЕВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

Енгил атлетика

## ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР МАЙДОНДА

**Андижон шаҳрида ўсмирлар ўртасида енгил атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда МҲСКнинг 19 нафар аъзоси иштирок этди. Армиячилар биринчиликнинг югуриш, молот улоқтириш ва швед эстафетаси бўйича баҳсларида муваффақиятли қатнашишди.**

Юртимизда барча спорт турлари қатори «Олимпиада ўйинлари қироли» – енгил атлетиканинг ҳам кенг оммавийлашувига, ривожланишига катта эътибор берилмоқда. Маҳоратли енгил атлетикачилар ўртасида Ўзбекистон кубоги учун баҳслар ва мамлакат чемпионати мунтазам ўтказилишидан ташқари, ёшлар, ўсмирлар ва болалар ўртасида ҳам шундай биринчиликларнинг ташкил этилаётгани бунинг ёрқин далилидир. 1992-94 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасидаги чемпионат юртимизда бўлажак олимпиячилар, ёш истеъдодлар вояга етаётганини кўрсатди.

МҲСК аъзолари бу йилги чемпионатнинг иккита олтин медалини қўлга киритишди. Улардан бирига молот улоқтириш бўйича 59,30 метр натижани кўрсатган Жавлон Қодиров сазовор бўлди. Югуришнинг икки тури бўйича баҳсларида қатнашган Севара Кўчмуродова ҳам жамоадошларига ўрнак бўлди. У 200 метрга югуриш баҳсида 27,7 сония натижа билан маррани тўртинчи бўлиб кесиб ўтди. 100 метрга югуриш бўйича баҳсда эса барчани ортда қолдириб, ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони деган номга мушарраф бўлди.

МҲСКнинг умидли ёшларидан бири Баҳром Холхўжаев биринчиликнинг бирйўла учта тури бўйича баҳсларида қатнашди. 100 метрга югуришда унинг тезлиги бироз панд бериб, 11,47 сония натижа билан чемпионатда тўртинчи ўринни эгаллаган бўлса, 200 метрга югуришда маррага иккинчи бўлиб етиб келди. Жамоадоши Аббос Тошматов билан бирга швед эстафетасида ҳам қатнашган Баҳром МҲСК ҳисобидаги кумуш медалларни 3 тага бойитди.

Диск улоқтириш мусобақаларида МҲСК вакили Виктория Зацепина 26,73 метр натижа кўрсатди. Бу унга чемпионатнинг бронза медали билан тақдирланиши учун етарли бўлди.

Шундай қилиб МҲСК ўсмирлари навбатдаги чемпионатнинг 2 та олтин, 3 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга киритишди.

Чемпионат мураббийларга ютуқ ва камчиликлари сарҳисоби сифатида муайян бир жабҳадаги ишларини янада такомиллаштириш кераклигини кўрсатиб берган бўлса, руҳий ва жисмоний жиҳатдан шаклланиб бораётган ўсмирлар учун маҳоратлари, куч ва имкониятларини синаб кўриш майдони вазифасини ўтади. Зеро, жаҳон ва олимпиада чемпионлари ана шундай кураш, баҳс майдонларида тобланиб, камол топади.

**Р. ЭРМУҲАММАД.**

## ҚАЙДНОМА

**ФУТБОЛ.** Осиё чемпионлар лигаси, 1/8 финал: «Ал-Иттифоқ» (Саудия Арабистони) – **«Пахтакор»** (Тошкент) – 1:2 (П. Таго – 10; З. Тожиев – 80, А. Гейнрих – 90), «Персеполис» (Эрон) – **«Бунёдкор»** (Тошкент) – 0:1 (Ривалдо – 41, пен.). ОФК кубоги, 1/8 финал: «Ал-Мажид (Сурия) – **«Нефтчи»** (Фарғона) – 0:0 (пенальтилар бўйича – 1:3). Уч жамоамиз ҳам чорак финалга чиқди.

**БОКС.** Хабаровскда бўлиб ўтган халқаро мусобақада вакилларимиз битта олтин ва битта бронза медалга сазовор бўлди. 64 кг. вазн тоифасида рингга чиққан Санжарбек Раҳмонов аввалига японияик кучли боксчи Тасухиро Сузукини, сўнг монголиялик Тувшинбат Бямбани мағлуб этди. Финалда Россия чемпиони Максим Игнатьевни 11:6 ҳисобида енгиб, олтин медални қўлга киритди. 54 кг. вазн тоифасидагилар баҳсида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Баҳром Ҳидировга халқаро мусобақанинг бронза медали насиб этди.

**ДЗЮДО.** Халқаро олимпия қўмитаси (ХОҚ) қарори билан Ўзбекистон дзюдо федерацияси бош котиби Армен Богдасаров спорт яккакурашлари бўйича Таиландда ўтказиладиган Умумжаҳон ўйинлари ва Буюк Британияда ўтказиладиган Олимпиада-2012 ўйинларининг дзюдо бўйича мусобақаларни ташкил этиш спорт директори этиб тайинланди.

**КУРАШ.** Бел олиш курашининг «кўтариб уриш» йўналиши бўйича Паркент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобақада мутлақ чемпионлик учун кураш амакилар – Искандар ва Нуриддин Маҳаматовлар ўртасида кечди. Унда чапдастлик кўрсатган Нуриддин полвон ғолиб чиқиб, мутлақ чемпион бўлди ва шу йилнинг сентябрь ойида Литвада ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**ТЕННИС.** Норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланган Дэвис Кубоги учун баҳсларнинг плей-офф босқичи ўйинларига қуръа ташланди. Яқинда Япония терма жамоасини мағлуб этиб, жаҳон лигасининг саралаш босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон терма жамоаси қуръага кўра Сербия теннисчиларига қарши кортга чиқадиган бўлди. Сербияликлар етакчиси Новак Жокович айни кунда жаҳоннинг 4-рақамли теннисчиси ҳисобланади. Виктор Троицкий ва Янко Тиксаревич эса АТР рейтингида 41- ва 62-ўринларни эгаллаб турибди. Бизнинг етакчимиз Денис Истомин эса бу рўйхатда 92-бўлиб қайд этилган. Демак, терма жамоамизни олдинда жуда кучли рақиб кутаяпти. Учрашув сентябрь ойида ўтказилади.

**ПАУЭРЛИФТИНГ.** Осиё пауэрлифтинг федерацияси қарорига кўра, мазкур спорт тури бўйича 2011 йилги қитъа чемпионати Ўзбекистонда ўтказилади. Федерация бу қарорини яқинда Ҳиндистоннинг Удайпур шаҳрида ўтказилган 2009 йилги қитъа чемпионатининг ёпилиш маросимида билдирди. Бунга спортчиларимизнинг бу йилги қитъа биринчилигида муваффақиятли қатнашганлиги ҳам сабаб бўлди, дейиш мумкин. Қитъанинг ўттизга яқин давлатидан 600 нафарга яқин полвонлар иштирок этган Осиё чемпионатида вакилларимиз 12 та олтин, 6 та кумуш, 5 та бронза, жами 23 та медалларни қўлга киритишди.

**ФУТБОЛ.** Миллий терма жамоамиз японияликлар билан ўтказиладиган жаҳон чемпионати саралаш босқич доирасидаги муҳим учрашув олдидан Европа вакили – Босния ва Герцеговина терма жамоасига қарши майдонга чиқадиган бўлди. Ўртоқлик учрашуви 1 июнь куни Тошкентда ўтказилади. Босния ва Герцеговина терма жамоаси 2010 йилги жаҳон чемпионати саралаш босқичининг 5-гуруҳида 12 очко жамғарган ҳолда Испаниядан кейин иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Боснияликлар шу кунгача ўз майдонида Эстонияни 7:0, Арманистонни 4:1, Бельгияни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишган, сафарда Испанияга 1:0 ва Туркияга 2:1 ҳисобида имкониятни бой беришган. Бельгия терма жамоасини сафарда ҳам 2:4 ҳисобида мағлуб этишган.

**ЭРКИН КУРАШ.** Туркияда ўтказилган халқаро мусобақада дунёнинг 19 мамлакатидан 380 нафар спортчи қатнашди. 66 кг. вазнлилар тоифасида кураш тушган ҳамюртимиз Ихтиёр Наврўзов финалда озарбайжонлик Иброҳим Юсуповни мағлубиятга учратиб, нуфузли халқаро мусобақанинг олтин медали билан тақдирланди.

**ЖУНГИ-ДО ТАЭКВОНДО.** Тараз шаҳрида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон спортчилари иштирокида Америка таэквондоси, яъни жунри-до таэквондо бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди. 250 нафар спортчини жамлаган мазкур мусобақада вакилларимиз 2 тадан олтин, кумуш ва бронза медалларни қўлган киритишди.

**ТЕННИС.** Ҳамюртимиз Албина Хабибуллина Қозоғистонда ўтказилган халқаро мусобақа ғолибаси бўлди. У аввалига германиялик Паола Справиери, туркманистонлик Анастасия Пренко, россиялик Светлана Смирнова ва Рената Бакиеваларни икки сетда мағлуб қилди. Финалда ҳиндистонлик Пужашри Венкатешага қарши кечган баҳс уч сет давом этди. Биринчи сетда 6:7 ҳисобида имкониятни бой берган Албина кейинги сетларда ишончли ғалабаларга эришди – 6:3, 6:1.

**ЕНГИЛ АТЛЕТИКА.** Италиялик Пьетро Меннеа томонидан 1983 йилда 150 метрга югуриш бўйича ўрнатилган жаҳон рекорди 0,45 сония янгиланди. Уч карра Олимпиада чемпиони, ямайкалик енгил атлетикачи Усэн Болт яқинда Манчестерда бўлиб ўтган халқаро мусобақада 14,35 сония натижа кўрсатди.

# МАДАНИЯТ

## ХАЙР МАКТАБ, САЛОМ УЛКАН ОРЗУЛАР!

**Сўнгги қўнғироқ садолари янграмоқда. Даврада саф тортиб турган битирувчилар учун жаранглаётган қўнғироқнинг садоси ҳар кунгидан-да ўзгача. Бугун унинг бир дақиқалик жаранги бу даргоҳда ўтган бетакрор онларга хотима ясаб, мустақил ҳаётга йўлланма беради. Мактаб даври. Бу даврни эслаганда, болалик шўхликлари, ширин дамлар кўз олдимиздан бир-бир ўта бошлайди. Биринчи устоз, биринчи дарс, биринчи қўнғироқ ва сўнгги қўнғироқ... Вақтнинг оқар дарёлигини қарангки, кечагина ота-оналарининг қўлидан тутиб мактабга қадам қўйган бу ўғил-қизлар, бугун унинг бағридан катта ҳаёт сари учирма бўлишаяпти. Юзлари қувончдан лов-лов ёнаётган фарзандларига қараб ота-оналарнинг қалби фахр ва ғурур туйғуси билан лиммо-лим. Ахир ота-она учун фарзанд камолини кўришдан ортиқ бахт борми, дунёда. Сўнгги қўнғироқ тантанаси барча учун ана шундай шукуҳли онларни туҳфа қилади.**

Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги 171-сонли умумтаълим мактабидамиз. Мактаб ҳовлисига қадам қўйишингиз билан бу ерда ҳукм сураётган байрамона кайфият кўнгилларга шодлик ва қувонч ҳисларини солади. Сўнгги қўнғироқ тантанаси ўтказилаётган даврaнинг бир томонида битирувчи синф ўқувчилари, уларнинг қаршисида эса биринчи синф ўқувчилари саф тортишган. Икки томон ҳам бир-бирига ҳавас ила боқишади. Ҳамма шод, хурсанд. Бу манзара ҳар қандай инсоннинг қалбига чексиз ҳаяжон солиши шубҳасиз. Уларга қараб, беғубор болалик онларини, қанча шўхликларимизга гувоҳ бўлган муқаддас таълим даргоҳимизни ёдга оламиз. Биз учун хотирага айланган бу даврни эслаганда қалбимиз ширин орзиқади, бир дам вақтни орқага қайтариб ўша онларни яна бошдан ўтказмоқни истайди кўнгил... Ниҳоят, барча орзиқиб кутган тантанали тадбир бошланди. Тантана аввалида Мудофаа вазирлиги Алоҳида намунали-кўргазмали ҳарбий оркестри ижросида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Сўнг тадбирни очиб бериш учун сўз Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Т. Ҳамроқуловга берилди.

– Бугун барчангиз учун унутилмас кун, – деди у ўз сўзи аввалида. – Мактаб даври, бу ерда олинган таълим-тарбия ҳар бир йигит-қизнинг келажагига муҳим тамал тошини қўяди. Шу боисдан ҳам бу даргоҳ ҳаммамиз учун муқаддас. Бугунги кунга келиб ёшларнинг ҳар томонлама пухта билим олишлари учун ушбу таълим масканларида зарур имконият ва шароитлар яратилмоқда. Амалга оширилаётган бундай эзгу ишларнинг мазмун-моҳияти сиз каби ёшларни мустақил ва теран тафаккур соҳиби, соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашдек улуғвор мақсадларга йўналтирилган. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, билимдон, ўз салоҳияти ва фикрига таяниб, мустақил фикрлайдиган ёшларимиз эртанги кун ворислари ҳисобланади. Зиммангиздаги вазифа бундай эътибор ва ғамхўрликка муносиб жавоб бериб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадиган асл фарзандлар бўлиб етишишдир. Бу йўлда сизларга омад ёр бўлсин!

Шундан сўнг мактаб директори Наргиза Мелибоева сўзга чиқиб, барчани ушбу қутлуғ кун билан қизғин табриклади, эзгу тилакларини билдирди ва мактабда кўп йиллардан буён фидокорона меҳнат қилиб келаётган ўқитувчиларга ҳамда фан олимпиадаларида фахрли ўринларни қўлга киритган аълочи ва энг фаол ўқувчиларга тантанали равишда Фахрий ёрлиқлар топширди.

Тадбир давомида мактаб ўқувчилари томонидан ижро этилган шўх куй-қўшиқ ва рақслар тантанага ўзгача шукуҳ бағишлади.

– Жудаям ҳаяжондаман, – дейди битирувчи синф ўқувчиси Муяссар Рузимбетова. – Тўғрисини айтсам, ўтган йиллар давомида қадрдон бўлиб қолган устозларимиз ва мактабимиз билан хайрлашиш бунчалик оғир бўлади, деб ўйламаган эдим. Тўққиз йил давомида бизга таълим-тарбия берган барча устозларимиздан миннатдормиз. Фурсатдан фойдаланиб, уларга бахт-саодат ва ёш авлодга сабоқ беришдек масъулиятли ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Мана, ниҳоят сўнгги қўнғироқ жаранглади. Юраклар қўнғироқ жарангига ҳамоҳанг урмоқда. Бу садо барча битирувчиларни улкан орзулар сари парвоз этишга чорламоқда. Қалбда титроқ, юзу кўзларда ҳаяжон. Тил учида биргина жумла: хайр жонажон мактаб, хайр болалик!

**Гулнора ТУРСУНБОЕВА.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**















В гарнизонных Домах офицеров

## СОСТОЯЛСЯ ПОКАЗ МОД

**Недавно в Доме офицеров Чирчикского гарнизона прошел ежегодный показ моды «Весна-Лето» 2009 года. Такие демонстрации в конце учебного года уже стали традиционными, и, как правило, привлекают большое количество зрителей.**

Перед началом выступлений гости имели счастливую возможность ознакомиться с выставкой работ учащихся курсов кройки и шитья. Филигранные украшения из бисера, декоративные цветы и мягкие игрушки вызывали неподдельное восхищение. Непосредственно сам показ моды тоже явился для всех своеобразным сюрпризом. Дефиле было поставлено в форме театрализованного действия, где сказочные герои представляли на подиуме коллекции одежды. Кроме этого, были продемонстрированы авторские коллекции двух выпускниц курсов З. Гуламовой и А. Кураловой.

Демонстрация моделей одежды эффектно «разбавлялась» эстрадными номерами. Яркое, красочное представление удалось благодаря его постановщикам Т. Перьковой и Т. Потаниной, а также заведующей курсовой сетью Дома офицеров Л. Иркабаевой и ведущей мероприятия Ф. Асраевой. Такие шоу не только доставляют эстетическое удовольствие зрителям, но и дают большой рекламный эффект, привлекая на курсы Дома офицеров все больше новых учащихся.

**Ирина КУРБАНОВА.**





ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги | Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи майор А. САФАРОВ.
Шу сонга масъуллар: майор А. КАМОЛОВ, катта лейтенант Ё. ҲАКИМОВ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 256 09 81; обуна бўлими – 256 03 46. Факс: 256 17 98.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Ислакаев ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. | Адади 26000.
Нашр кўрсаткичи 114. | Буюртма № J-74-75.